800-СОН АУДИТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТИ (ҚАЙТА ТАҲРИРЛАНГАН)

МАХСУС МУЛОҲАЗАЛАР—МАХСУС МАҚСАДЛИ АСОСЛАРГА МУВОФИҚ ТАЙЁРЛАНГАН МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАР АУДИТИ

(2016 йил 15 декабрь ва ундан кейин тугайдиган даврлар учун молиявий ҳисоботлар аудити учун амал қилади)

МУНДАРИЖА

Банд

Кириш

АХСнинг қўллаш доираси 1–3

Кучга кириш санаси 4

Мақсад 5

Таърифлар 6–7

Талаблар

Топшириқни қабул қилишда мулоҳазалар 8

Аудитни режалаштириш ва бажаришда мулоҳазалар 9–10

Фикр шакллантириш ва хулоса беришда мулоҳазалар 11–14

Стандартни қўллаш ва бошқа изоҳловчи материаллар

Махсус мақсадли асос таърифи А1–А4

Топшириқни қабул қилишда мулоҳазалар А5–А8

Аудитни режалаштириш ва бажаришда мулоҳазалар А9–А12

Фикр шакллантириш ва хулоса беришда мулоҳазалар А13–А21

Илова: Махсус мақсадли молиявий ҳисобот бўйича мустақил аудиторнинг хулосаси намуналари

800-сон Аудитнинг халқаро стандарти (АХС) (Қайта таҳрирланган), *“Махсус мақсадли асосларга мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботлар аудити — махсус мулоҳазалар”*, 200-сон АХС *“Мустақил аудиторнинг умумий мақсадлари ва Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудит ўтказиш”* билан биргаликда ўқилиши лозим.

Кириш

АХСнинг қўллаш доираси

1. 100-700 сонли Аудитнинг халқаро стандартлари (АХСлар) молиявий ҳисоботлар аудитига қўлланилади. Ушбу АХС махсус мақсадли асос бўйича тайёрланган молиявий ҳисоботлар аудитида ушбу АХСларни қўллашдаги махсус мулоҳазаларни кўриб чиқади.

2. Ушбу АХС махсус мақсадли асос бўйича тайёрланган молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўплами контекстида ёзилган. 805-сон АХС (Қайта таҳрирланган)[1] алоҳида молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботларнинг махсус элементи, ҳисобварағи ёки моддаси аудитига ўринли бўлган махсус мулоҳазаларни кўриб чиқади.

3. Ушбу АХС бошқа АХСлар талабларининг устуворлигини бекор қилмайди; у шунингдек топшириқ ҳолатларида ўринли бўлиши мумкин бўлган барча махсус мулоҳазаларни кўриб чиқишни даъво ҳам қилмайди.

Кучга кириш санаси

4. Ушбу АХС 2016 йил 15 декабрь ва ундан кейин тугайдиган даврлар учун молиявий ҳисоботлар аудити учун амал қилади.

Мақсад

5. Махсус мақсадли асослар бўйича тайёрланган молиявий ҳисобот аудитида АХСларни қўллашда аудиторнинг мақсади қуйидагиларга ўринли бўлган махсус мулоҳазаларни тегишли равишда кўриб чиқишдан иборат:

   (a) Топшириқни қабул қилиш;

   (b) Ушбу топшириқни режалаштириш ва бажариш; ва

   (c) Молиявий ҳисобот бўйича фикр шакллантириш ва хулоса бериш.

Таърифлар

6. АХСлар мақсадлари учун қуйидаги атамалар мазкур маъноларга эга:

   (a) Махсус мақсадли молиявий ҳисоботлар – махсус мақсадли асос бўйича тайёрланган молиявий ҳисобот. (А4-бандга қаранг)

   (b) Махсус мақсадли асос – муайян фойдаланувчиларнинг молиявий ахборот эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқилган молиявий ҳисобот асоси. Молиявий ҳисобот асоси ҳаққоний тақдимот асослари ёки мувофиқлик асоси бўлиши мумкин.[2] (А1-А4-бандларга қаранг)

7. Ушбу АХСда "молиявий ҳисобот"га ҳавола "махсус мақсадли молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўплами"ни англатади. Қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосининг талаблари молиявий ҳисоботларнинг тақдимот тузилиши ва мазмунини, ҳамда молиявий ҳисоботнинг тўлиқ тўпламини нима ташкил этишини аниқлайди. "Махсус мақсадли молиявий ҳисобот"га ҳавола тегишли очиб бериладиган маълумотларни ҳам ўз ичига олади.

Талаблар

Топшириқни қабул қилишда мулоҳазалар

Молиявий ҳисобот асосининг мақбуллиги

8. 210-сон АХС аудитордан молиявий ҳисоботларни тайёрлашда қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосининг мақбуллигини аниқлашни талаб қилади.[3] Махсус мақсадли молиявий ҳисобот аудитида, аудитор қуйидагиларни тушуниб олиши лозим: (А5-А8-бандларга қаранг)

   (a) Молиявий ҳисобот қайси мақсадда тайёрланганлиги;

   (b) Мўлжалланган фойдаланувчилар; ва

---

1 805-сон АХС (Қайта таҳрирланган), *"Алоҳида молиявий ҳисоботлар ва молиявий ҳисоботнинг муайян элементлари, ҳисоблари ёки моддалари аудитига оид махсус мулоҳазалар"*

2 200-сон АХС, *"Мустақил аудиторнинг умумий мақсадлари ва Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудит ўтказиш",* 13(а)-банд

3 210-сон АХС, *"Аудит топшириғи шартларини келишиш"*, 6(а)-банд

(c) Қўлланиладиган молиявий ҳисобот асоси ушбу шароитларда мақбул эканлигини аниқлаш учун раҳбарият томонидан ташланган қадамлар.

Аудитни режалаштириш ва бажаришда мулоҳазалар

9. 200-сон АХС аудитордан аудитга тегишли барча АХСларга риоя қилишни талаб қилади.[4] Махсус мақсадли молиявий ҳисобот аудитини режалаштириш ва бажаришда, аудитор АХСларни қўллаш топшириқ шароитларида махсус кўриб чиқишни талаб қилиш-қилмаслигини аниқлаши лозим. (А9-А12-бандларга қаранг)

10. 315-сон АХС (2019 йилда қайта таҳрирланган) аудитордан қўлланиладиган молиявий ҳисобот асоси ва ташкилотнинг ҳисоб сиёсатлари ва уларга киритилган ҳар қандай ўзгаришлар сабабларини тушуниб олишни талаб қилади.[5] Шартнома қоидаларига мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисобот ҳолатида, аудитор раҳбарият ушбу молиявий ҳисоботларни тайёрлашда қилган шартноманинг ҳар қандай аҳамиятли талқинларини тушуниб олиши лозим. Бошқа оқилона талқинни қабул қилиш молиявий ҳисоботларда тақдим этилган маълумотда муҳим фарқни юзага келтирган бўлса, талқин аҳамиятли ҳисобланади.

Фикр шакллантириш ва хулоса беришда мулоҳазалар

11. Махсус мақсадли молиявий ҳисобот бўйича фикр шакллантириш ва хулоса беришда, аудитор 700-сон АХС (қайта таҳрирланган) талабларини қўллаши лозим.[6] (А13-А19-бандларга қаранг)

Қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосининг тавсифи

12. 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) аудитордан молиявий ҳисобот қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосига етарли даражада ҳавола қилиш ёки уни тавсифлашини баҳолашни талаб қилади.[7] Шартнома қоидаларига мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисобот ҳолатида, аудитор молиявий ҳисобот улар асосланган шартноманинг ҳар қандай аҳамиятли талқинларини етарли даражада тавсифлашини баҳолаши лозим.

13. 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) аудиторнинг хулосаси нинг шакли ва мазмуни, шу жумладан маълум элементлар учун махсус тартибни кўриб чиқади. Махсус мақсадли молиявий ҳисобот бўйича аудиторнинг хулосаси ҳолатида:

(a) Аудиторнинг хулосаси молиявий ҳисобот тайёрланган мақсадни ва, зарур бўлса, мўлжалланган фойдаланувчиларни тавсифлаши, ёки ўша маълумотларни ўз ичига олган махсус мақсадли молиявий ҳисоботлардаги изоҳга ҳавола қилиши лозим; ва

(b) Агар раҳбарият бундай молиявий ҳисоботларни тайёрлашда молиявий ҳисобот асосини танлаш имкониятига эга бўлса, раҳбариятнинг[8] молиявий ҳисобот учун жавобгарлиги тўғрисидаги тушунтириш унинг қўлланиладиган молиявий ҳисобот асоси ҳолатларда мақбул эканлигини аниқлаш бўйича жавобгарлигига ҳам ҳавола қилиши лозим.

Молиявий ҳисобот махсус мақсадли асослар бўйича тайёрланганлиги ҳақида ўқувчиларни огоҳлантириш

14. Махсус мақсадли молиявий ҳисобот бўйича аудиторнинг хулосаси си фойдаланувчиларини молиявий ҳисобот махсус мақсадли асос бўйича тайёрланганлиги ва, натижада, молиявий ҳисоботлар бошқа мақсад учун мос бўлмаслиги мумкинлиги ҳақида огоҳлантирувчи диққатни жалб қилувчи муҳим жиҳатларни ўз ичига олиши лозим. (А20–А21-бандларга қаранг)

***

Стандартни қўллаш ва бошқа изоҳловчи материаллар

Махсус мақсадли асос таърифи (6-бандга қаранг)

А1. Махсус мақсадли асос мисолларига қуйидагилар киради:

- Ташкилотнинг солиқ декларациясига илова қилинган молиявий ҳисобот тўплами учун солиқ ҳисоби асоси;

[4] 200-сон АХС, 18-банд
[5] 315-сон АХС (2019-йилда қайта таҳрирланган), *"Муҳим бузиб кўрсатишлар рискини аниқлаш ва баҳолаш",* 19(b)-банд
[6] 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган), *"Молиявий ҳисоботлар тўғрисида фикр шакллантириш ва хулоса бериш"*
[7] 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган), 15-банд
[8] Ёки муайян юрисдикциядаги ҳуқуқий асос контекстида мувофиқ бўлган бошқа атама

- Ташкилот кредиторлар учун тайёрлаши сўралиши мумкин бўлган пул оқими маълумотлари учун нақд пулларни қабул қилиш ва тўлаш ҳисоби асоси;
- Регулятор томонидан ўрнатилган ўша регулятор талабларини қондириш учун молиявий ҳисобот қоидалари; ёки
- Облигация шартномаси, кредит шартномаси ёки лойиҳа грантлари каби шартноманинг молиявий ҳисобот қоидалари.

А2. Махсус мақсадли асос ваколатли ёки тан олинган стандартларни ўрнатиш ташкилоти томонидан ёки қонун ёки норматив ҳужжат билан ўрнатилган молиявий ҳисобот асосига асосланган, аммо ўша асоснинг барча талабларига жавоб бермайдиган ҳолатлар бўлиши мумкин. Масалан, молиявий ҳисоботларни Х юрисдикциясининг барчаси эмас, балки кўпчилик молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тайёрланишини талаб қиладиган шартнома. Бу топшириқ ҳолатларида мақбул бўлганда, махсус мақсадли молиявий ҳисоботларда қўлланиладиган молиявий ҳисобот асоси тавсифида ваколатли ёки тан олинган стандартларни ўрнатиш ташкилоти томонидан ёки қонун ёки норматив ҳужжат билан ўрнатилган молиявий ҳисобот асосига тўлиқ мувофиқликни таъкидлаш мақсадга мувофиқ эмас. Шартнома бўйича юқоридаги мисолда, қўлланиладиган молиявий ҳисобот асоси тавсифи Х юрисдикциясининг молиявий ҳисобот стандартларига ҳавола қилиш ўрнига, шартноманинг молиявий ҳисобот қоидаларига ҳавола қилиши мумкин.

А3. А2-бандда тавсифланган ҳолатларда, ҳатто махсус мақсадли асос асосланган молиявий ҳисобот асоси ҳаққоний тақдимот асоси бўлса ҳам, махсус мақсадли асос ҳаққоний тақдимот асоси бўлмаслиги мумкин. Бунинг сабаби, махсус мақсадли асос молиявий ҳисоботларнинг ҳаққоний тақдимотига эришиш учун зарур бўлган ваколатли ёки тан олинган стандартларни ўрнатиш ташкилоти томонидан ёки қонун ёки норматив ҳужжат билан ўрнатилган молиявий ҳисобот асосининг барча талабларига жавоб бермаслиги мумкин.

А4. Махсус мақсадли асосларга мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисобот ташкилот тайёрлайдиган ягона молиявий ҳисобот бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда, бу молиявий ҳисобот молиявий ҳисобот асоси мўлжалланган фойдаланувчилардан бошқа фойдаланувчилар томонидан фойдаланилиши мумкин. Ўша ҳолатларда молиявий ҳисоботларнинг кенг тарқалишига қарамай, молиявий ҳисоботлар АХСлар мақсадлари учун ҳали ҳам махсус мақсадли молиявий ҳисобот ҳисобланади. 13-14-бандлардаги талаблар молиявий ҳисобот тайёрланган мақсад ҳақида нотўғри тушунишларни олдини олиш учун мўлжалланган.[9]

Топшириқни қабул қилишда мулоҳазалар

Молиявий ҳисобот асосининг мақбуллиги (8-бандга қаранг)

А5. Махсус мақсадли молиявий ҳисоботлар ҳолатида, мўлжалланган фойдаланувчиларнинг молиявий ахборот эҳтиёжлари молиявий ҳисоботларни тайёрлашда қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосининг мақбуллигини аниқлашда асосий омил ҳисобланади.

А6. Қўлланиладиган молиявий ҳисобот асоси махсус мақсадли молиявий ҳисобот учун стандартларни эълон қилиш ваколатига эга ёки тан олинган ташкилот томонидан ўрнатилган молиявий ҳисобот стандартини ўз ичига олиши мумкин. Бундай ҳолда, агар ташкилот тегишли манфаатдор томонлар фикрларини муҳокама қилиш ва кўриб чиқишни ўз ичига олган ўрнатилган ва шаффоф жараёнга риоя қилса, бу стандартлар ўша мақсад учун мақбул деб ҳисобланади. Айрим юрисдикцияларда, қонун ёки норматив ҳужжат раҳбарият томонидан муайян турдаги ташкилот учун махсус мақсадли молиявий ҳисоботларни тайёрлашда фойдаланиладиган молиявий ҳисобот асосини белгилаши мумкин. Масалан, регулятор ўша регулятор талабларини қондириш учун молиявий ҳисобот қоидаларини ўрнатиши мумкин. Аксига далиллар бўлмаса, бундай молиявий ҳисобот асоси бундай ташкилот томонидан тайёрланадиган махсус мақсадли молиявий ҳисобот учун мақбул деб ҳисобланади.

А7. А6-бандда эслатиб ўтилган молиявий ҳисобот стандартлари қонунчилик ёки норматив талаблар билан тўлдирилган ҳолда, 210-сон АХС аудитордан молиявий ҳисобот стандартлари ва қўшимча талаблар ўртасида қандайдир зиддиятлар мавжудлигини аниқлашни ва бундай зиддиятлар мавжуд бўлганда аудитор томонидан қабул қилиниши керак бўлган ҳаракатларни белгилашни талаб қилади.[10]

А8. Қўлланиладиган молиявий ҳисобот асоси шартноманинг молиявий ҳисобот қоидаларини ёки А6 ва А7-бандларда тавсифланганидан бошқа манбаларни ўз ичига олиши мумкин. Бундай ҳолда, топшириқ ҳолатларида молиявий ҳисобот асосининг мақбуллиги асослар 210-сон АХСнинг 2-иловасида тавсифланганидек мақбул молиявий ҳисобот асоси томонидан одатда намойиш этиладиган хусусиятларни намойиш этиш-этмаслигини кўриб чиқиш

[9] 200-сон АХС, 13(f)-банд
[10] 210-сон АХС, 18-банд

орқали аниқланади. Махсус мақсадли асос ҳолатида, мақбул молиявий ҳисобот асоси томонидан одатда намойиш этиладиган ҳар бир хусусиятнинг аниқ бир келишувга нисбатан нисбий аҳамияти касбий мулоҳаза масаласидир. Масалан, сотиш санасида ташкилотнинг соф активлари қийматини аниқлаш мақсадида, сотувчи ва харидор ундирилмайдиган дебиторлик қарздорлиги учун захираларнинг жуда эҳтиёткор баҳолари уларнинг эҳтиёжлари учун мос эканлигига келишган бўлишлари мумкин, ҳатто бундай молиявий ахборот умумий мақсадли асосга мувофиқ тайёрланган молиявий маълумот билан таққослаганда нейтрал бўлмаса ҳам.

Аудитни режалаштириш ва бажаришда мулоҳазалар (9-бандга қаранг)

A9. 200-сон АХС аудитордан (a) молиявий ҳисобот аудити топшириқларига тегишли мустақиллик талабларини ҳам ўз ичига олган тегишли ахлоқий талабларга, ва (b) аудитга тегишли барча АХСларга риоя қилишни талаб қилади. Шунингдек, у аудитордан, агар аудит ҳолатларида бутун АХС тегишли бўлмаса ёки талаб шартли бўлгани учун тегишли бўлмаса ва шарт мавжуд бўлмаса, АХСнинг ҳар бир талабига риоя қилишни талаб қилади. Истисно ҳолатларда, аудитор АХСдаги тегишли талабдан четга чиқиш ва ўша талаб мақсадига эришиш учун муқобил аудиторлик тартиб-таомилларини бажариш зарур деб ҳисоблаши мумкин.[11]

A10. Махсус мақсадли молиявий ҳисобот аудитида АХСларнинг айрим талабларини қўллаш аудитор томонидан махсус мулоҳазаларни талаб қилиши мумкин. Масалан, 320-сон АХСда, молиявий ҳисобот фойдаланувчилари учун муҳим бўлган масалалар бўйича мулоҳазалар фойдаланувчиларнинг гуруҳ сифатида умумий молиявий ахборот эҳтиёжларини кўриб чиқишга асосланган.[12] Бироқ, махсус мақсадли молиявий ҳисобот аудити ҳолатида, бу мулоҳазалар мўлжалланган фойдаланувчиларнинг молиявий маълумот эҳтиёжларини кўриб чиқишга асосланади.

A11. Масалан, шартнома талабларига мувофиқ тайёрланган махсус мақсадли молиявий ҳисобот ҳолатида, раҳбарият мўлжалланган фойдаланувчилар билан аудит давомида аниқланган бузиб кўрсатишлар тузатилмайдиган ёки бошқача тарзда тузатилмайдиган чегара бўйича келишиб олиши мумкин. Бундай чегаранинг мавжудлиги аудиторни махсус мақсадли молиявий ҳисобот аудитини режалаштириш ва бажариш мақсадида 320-сон АХСга мувофиқ муҳимликни аниқлаш талабидан озод қилмайди.

A12. 260-сон АХС (Қайта таҳрирланган) аудитордан ташкилотнинг бошқарув тузилмаси ичида мулоқот қилиш учун тегишли шахс(лар)ни аниқлашни талаб қилади.[13] 260-сон АХС (Қайта таҳрирланган) баъзи ҳолларда бошқарув учун масъул барча шахслар ташкилотни бошқаришда иштирок этишларини ва мулоқот талабларининг қўлланилиши бу ҳолатни тан олиш учун ўзгартирилишини қайд этади.[14] Агар умумий мақсадли молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўплами ҳам ташкилот томонидан тайёрланса, махсус мақсадли молиявий ҳисобот тайёрланишини назорат қилиш учун масъул бўлган шахс(лар) ўша умумий мақсадли молиявий ҳисобот тайёрланишини назорат қилиш учун масъул бўлган бошқарув учун масъул шахслар билан бир хил бўлмаслиги мумкин.

Фикр шакллантириш ва хулоса беришда мулоҳазалар (11-бандга қаранг)

A13. Ушбу АХСнинг иловаси махсус мақсадли молиявий ҳисобот бўйича мустақил аудитор хулосалари намуналарини ўз ичига олади. Аудитор хулосаларининг бошқа намуналари махсус мақсадли молиявий ҳисобот бўйича хулоса беришга тегишли бўлиши мумкин (масалан, 700-сон АХС (қайта таҳрирланган), 705-сон АХС (Қайта таҳрирланган),[15] 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган),[16] 720-сон АХС (Қайта таҳрирланган)[17], ва 706-сон АХС (Қайта таҳрирланган)[18] иловаларига қаранг).

Махсус мақсадли молиявий ҳисобот бўйича хулоса беришда 700-сон АХС (қайта таҳрирланган)ни қўллаш

A14. Ушбу АХСнинг 11-банди аудитордан махсус мақсадли молиявий ҳисобот бўйича фикр шакллантириш ва хулоса беришда 700-сон АХС (қайта таҳрирланган)ни қўллаш талаб қилинишини тушунтиради. Бунда, аудитор бошқа АХСлардаги хулоса бериш талабларини ҳам қўллаши талаб қилинади ва қуйидаги A15-A19-бандларда кўриб чиқилган махсус мулоҳазаларни фойдали деб топиши мумкин.

Фаолият узлуксизлиги

---

11 200-сон АХС, 14, 18, ва 22–23-бандлар
12 320-сон АХС, *“Аудитни режалаштириш ва ўтказишда муҳимлик”*,, 2-банд
13 260-сон АХС (Қайта таҳрирланган), *“Бошқарув учун масъул шахслар билан мулоқот қилиш”*
14 260-сон АХС (Қайта таҳрирланган), A8-банд
15 705-сон АХС (Қайта таҳрирланган), *“Мустақил аудиторнинг хулосасидаги фикрнинг модификациялари”*
16 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган), *“Фаолиятнинг узлуксизлиги”*
17 720-сон АХС (Қайта таҳрирланган), *“Бошқа маълумотларга оид аудиторнинг жавобгарликлари”*
18 706-сон АХС (Қайта таҳрирланган), *“Мустақил аудиторлик хулосасида алоҳида масалаларни таъкидлаш бандлари ва бошқа масалалар бандлари”*

A15. Махсус мақсадли молиявий ҳисобот ҳисобнинг фаолият узлуксизлиги асоси тегишли бўлган ёки тегишли бўлмаган молиявий ҳисобот асосига мувофиқ тайёрланиши мумкин (масалан, айрим юрисдикцияларда солиқ асосида тайёрланган баъзи молиявий ҳисобот учун ҳисобнинг фаолият узлуксизлиги асоси тегишли эмас).[19] Махсус мақсадли молиявий ҳисоботларни тайёрлашда қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосига қараб, аудиторнинг хулосасида фаолият узлуксизлигига тегишли раҳбариятнинг жавобгарликлари[20] тавсифи зарур бўлганда мослаштирилиши керак бўлиши мумкин. Аудиторнинг хулосасида аудиторнинг жавобгарликлари[21] тавсифи ҳам 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган) топшириқ ҳолатларида қандай қўлланилишига қараб зарур бўлганда мослаштирилиши керак бўлиши мумкин.

Аудитнинг асосий масалалари

A16. 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) аудитордан листинг ташкилотларининг умумий мақсадли молиявий ҳисоботи тўлиқ тўпламлари аудити учун 701-сон АХС[22]га мувофиқ аудитнинг асосий масалаларини ифодалашни талаб қилади. Махсус мақсадли молиявий ҳисобот аудити учун, 701-сон АХС фақат махсус мақсадли молиявий ҳисобот бўйича аудиторнинг хулосаси да аудитнинг асосий масалаларини ифодалаш қонун ёки норматив ҳужжат томонидан талаб қилинганда ёки аудитор бошқача тарзда асосий аудит масалаларини ифодалашга қарор қилганда қўлланилади. Махсус мақсадли молиявий ҳисобот бўйича аудитор хулосасида аудитнинг асосий масалалари ифодаланганда, 701-сон АХС тўлиқлигича қўлланилади.[23]

Бошқа маълумот

A17. 720-сон АХС (қайта таҳрирланган) бошқа маълумотга оид аудиторнинг жавобгарликларини кўриб чиқади. Ушбу АХС контекстида, махсус мақсадли молиявий ҳисоботларни ўз ичига олган ёки уларга илова қилинган ҳисоботлар--уларнинг мақсади эгаларга (ёки шунга ўхшаш манфаатдор томонларга) махсус мақсадли молиявий ҳисоботларда тақдим этилган масалалар бўйича маълумот тақдим этиш-720-сон АХС (Қайта таҳрирланган) мақсадида йиллик ҳисобот деб ҳисобланади. Махсус мақсадли асосларни қўллаган ҳолда тайёрланган молиявий ҳисобот ҳолатида, "шунга ўхшаш манфаатдор томонлар" атамаси молиявий ахборот эҳтиёжлари махсус мақсадли молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун қўлланиладиган махсус мақсадли асос лойиҳаси билан қондириладиган муайян фойдаланувчиларни ўз ичига олади. Аудитор ташкилот бундай ҳисобот чиқаришни режалаштирганини аниқлаганда, 720-сон АХС (қайта таҳрирланган) талаблари махсус мақсадли молиявий ҳисоботлар аудитига қўлланилади бўлади.

Топшириқ партнёрининг номи

A18. 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)нинг аудиторнинг хулосасига топшириқ партнёрининг номини киритиш бўйича талаби листинг ташкилотларининг махсус мақсадли молиявий ҳисоботи аудитига ҳам тегишли.[24] Аудитордан қонун ёки норматив ҳужжат томонидан аудиторнинг хулосаси га топшириқ партнёрининг номини киритиш талаб қилиниши мумкин ёки у листинг ташкилотларидан бошқа ташкилотларнинг махсус мақсадли молиявий ҳисоботи бўйича хулоса беришда бундай қилишга бошқача тарзда қарор қилиши мумкин.

Умумий мақсадли молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўплами бўйича аудиторнинг хулосаси га ҳавола киритиш

A19. Аудитор махсус мақсадли молиявий ҳисобот бўйича аудиторнинг хулосаси да бошқа масала бўлимида умумий мақсадли молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўплами бўйича аудиторнинг хулосаси га ёки унда келтирилган масала(лар)га ҳавола қилишни мувофиқ деб ҳисоблаши мумкин (706-сон АХС (қайта таҳрирланган)га қаранг).[25] Масалан, аудитор махсус мақсадли молиявий ҳисобот бўйича аудиторнинг хулосаси да умумий мақсадли молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўплами бўйича аудиторнинг хулосаси га киритилган фаолиятни давом эттириш қобилияти билан боғлиқ муҳим ноаниқлик бўлимига ҳавола қилишни мувофиқ деб ҳисоблаши мумкин.

Молиявий ҳисобот махсус мақсадли асос бўйича тайёрланганлиги ҳақида фойдаланувчиларни огоҳлантириш (14-бандга қаранг)

A20. Махсус мақсадли молиявий ҳисобот улар мўлжалланган мақсадлардан бошқа мақсадлар учун фойдаланилиши мумкин. Масалан, регулятор айрим ташкилотлардан махсус мақсадли молиявий ҳисоботларни оммавий рўйхатга қўйишни талаб қилиши мумкин. Нотўғри тушунишларни олдини олиш учун, аудитор аудиторнинг хулосаси фойдаланувчиларини молиявий ҳисобот махсус мақсадли асос бўйича тайёрланганлигини ва, шунинг учун, бошқа

[19] 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган), 2-банд
[20] 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган), 34(b) ва A49-бандларга қаранг
[21] 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган), 39(b)(iv)-бандга қаранг.
[22] 701-сон АХС, *"Мустақил аудиторнинг хулосасида аудитнинг асосий масалаларини етказиш"*
[23] 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган), 31-банд
[24] 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган), 46 ва A62–A64-бандларга қаранг.
[25] 706-сон АХС (Қайта таҳрирланган), 10–11-бандларга қаранг

мақсад учун мос бўлмаслиги мумкинлигини тушунтирадиган алоҳида масала бўлимини киритиш орқали огоҳлантиради. 706-сон АХС (Қайта таҳрирланган) бу бўлимни "Алоҳида масала" атамасини ўз ичига олган муносиб сарлавҳа билан аудиторнинг хулосаси нинг алоҳида бўлимида келтиришни талаб қилади.[26]

Тарқатиш ёки фойдаланишни чеклаш (14-бандга қаранг)

A21. 14-бандда талаб қилинган огоҳлантириш билан бирга, аудитор аудиторнинг хулосаси нинг фақат муайян фойдаланувчилар учун мўлжалланганлигини кўрсатишни мувофиқ деб ҳисоблаши мумкин. Муайян юрисдикциянинг қонун ёки норматив ҳужжатларига қараб, бунга аудиторнинг хулосаси нинг тарқатилиши ёки ундан фойдаланишни чеклаш орқали эришиш мумкин. Бундай ҳолатларда, 14-бандда эслатилган бўлим бу бошқа масалани ҳам қамраб олиш учун кенгайтирилиши ва сарлавҳа тегишли равишда ўзгартирилиши мумкин (ушбу АХСнинг иловасидаги намуналарга қаранг).

[26] 706-сон АХС (Қайта таҳрирланган)нинг 9(а)-бандига қаранг.

Илова
(А13 ва А21-бандларга қаранг)

Махсус мақсадли молиявий ҳисобот бўйича мустақил аудиторнинг хулосаси намуналари

- 1-намуна: Листинг кирган ташкилотдан бошқа ташкилотнинг шартноманинг молиявий ҳисобот қоидаларига мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботларининг тўлиқ тўплами бўйича аудитор хулосаси (ушбу намуна мақсадида, мувофиқлик асоси).
- 2-намуна: Листингга кирган ташкилотдан бошқа ташкилотнинг Х юрисдикциясининг солиқ ҳисоби асосига мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўплами бўйича аудитор хулосаси (ушбу намуна мақсадида, мувофиқлик асоси).
- 3-намуна: Листингга кирган ташкилотнинг регулятор томонидан ўрнатилган молиявий ҳисобот қоидаларига мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўплами бўйича аудиторнинг хулосаси (ушбу намуна мақсадида, ҳаққоний тақдимот асоси).

<u>1-намуна: Листингга кирган ташкилотдан бошқа ташкилотнинг шартноманинг молиявий ҳисобот қоидаларига мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботларининг тўлиқ тўплами бўйича аудитор хулосаси(ушбу намуна мақсадида, мувофиқлик асослари).</u>

Ушбу намунавий аудиторлик хулосаси мақсадида, қуйидаги ҳолатлар тахмин қилинади:

- **Молиявий ҳисобот ташкилот раҳбарияти томонидан шартноманинг молиявий ҳисобот қоидаларига мувофиқ тайёрланган (яъни, махсус мақсадли асос). Раҳбарият молиявий ҳисобот асосини танлаш имкониятига эга эмас.**
- **Қўлланиладиган молиявий ҳисобот асоси мувофиқлик асоси эга.**
- **Умумий мақсадли молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўплами бўйича аудиторлик хулосаси чиқарилмаган.**
- **Аудиторлик топшириқ шартлари 210-сон АХСдаги молиявий ҳисобот учун раҳбариятнинг жавобгарлиги тавсифини акс эттиради.**
- **Аудитор олинган аудит далилларига асосланиб модификацияланмаган (яъни, “тоза”) фикр мувофиқ деган хулосага келган.**
- **Аудитга тегишли бўлган ўринли ахлоқий талаблар юрисдикциянинг талабларидир.**
- **Олинган аудит далилларига асосланиб, аудитор 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ ташкилотнинг фаолият узлуксизлигига нисбатан аҳамиятли шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳодисалар ёки шароитлар билан боғлиқ муҳим ноаниқлик мавжуд эмас деган хулосага келган.**
- **Аудиторнинг хулосаси нинг тарқатилиши ва ундан фойдаланиш чекланган.**
- **Аудитордан 701-сон АХСга мувофиқ аудитнинг асосий масалаларини ифодалаш талаб қилинмайди ва у бошқача тарзда бундай қилишга қарор қилмаган.**
- **Аудитор бошқа маълумот мавжуд эмаслигини аниқлаган (яъни, 720-сон АХС (Қайта таҳрирланган) талаблари қўлланилмайди).**
- **Молиявий ҳисобот жараёнини назорат қилиш учун масъул бўлган шахслар молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун масъул бўлган шахслардан фарқ қилади.**
- **Аудиторнинг маҳаллий қонун ёки норматив ҳужжатларга мувофиқ бошқа хулоса бериш жавобгарликлари йўқ.**

МУСТАҚИЛ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

[Тегишли манзил олувчи]

Фикр

Биз ABC Компанияси (Компания) молиявий ҳисоботларини аудитдан ўтказдик, улар 20X1 йил 31 декабрь ҳолатига молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот, шу санада тугаган йил учун даромадлар тўғрисидаги ҳисобот, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида ҳисобот ва пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот, ҳамда муҳим ҳисоб сиёсатлари қисқача баёни киритилган молиявий ҳисоботга изоҳларни ўз ичига олади.

Бизнинг фикримизча, 20X1 йил 31 декабрда тугаган йил учун Компаниянинг илова қилинган молиявий ҳисоботи барча муҳим жиҳатларда Компания ва DEF Компанияси ўртасида 20X1 йил 1 январда тузилган шартнома (“шартнома”)нинг Z бўлимидаги молиявий ҳисобот қоидаларига мувофиқ тайёрланган.

Фикр учун асос

Биз аудитни Аудитнинг халқаро стандартларига (АХСлар) мувофиқ ўтказдик. Бу стандартлар бўйича бизнинг жавобгарликларимиз хулосамизнинг "Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари" бўлимида батафсил баён этилган. Биз [юрисдикция]да молиявий ҳисоботлар аудитига қўлланилади бўлган ахлоқий талабларга мувофиқ Компаниядан мустақилмиз, ва биз бу талабларга мувофиқ бошқа ахлоқий жавобгарликларимизни бажардик. Биз олган аудит далиллари фикримиз учун асос бўлиб хизмат қилиш учун етарли ва муносиб деб ҳисоблаймиз.

Алоҳида масала -- Ҳисоб асоси ва тарқатиш ҳамда фойдаланишда чеклов

Биз ҳисоб асосини тавсифловчи молиявий ҳисоботларнинг X-изоҳига эътиборни қаратамиз. Молиявий ҳисобот Компанияга юқорида эслатилган шартноманинг молиявий ҳисобот қоидаларига риоя қилишда ёрдам бериш учун тайёрланган. Натижада, молиявий ҳисоботлар бошқа мақсад учун мос бўлмаслиги мумкин. Бизнинг ҳисоботимиз фақат Компания ва DEF Компаниясига мўлжалланган ва Компания ёки DEF Компаниясидан бошқа томонларга тарқатилмаслиги ёки улар томонидан фойдаланилмаслиги лозим. Бизнинг фикримиз бу масала бўйича ўзгартирилмаган.

Молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахсларнинг жавобгарликлари[1]

Раҳбарият молиявий ҳисоботларни шартноманинг Z бўлимидаги молиявий ҳисобот қоидаларига мувофиқ тайёрлаш ва фирибгарлик ёки хатолик туфайли юзага келадиган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи молиявий ҳисоботни тайёрлашни таъминлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат учун жавобгардир.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда, раҳбарият Компаниянинг фаолият узлуксизлигини давом эттириш қобилиятини баҳолаш, тегишли ҳолларда фаолият узлуксизлигига тегишли масалаларни ёритиб бериш ва раҳбарият Компанияни тугатиш ёки операцияларни тўхтатиш ниятида бўлмаса, ёки бундай қилишдан бошқа реал муқобили бўлмаса, бухгалтерия ҳисобининг фаолият узлуксизлиги асосидан фойдаланиш учун жавобгардир.

Бошқарув учун масъул шахслар Компаниянинг молиявий ҳисобот жараёнини назорат қилиш учун жавобгардир.

Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари

Бизнинг мақсадларимиз молиявий ҳисобот бутунлигича фирибгарлик ёки хатолик туфайли юзага келадиган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи эканлиги ҳақида оқилона ишонч олиш ва бизнинг фикримизни ўз ичига олган аудиторнинг хулосаси ни чиқаришдир. Оқилона ишонч юқори даражадаги ишончни англатади, аммо АХСларга мувофиқ ўтказилган аудит мавжуд бўлганда муҳим бузиб кўрсатишни ҳар доим аниқлашига кафолат эмас. Бузиб кўрсатишлар фирибгарлик ёки хатолик туфайли юзага келиши мумкин ва агар улар алоҳида ёки биргаликда ушбу молиявий ҳисобот асосида фойдаланувчилар томонидан қабул қилинадиган иқтисодий қарорларга таъсир қилиши оқилона кутилса, муҳим деб ҳисобланади.

700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)нинг 41(б) бандида қуйидаги эътибор қаратилган материал аудиторлик хулосасига Иловада жойлаштирилиши мумкинлиги тушунтирилган. 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)нинг 41(в) бандида қонун, қоидалар ёки миллий аудиторлик стандартлари аниқ рухсат берган тақдирда, ушбу материални аудиторлик хулосасига киритиш ўрнига, аудиторнинг жавобгарликлари тавсифини ўз ичига олган тегишли ваколатли органнинг веб-сайтига ҳавола қилиш мумкинлиги тушунтирилган, бунда веб-сайтдаги тавсиф қуйида келтирилган аудиторнинг жавобгарликлари тавсифига мос келиши ва унга зид бўлмаслиги шарт.

АХСларга мувофиқ аудитнинг бир қисми сифатида, биз бутун аудит давомида касбий мулоҳаза юритамиз ва профессионал скептицизмни сақлаб қоламиз. Шунингдек, биз:

[1] Ушбу намунавий аудитор ҳисоботлари давомида раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахслар атамаларини муайян юрисдикциядаги қонунчилик асоси контекстида тегишли бўлган бошқа атама билан алмаштириш зарур бўлиши мумкин.

- Молиявий ҳисоботнинг фирибгарлик ёки хатолик туфайли юзага келадиган муҳим бузиб кўрсатиш рискларини аниқлаймиз ва баҳолаймиз, бу рискларга жавоб берувчи аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқамиз ва бажарамиз, ҳамда фикримиз учун асос бўлиб хизмат қилиш учун етарли ва муносиб аудит далилларини оламиз. Фирибгарлик натижасида юзага келган муҳим бузиб кўрсатишни аниқламаслик риски хатолик натижасида юзага келган муҳим бузиб кўрсатишни аниқламаслик рискидан юқорироқ, чунки фирибгарлик тил бириктириш, қалбакилаштириш, қасддан қилинган тушириб қолдиришлар, нотўғри тақдимотлар, ёки ички назоратни четлаб ўтишни ўз ичига олиши мумкин.
- Ҳолатларга мувофиқ бўлган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аммо Компаниянинг ички назоратининг самарадорлиги бўйича фикр билдириш мақсадида эмас, аудитга тегишли ички назоратни тушуниб оламиз.[2]
- Қўлланилган ҳисоб сиёсатларининг мувофиқлигини ва раҳбарият томонидан қилинган ҳисоб баҳолари ҳамда тегишли очиб бериладиган маълумотларнинг оқиллигини баҳолаймиз.
- Раҳбарият томонидан бухгалтерия ҳисобининг фаолият узлуксизлиги асосидан фойдаланишнинг мувофиқлиги ҳақида хулоса чиқарамиз ва, олинган аудит далилларига асосланиб, Компаниянинг фаолият узлуксизлигига нисбатан муҳим шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳодисалар ёки шароитлар билан боғлиқ муҳим ноаниқлик мавжуд эканлиги ҳақида хулоса чиқарамиз. Агар биз муҳим ноаниқлик мавжуд деган хулосага келсак, биздан аудитор хулосамизда молиявий ҳисоботлардаги тегишли очиб бериладиган маълумотларга эътиборни қаратиш талаб қилинади ёки, агар бундай очиб бериладиган маълумотлар етарли бўлмаса, фикримизни ўзгартириш талаб қилинади. Бизнинг хулосаларимиз аудитор хулосамиз санасига қадар олинган аудит далилларига асосланган. Бироқ, келажакдаги ҳодисалар ёки шароитлар Компаниянинг фаолият узлуксизлигини давом эттириш қобилиятини тўхтатишига сабаб бўлиши мумкин.

Биз бошқарув учун масъул шахслар билан, бошқа масала қаторида, аудитнинг режалаштирилган кўлами ва муддати, шунингдек аудит давомида аниқлаган ички назоратдаги ҳар қандай муҳим камчиликларни ўз ичига олган муҳим аудит топилмалари ҳақида мулоқот қиламиз.

[Муайян юрисдикция учун мувофиқ бўлганидек, аудиторлик фирмаси номидаги имзо, аудиторнинг шахсий номи, ёки иккаласи]

[Аудитор манзили]

[Сана]

[2] Аудитор молиявий ҳисоботлар аудити билан бир вақтда ички назорат тизимининг самарадорлиги бўйича ҳам хулоса бериш масъулиятини зиммасига олган ҳолатларда, ушбу жумла тегишли равишда ўзгартирилади..

2-намуна: Листингга кирган ташкилотдан бошқа ташкилотнинг Х юрисдикциясининг солиқ ҳисоби асосига мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботларининг тўлиқ тўплами бўйича аудиторлик хулосаси (ушбу намуна мақсадида, мувофиқлик асослари).

Ушбу намунавий аудиторнинг хулосаси мақсадида, қуйидаги ҳолатлар тахмин қилинади:

- **Шерикликнинг раҳбарияти томонидан шерикларга ўзларининг индивидуал солиқ декларацияларини тайёрлашда ёрдам бериш мақсадида Х юрисдикциясининг солиқ ҳисоби асосига мувофиқ (яъни, махсус мақсадли асос) тайёрланган молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўпламининг аудити. Раҳбарият молиявий ҳисобот асосини танлаш имкониятига эга эмас.**
- **Қўлланиладиган молиявий ҳисобот асоси мувофиқлик асоси эга.**
- **Аудиторлик топшириқ шартлари 210-сон АХСдаги молиявий ҳисобот учун раҳбариятнинг жавобгарлиги тавсифини акс эттиради.**
- **Аудитор олинган аудит далилларига асосланиб модификацияланмаган (яъни, "тоза") фикр мувофиқ деган хулосага келган.**
- **Аудитга тегишли бўлган тегишли ахлоқий талаблар юрисдикциянинг талабларидир.**
- **Олинган аудит далилларига асосланиб, аудитор 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ ташкилотнинг фаолият узлуксизлигига нисбатан аҳамиятли шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳодисалар ёки шароитлар билан боғлиқ муҳим ноаниқлик мавжуд эмас деган хулосага келган.**
- **Аудиторнинг хулосасининг тарқатилиши чекланган.**
- **Аудитордан 701-сон АХСга мувофиқ аудитнинг асосий масалаларини ифодалаш талаб қилинмайди ва у бошқача тарзда бундай қилишга қарор қилмаган.**
- **Аудитор бошқа маълумот мавжуд эмаслигини аниқлаган (яъни, 720-сон АХС (Қайта таҳрирланган) талаблари қўлланилмайди).**
- **Молиявий ҳисоботни назорат қилиш учун масъул бўлган шахслар молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун масъул бўлган шахслардан фарқ қилади.**
- **Аудиторнинг маҳаллий қонун ёки норматив ҳужжатларга мувофиқ бошқа хулоса бериш жавобгарликлари йўқ.**

МУСТАҚИЛ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

[Тегишли манзил олувчи]

Фикр

Биз ABC Шериклик (Шериклик) молиявий ҳисоботларини аудитдан ўтказдик, улар 20X1 йил 31 декабрь ҳолатига молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот ва шу санада тугаган йил учун даромадлар тўғрисидаги ҳисобот, ҳамда муҳим ҳисоб сиёсатлари қисқача баёни киритилган молиявий ҳисоботга изоҳларни ўз ичига олади.

Бизнинг фикримизча, 20X1 йил 31 декабрда тугаган йил учун Шерикликнинг илова қилинган молиявий ҳисоботи барча муҳим жиҳатларда X юрисдикциясининг [қўлланиладиган даромад солиғи қонунини тавсифланг]га мувофиқ тайёрланган.

Фикр учун асос

Биз аудитни Аудитнинг халқаро стандартларига (АХСлар) мувофиқ ўтказдик. Бу стандартлар бўйича бизнинг жавобгарликларимиз хулосамизнинг "Молиявий ҳисоботлар аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари" бўлимида батафсил баён этилган. Биз [юрисдикция]да молиявий ҳисоботлар аудитига қўлланилади бўлган ахлоқий талабларга мувофиқ Шерикликдан мустақилмиз, ва биз бу талабларга мувофиқ бошқа ахлоқий жавобгарликларимизни бажардик. Биз олган аудит далиллари фикримиз учун асос бўлиб хизмат қилиш учун етарли ва муносиб деб ҳисоблаймиз.

Алоҳида масала – Ҳисоб асоси ва тарқатишни чеклаш

Биз ҳисоб асосини тавсифловчи молиявий ҳисоботларнинг X-изоҳига эътиборни қаратамиз. Молиявий ҳисоботлар Шериклик шерикларига ўзларининг индивидуал даромад солиғи декларацияларини тайёрлашда ёрдам бериш учун тайёрланган. Натижада, молиявий ҳисоботлар бошқа мақсад учун мос бўлмаслиги мумкин. Бизнинг ҳисоботимиз фақат Шериклик ва унинг шерикларига мўлжалланган ва Шериклик ёки унинг шерикларидан бошқа томонларга тарқатилмаслиги лозим. Бизнинг фикримиз бу масала бўйича ўзгартирилмаган.

Молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахсларнинг жавобгарликлари[3]

Раҳбарият молиявий ҳисоботларни X юрисдикциясининг солиқ ҳисоби асосига мувофиқ тайёрлаш ва фирибгарлик ёки хатолик туфайли юзага келадиган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи молиявий ҳисоботни тайёрлашни таъминлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат учун жавобгардир.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда, раҳбарият Компаниянинг фаолият узлуксизлигини давом эттириш қобилиятини баҳолаш, тегишли ҳолларда фаолият узлуксизлигига тегишли масалаларни ёритиб бериш ва раҳбарият Компанияни тугатиш ёки операцияларни тўхтатиш ниятида бўлмаса, ёки бундай қилишдан бошқа реал муқобили бўлмаса, бухгалтерия ҳисобининг фаолият узлуксизлиги асосидан фойдаланиш учун жавобгардир.

Бошқарув учун масъул шахслар Шерикликнинг молиявий ҳисобот жараёнини назорат қилиш учун жавобгардир.

Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари

Бизнинг мақсадларимиз молиявий ҳисобот бутунлигича фирибгарлик ёки хатолик туфайли юзага келадиган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи эканлиги ҳақида оқилона ишонч олиш ва бизнинг фикримизни ўз ичига олган аудиторнинг хулосасини чиқаришдир. Оқилона ишонч юқори даражадаги ишончни англатади, аммо Аудитнинг халқаро стандартларига (АХСлар) мувофиқ ўтказилган аудит мавжуд бўлганда муҳим бузиб кўрсатишни ҳар доим аниқлашига кафолат эмас. Бузиб кўрсатишлар фирибгарлик ёки хатолик туфайли юзага келиши мумкин ва агар улар алоҳида ёки биргаликда ушбу молиявий ҳисобот асосида фойдаланувчилар томонидан қабул қилинадиган иқтисодий қарорларга таъсир қилиши оқилона кутилса, муҳим деб ҳисобланади.

700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)нинг 41(b)-банди қуйидаги эътибор қаратилган матн аудиторнинг хулосасининг иловасида жойлаштирилиши мумкинлигини тушунтиради. 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)нинг 41(c)-банди қонун, норматив ҳужжат ёки миллий аудит стандартлари аниқ рухсат берганда, аудиторнинг хулосасига бу матнни киритиш ўрнига, аудиторнинг жавобгарликлари тавсифини ўз ичига олган тегишли органнинг веб-сайтига ҳавола қилиш мумкинлигини тушунтиради, бунда веб-сайтдаги тавсиф аудиторнинг қуйидаги жавобгарликлари тавсифини қамраб олиши ва унга зид бўлмаслиги шарти билан

АХСларга мувофиқ аудитнинг бир қисми сифатида, биз бутун аудит давомида касбий мулоҳаза юритамиз ва профессионал скептицизмни сақлаб қоламиз. Шунингдек, биз:

- Молиявий ҳисоботнинг фирибгарлик ёки хатолик туфайли юзага келадиган муҳим бузиб кўрсатиш рискларини аниқлаймиз ва баҳолаймиз, бу рискларга жавоб берувчи аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқамиз ва

[3] Ёки муайян юрисдикциядаги қонунчилик асоси контекстида тегишли бўлган бошқа атамалар
800-сон АХС

бажарамиз, ҳамда фикримиз учун асос бўлиб хизмат қилиш учун етарли ва муносиб аудит далилларини оламиз. Фирибгарлик натижасида юзага келган муҳим бузиб кўрсатишни аниқламаслик риски хатолик натижасида юзага келган муҳим бузиб кўрсатишни аниқламаслик рискидан юқорироқ, чунки фирибгарлик тил бириктириш, қалбакилаштириш, қасддан қилинган тушириб қолдиришлар, нотўғри тақдимотлар, ёки ички назоратни четлаб ўтишни ўз ичига олиши мумкин.

- Ҳолатларга мувофиқ бўлган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аммо Шерикликнинг ички назоратининг самарадорлиги бўйича фикр билдириш мақсадида эмас, аудитга тегишли ички назоратни тушуниб оламиз.[4]

- Раҳбарият томонидан бухгалтерия ҳисобининг фаолият узлуксизлиги асосидан фойдаланишнинг мувофиқлиги ҳақида хулоса чиқарамиз ва, олинган аудит далилларига асосланиб, Компаниянинг фаолият узлуксизлигига нисбатан аҳамиятли шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳодисалар ёки шароитлар билан боғлиқ муҳим ноаниқлик мавжуд эканлиги ҳақида хулоса чиқарамиз. Агар биз муҳим ноаниқлик мавжуд деган хулосага келсак, биздан аудиторнинг хулосасида молиявий ҳисоботлардаги тегишли очиб бериладиган маълумотларга эътиборни қаратиш талаб қилинади ёки, агар бундай очиб бериладиган маълумотлар етарли бўлмаса, фикримизни ўзгартириш талаб қилинади. Бизнинг фикрларимиз аудиторлик хулосамизда санасига қадар олинган аудит далилларига асосланган. Бироқ, келажакдаги ҳодисалар ёки шароитлар Компаниянинг фаолият узлуксизлигини давом эттириш қобилиятини тўхтатишига сабаб бўлиши мумкин.

- Қўлланилган ҳисоб сиёсатларининг мувофиқлигини ва раҳбарият томонидан қўлланган ҳисоб баҳолари ҳамда тегишли очиб бериладиган маълумотларнинг оқиллигини баҳолаймиз.

Биз бошқарув учун масъул шахслар билан, бошқа масала қаторида, аудитнинг режалаштирилган кўлами ва муддати, шунингдек аудит давомида аниқлаган ички назоратдаги ҳар қандай муҳим камчиликларни ўз ичига олган муҳим аудит топилмалари ҳақида мулоқот қиламиз.

[Муайян юрисдикция учун мувофиқ бўлганидек, аудиторлик фирмаси номидаги имзо, аудиторнинг шахсий номи, ёки иккаласи]

[Аудитор манзили]

[Сана]

[4] Аудитор молиявий ҳисоботлар аудити билан бир вақтда ички назорат тизимининг самарадорлиги бўйича ҳам хулоса бериш масъулиятини зиммасига олган ҳолатларда, ушбу жумла тегишли равишда ўзгартирилади.

3-намуна: Листингга кирган ташкилотнинг регулятор томонидан ўрнатилган молиявий ҳисобот қоидаларига мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботларининг тўлиқ тўплами бўйича аудиторнинг хулосаси (ушбу намуна мақсадида, ҳаққоний тақдимот асоси).

Ушбу намунавий аудиторнинг хулосаси мақсадида, қуйидаги ҳолатлар тахмин қилинади:

- **Листинг ташкилотининг ташкилот раҳбарияти томонидан ўша Регуляторнинг талабларини қондириш учун регулятор томонидан ўрнатилган молиявий ҳисобот қоидаларига мувофиқ (яъни, махсус мақсадли асос) тайёрланган молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўпламининг аудити. Раҳбарият молиявий ҳисобот асосини танлаш имкониятига эга эмас.**
- **Қўлланиладиган молиявий ҳисобот асоси ҳаққоний тақдимот асосидир.**
- **Аудиторлик топшириқ шартлари 210-сон АХСдаги молиявий ҳисобот учун раҳбариятнинг жавобгарлиги тавсифини акс эттиради.**
- **Аудитор олинган аудит далилларига асосланиб ўзгартирилмаган (яъни, "тоза") фикр мувофиқ деган хулосага келган.**
- **Аудитга тегишли бўлган тегишли ахлоқий талаблар юрисдикциянинг талабларидир.**
- **Олинган аудит далилларига асосланиб, аудитор 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ ташкилотнинг фаолият узлуксизлигига нисбатан жиддий шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳодисалар ёки шароитлар билан боғлиқ муҳим ноаниқлик мавжуд деган хулосага келган. Молиявий ҳисоботда муҳим ноаниқликнинг ёритиб берилиши етарли.**
- **Аудиторнинг хулосасининг тарқатилиши ёки ундан фойдаланиш чекланмаган.**
- **Аудитордан регулятор томонидан 701-сон АХСга мувофиқ аудитнинг асосий масалаларини ифодалаш талаб қилинади.**
- **Бошқа масала бўлими аудитор АВС Компанияси томонидан умумий мақсадли асосга мувофиқ ўша даврда тайёрланган молиявий ҳисобот бўйича аудиторнинг хулосасини ҳам чиқарганлиги фактига ишора қилади.**
- **Аудитор бошқа маълумот мавжуд эмаслигини аниқлаган (яъни, 720-сон АХС (Қайта таҳрирланган) талаблари қўлланилмайди).**
- **Молиявий ҳисоботни назорат қилиш учун масъул бўлган шахслар молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун масъул бўлган шахслардан фарқ қилади.**
- **Аудиторнинг маҳаллий қонун ёки норматив ҳужжатларга мувофиқ бошқа хулоса бериш жавобгарликлари йўқ.**

МУСТАҚИЛ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

[АВС Компанияси акциядорларига ёки тегишли манзил олувчига]

Фикр

Биз АВС Компанияси (Компания) молиявий ҳисоботларини аудитдан ўтказдик, улар 20X1 йил 31 декабрь ҳолатига молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот, шу санада тугаган йил учун даромадлар тўғрисидаги ҳисобот, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида ҳисобот ва пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот, ҳамда муҳим ҳисоб сиёсатлари қисқача баёни киритилган молиявий ҳисоботга изоҳларни ўз ичига олади.

Бизнинг фикримизча, илова қилинган молиявий ҳисобот барча муҳим жиҳатларда Компаниянинг 20X1 йил 31 декабрь ҳолатига молиявий ҳолатини, ва шу санада тугаган йил учун унинг молиявий натижаларини ва пул оқимларини Z Регламентининг Y бўлимининг молиявий ҳисобот қоидаларига мувофиқ ҳаққоний тақдим этади (ёки ҳаққоний ва тўғри тасвирлайди).

Фикр учун асос

Биз аудитни Аудитнинг халқаро стандартларига (АХСлар) мувофиқ ўтказдик. Бу стандартлар бўйича бизнинг жавобгарликларимиз хулосамизнинг "Молиявий ҳисоботлар аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари" бўлимида батафсил баён этилган. Биз [юрисдикция]да молиявий ҳисоботлар аудитига қўлланилади бўлган ахлоқий талабларга мувофиқ Компаниядан мустақилмиз, ва биз бу талабларга мувофиқ бошқа ахлоқий жавобгарликларимизни бажардик. Биз олган аудит далиллари фикримиз учун асос бўлиб хизмат қилиш учун етарли ва муносиб деб ҳисоблаймиз.

Алоҳида масала -- Ҳисоб асоси

Биз ҳисоб асосини тавсифловчи молиявий ҳисоботларнинг X-изоҳига эътиборни қаратамиз. Молиявий ҳисобот Компанияга DEF регуляторнинг талабларини қондиришда ёрдам бериш учун тайёрланган. Натижада, молиявий ҳисоботлар бошқа мақсад учун мос бўлмаслиги мумкин. Бизнинг фикримиз бу масала бўйича ўзгартирилмаган.

Фаолият узлуксизлиги билан боғлиқ муҳим ноаниқлик

Биз молиявий ҳисоботларнинг 6-изоҳига эътиборни қаратамиз, унда Компания 20X1 йил 31 декабрда тугаган йилда ZZZ миқдорида соф зарар кўргани ва, шу санага, Компаниянинг жорий мажбуриятлари унинг жами активларидан YYY миқдорида ошгани кўрсатилган. 6-изоҳда айтилганидек, бу ҳодисалар ёки шароитлар, 6-изоҳда баён этилган бошқа масала билан бирга, Компаниянинг фаолият узлуксизлигига нисбатан аҳамиятли шубҳа туғдириши мумкин бўлган муҳим ноаниқлик мавжудлигини кўрсатади. Бизнинг фикримиз бу масала бўйича модификацияланмаган.

Аудитнинг асосий масалалари

Аудитнинг асосий масалалари бизнинг касбий мулоҳазамизга кўра, жорий давр молиявий ҳисоботи аудитида энг аҳамиятли бўлган масалалардир. Бу масалалар молиявий ҳисобот бутунлигича аудити контекстида ва улар бўйича фикр шакллантиришда кўриб чиқилган, ва биз бу масалалар бўйича алоҳида фикр билдирмаймиз. Юқоридаги "Фаолият узлуксизлиги билан боғлиқ муҳим ноаниқлик" бўлимида тавсифланган масаладан ташқари, биз қуйида тавсифланган масалаларни ҳисоботимизда ифодаланиши керак бўлган аудитнинг асосий масалалари деб аниқладик.

[Ушбу аудитга қўлланилган 701-сон АХСга мувофиқ ҳар бир аудитнинг асосий масаласининг тавсифи.]

Бошқа масалалар

Компания 20X1 йил 31 декабрда тугаган йил учун Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ молиявий ҳисоботларнинг алоҳида тўпламини тайёрлаган, улар бўйича биз 20X2 йил 31 мартда Компания акциядорларига алоҳида аудиторнинг хулосасини чиқардик.

Молиявий ҳисоботлар учун раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахсларнинг жавобгарликлари[5]

Раҳбарият Z[6] Регламентининг Y бўлимидаги молиявий ҳисобот қоидаларига мувофиқ молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва ҳаққоний тақдим этиш ҳамда фирибгарлик ёки хатолик туфайли юзага келадиган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи молиявий ҳисоботларни тайёрлашни таъминлаш учун раҳбарият зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат учун жавобгардир.

[5] Ёки муайян юрисдикциядаги қонунчилик асоси контекстида тегишли бўлган бошқа атамалар

[6] Раҳбариятнинг жавобгарлиги тўғри ва адолатли тасвирни акс эттирадиган молиявий ҳисоботларни тайёрлашдан иборат бўлган ҳолатларда, бу қуйидагича ўқилиши мумкин: "Раҳбарият Z Низомнинг Y бўлими молиявий ҳисобот қоидаларига мувофиқ тўғри ва адолатли тасвирни акс эттирадиган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва бундай … учун жавобгардир.

Молиявий ҳисоботларни тайёрлашда раҳбарият Компаниянинг фаолият узлуксизлигини давом эттириш қобилиятини баҳолаш, тегишли ҳолларда фаолият узлуксизлигига оид масалаларни очиб бериш ва, агар раҳбарият Компанияни тугатиш ёки фаолиятини тўхтатиш ниятида бўлмаса ёки бундай қилишдан бошқа реал муқобилга эга бўлмаса, бухгалтерия ҳисобининг фаолият узлуксизлиги асосидан фойдаланиш учун жавобгардир.

Бошқарув учун масъул шахслар Компаниянинг молиявий ҳисобот жараёнини назорат қилиш учун жавобгардир.

Молиявий ҳисоботлар аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари

Бизнинг мақсадларимиз молиявий ҳисоботлар бутунлигича фирибгарлик ёки хатолик туфайли юзага келадиган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи эканлиги ҳақида оқилона ишонч олиш ва фикримизни ўз ичига олган аудиторнинг хулосасини чиқаришдан иборат. Оқилона ишонч юқори даражадаги ишончдир, аммо Аудитнинг халқаро стандартларига (АХСлар) мувофиқ ўтказилган аудит мавжуд бўлган муҳим бузиб кўрсатишни ҳар доим аниқлашини кафолатламайди. Бузиб кўрсатишлар фирибгарлик ёки хатолик туфайли юзага келиши мумкин ва, агар улар алоҳида ёки жами ҳолда ушбу молиявий ҳисоботлар асосида қабул қилинадиган фойдаланувчиларнинг иқтисодий қарорларига оқилона кутилган даражада таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, муҳим ҳисобланади.

700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)нинг 41(b)-банди қуйидаги сояланган материал аудиторнинг хулосасига иловага жойлаштирилиши мумкинлигини тушунтиради. 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)нинг 41(c)-банди қонун, норматив ҳужжат ёки миллий аудит стандартлари аниқ рухсат берганда, ушбу материални аудиторнинг хулосасига киритиш ўрнига аудиторнинг жавобгарликлари тавсифини ўз ичига олган тегишли ваколатли орган веб-сайтига ҳавола қилиш мумкинлигини тушунтиради, башарти веб-сайтдаги тавсиф қуйидаги аудитор жавобгарликлари тавсифини қамраб олса ва унга зид бўлмаса.

АХСларга мувофиқ аудитнинг бир қисми сифатида биз бутун аудит давомида касбий мулоҳаза юритамиз ва профессионал скептицизмни сақлаймиз. Шунингдек, биз:

- Молиявий ҳисоботларнинг фирибгарлик ёки хатолик туфайли юзага келадиган муҳим бузиб кўрсатиш рискларини аниқлаймиз ва баҳолаймиз, ушбу рискларга жавоб берувчи аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқамиз ва бажарамиз ҳамда фикримиз учун асос бўлиб хизмат қилиши учун етарли ва муносиб аудит далилларини оламиз. Фирибгарликдан келиб чиққан муҳим бузиб кўрсатишни аниқламаслик риски хатоликдан келиб чиққан муҳим бузиб кўрсатишни аниқламаслик рискидан юқорироқ, чунки фирибгарлик тил бириктириш, сохталаштириш, қасддан тушириб қолдиришлар, нотўғри тақдим этишлар ёки ички назоратни четлаб ўтишни ўз ичига олиши мумкин.
- Шароитларга мос бўлган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида аудитга тегишли ички назорат ҳақида тушунча ҳосил қиламиз, аммо бу Компаниянинг ички назорати самарадорлиги бўйича фикр билдириш мақсадида эмас.[7]
- Қўлланилган ҳисоб сиёсатларининг мувофиқлигини ва раҳбарият томонидан қилинган ҳисоб баҳолари ҳамда тегишли очиб бериладиган маълумотларнинг оқилоналигини баҳолаймиз.
- Раҳбарият томонидан бухгалтерия ҳисобининг фаолият узлуксизлиги асосидан фойдаланишнинг мувофиқлиги ва, олинган аудит далиллари асосида, Компаниянинг фаолият узлуксизлигини давом эттириш қобилиятига жиддий шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳодисалар ёки шароитлар билан боғлиқ муҳим ноаниқлик мавжуд ёки йўқлиги ҳақида хулоса чиқарамиз. Агар муҳим ноаниқлик мавжуд деган хулосага келсак, аудиторнинг хулосасида молиявий ҳисоботлардаги тегишли очиб бериладиган маълумотларга эътибор қаратишимиз ёки, агар бундай очиб бериладиган маълумотлар етарли бўлмаса, фикримизни модификация қилишимиз талаб этилади. Хулосаларимиз аудиторнинг хулосаси санасигача олинган аудит далилларига асосланади. Бироқ, келгуси ҳодисалар ёки шароитлар Компаниянинг фаолият узлуксизлигини давом эттира олмаслигига сабаб бўлиши мумкин.
- Молиявий ҳисоботларнинг умумий тақдим этилиши, тузилмаси ва мазмунини, шу жумладан очиб бериладиган маълумотларни, ҳамда молиявий ҳисоботлар асосий операциялар ва ҳодисаларни ҳаққоний тақдим этишга эришадиган тарзда акс эттириши ёки йўқлигини баҳолаймиз.

Биз бошқарув учун масъул шахслар билан, бошқа масалалар қаторида, аудитнинг режалаштирилган қўллаш доираси ва муддатлари ҳамда аудит давомида аниқлаган ички назоратдаги ҳар қандай аҳамиятли камчиликларни ўз ичига олган аҳамиятли аудит натижалари ҳақида мулоқот қиламиз.

Шунингдек, биз бошқарув учун масъул шахсларга мустақилликка оид тегишли ахлоқий талабларга риоя қилганимиз ҳақида баёнот тақдим этамиз ҳамда мустақиллигимизга оқилона таъсир қилиши мумкин деб ҳисобланадиган барча

[7] Аудитор молиявий ҳисоботлар аудити билан бир вақтда ички назорат тизимининг самарадорлиги бўйича ҳам хулоса бериш масъулиятини зиммасига олган ҳолатларда, ушбу жумла тегишли равишда ўзгартирилади.

муносабатлар ва бошқа масалалар, шунингдек, тегишли ҳолларда, таҳдидларни бартараф этиш учун кўрилган чоралар ёки қўлланилган эҳтиёт чоралари ҳақида улар билан мулоқот қиламиз.

Бошқарув учун масъул шахслар билан мулоқот қилинган масалалардан жорий давр молиявий ҳисоботлари аудитида энг аҳамиятли бўлган ва шу сабабли аудитнинг асосий масалалари ҳисобланган масалаларни аниқлаймиз. Агар қонун ёки норматив ҳужжат масала ҳақида оммавий очиб беришни тақиқламаса ёки, ўта кам ҳолларда, масалани хулосамизда хабар қилиш керак эмас деб аниқласак, чунки бундай қилишнинг салбий оқибатлари бундай хабар қилишнинг жамоат манфаати учун фойдаларидан оқилона кутилган даражада устун келади, ушбу масалаларни аудиторнинг хулосасида тавсифлаймиз.

Ушбу мустақил аудиторнинг хулосасига олиб келган аудит бўйича топшириқ партнёри [исм] ҳисобланади.

[Муайян юрисдикция учун тегишли бўлганидек, аудиторлик фирмаси номидан имзо, аудиторнинг шахсий номи ёки иккаласи]

[Аудитор манзили] [Сана ва манзилнинг жойлашуви алмаштирилган]

[Сана]

805-СОН АУДИТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТИ (ҚАЙТА ТАҲРИРЛАНГАН) МАХСУС МУЛОҲАЗАЛАР — АЛОҲИДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ВА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ МУАЙЯН ЭЛЕМЕНТЛАРИ, ҲИСОБЛАРИ ЁКИ МОДДАЛАРИНИНГ АУДИТИ

(2016 йил 15 декабрь ёки ундан кейин якунланадиган даврлар учун аудитга нисбатан амал қилади)

МУНДАРИЖА

Банд

Кириш

АХСнинг қўллаш доираси 1–3

Кучга кириш санаси 4

Мақсад 5

Таърифлар 6

Талаблар

Топшириқни қабул қилишда инобатга олинадиган мулоҳазалар 7–9

Аудитни режалаштириш ва бажаришда инобатга олинадиган мулоҳазалар 10

Фикр шакллантириш ва хулоса беришда инобатга олинадиган мулоҳазалар 11–17

Стандартни қўллаш ва бошқа изоҳловчи материаллар

АХСнинг қўллаш доираси A1–A4

Келишувни қабул қилишда кўриб чиқиладиган жиҳатлар A5–A9

Аудитни режалаштириш ва ўтказиш пайтидаги мулоҳазалар A10–A15

Фикр шакллантириш ва хулоса бериш бўйича мулоҳазалар A16–A28

1-илова: Молиявий ҳисоботнинг муайян элементлари, ҳисоблари ёки моддаларининг мисоллари

2-илова: Алоҳида молиявий ҳисобот ва молиявий ҳисоботнинг муайян элементи бўйича мустақил аудитор хулосаларининг намуналари

805-сон Аудитнинг халқаро стандарти (АХС) (Қайта таҳрирланган), “Алоҳида молиявий ҳисоботлар ва молиявий ҳисоботнинг муайян элементлари, ҳисоблари ёки моддалари аудитига оид махсус мулоҳазалар”, 200-сон АХС “Мустақил аудиторнинг умумий мақсадлари ва Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудит ўтказиш” билан биргаликда ўқилиши лозим.

Кириш

АХСнинг қўллаш доираси

1. 100–700 сонли Аудитнинг халқаро стандартлари (АХСлар) молиявий ҳисобот аудитига қўлланилади ва бошқа тарихий молиявий маълумотлар аудитида қўлланилганда шароитларга қараб зарур ҳолларда мослаштирилиши лозим. Ушбу АХС алоҳида молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементи, ҳисоби ёки моддаси аудитида ушбу АХСларни қўллашга оид махсус мулоҳазаларни ёритади. Алоҳида молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементи, ҳисоби ёки моддаси умумий ёки махсус мақсадли концептуал асос доирасида тайёрланиши мумкин. Агар махсус мақсадли концептуал асос доирасида тайёрланган бўлса, аудитга 800-сон АХС (Қайта таҳрирланган)[1] ҳам қўлланилади. (А1–А4-бандларга қаранг)

2. Ушбу АХС гуруҳ молиявий ҳисоботи аудити мақсадлари учун компонент молиявий маълумотлари бўйича компонент аудитори томонидан аудиторлик тартиб-таомиллари бажарилган ҳолатларга нисбатан қўлланилмайди (600-сон АХСга қаранг).[2]

3. Ушбу АХС бошқа АХСларнинг талабларини бекор қилмайди; шунингдек, у топшириқ шароитларида долзарб бўлиши мумкин бўлган барча махсус мулоҳазаларни қамраб олишга ҳам қаратилмаган.

Кучга кириш санаси

4. Ушбу АХС 2016 йил 15 декабрдан ёки ундан кейин якунланадиган даврлар учун алоҳида молиявий ҳисоботлар ёки уларнинг муайян элементлари, ҳисоблари ёки моддалари аудитига амал қилади. Муайян санадаги алоҳида молиявий ҳисоботлар ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементлари, ҳисоблари ёки моддалари аудити ҳолатида, ушбу АХС 2016 йил 15 декабрда ёки ундан кейинги санада шундай маълумотлар аудитига амал қилади.

Мақсад

5. Алоҳида молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементи, ҳисоби ёки моддаси аудитида АХСларни қўллаганда, аудиторнинг мақсади қуйидагиларга тегишли бўлган махсус мулоҳазаларни тегишли равишда кўриб чиқишдан иборат:

   (a) Топшириқни қабул қилиш;

   (b) Бу топшириқни режалаштириш ва амалга ошириш; ва

   (c) Алоҳида молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементи, ҳисоби ёки моддаси бўйича фикр шакллантириш ва хулоса бериш.

Таърифлар

6. Ушбу АХС мақсадлари учун, қуйидагиларга ҳавола қилинади:

   (a) "Молиявий ҳисоботнинг элементи" ёки "элемент" атамаси "молиявий ҳисоботнинг элементи, ҳисоби ёки моддаси"ни англатади;

   (b) "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари" Халқаро бухгалтерия стандартлари кенгаши томонидан чиқарилган Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини (МҲХС) англатади; ва

   (c) Алоҳида молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементига қилинган ҳавола тегишли ёритилган маълумотларни ўз ичига олади. Тегишли ёритилган маълумотлар одатда молиявий ҳисобот ёки элементга тегишли бўлган изоҳловчи ёки бошқа тавсифловчи маълумотларни ўз ичига олади. (А2-бандга қаранг)

Талаблар

[1] 800-сон АХС (Қайта таҳрирланган), *Махсус жиҳатлар — Махсус мақсадли концептуал асосларга мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботлар аудити*

[2] 600-сон АХС, *Махсус жиҳатлар — Гуруҳ молиявий ҳисоботлари аудити (Таркибий қисм аудиторлари ишини ҳам қўшган ҳолда)*

Топшириқни қабул қилишда инобатга олинадиган мулоҳазалар

АХСларнинг қўлланилиши

7. 200-сон АХС аудитордан аудитга тегишли бўлган барча АХСларга риоя қилишни талаб қилади.[3] Алоҳида молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементи аудитида бу талаб аудитор ташкилотнинг тўлиқ молиявий ҳисобот тўпламини аудит қилиш учун ёлланганлигидан қатъи назар қўлланилади. Агар аудитор шунингдек ташкилотнинг тўлиқ молиявий ҳисобот тўпламини аудит қилиш учун ёлланмаган бўлса, аудитор АХСларга мувофиқ алоҳида молиявий ҳисобот ёки бу молиявий ҳисоботларнинг муайян элементини аудит қилиш амалда мумкин ёки мумкин эмаслигини аниқлаши лозим. (А5–А6-бандларга қаранг)

Молиявий ҳисобот бериш концептуал асосининг мақбуллиги

8. 210-сон АХС аудитордан молиявий ҳисоботларни тайёрлашда қўлланиладиган молиявий ҳисобот бериш концептуал асосининг мақбуллигини аниқлашни талаб қилади.[4] Алоҳида молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементи аудитида бу молиявий ҳисобот бериш концептуал асосини қўллаш мақсадли фойдаланувчиларга молиявий ҳисобот ёки элементда берилган маълумотларни ва муҳим операциялар ва ҳодисаларнинг молиявий ҳисобот ёки элементда берилган маълумотларга таъсирини тушуниш имконини берадиган етарли маълумотлар ёритиб берилишини таъминловчи тақдимотга олиб келиш-келмаслигини ўз ичига олиши лозим. (А7-бандга қаранг)

Фикр шакли

9. 210-сон АХС аудит топшириғининг келишилган шартлари аудитор томонидан чиқариладиган ҳар қандай хулосаларнинг кутилаётган шаклини ўз ичига олишини талаб қилади.[5] Алоҳида молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементи аудитида аудитор кутилаётган фикр шакли шароитларда тўғри эканлигини кўриб чиқиши лозим. (А8–А9-бандларга қаранг)

Аудитни режалаштириш ва бажаришда инобатга олинадиган мулоҳазалар

10. 200-сон АХС АХСлар молиявий ҳисобот аудити контекстида ёзилганлигини баён қилади; улар бошқа тарихий молиявий маълумотлар аудитида қўлланилганда шароитларга қараб зарур тарзда мослаштирилиши лозим.[6,7] Алоҳида молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементи аудитини режалаштириш ва бажаришда, аудитор аудитга тегишли барча АХСларни топшириқ шароитларида зарур тарзда мослаштириши лозим. (А10–А15-бандларга қаранг)

Фикр шакллантириш ва хулоса беришда инобатга олинадиган мулоҳазалар

11. Алоҳида молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементи бўйича фикр шакллантириш ва хулоса беришда, аудитор 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)[8] талабларини ва қўлланиладиган бўлса, 800-сон АХС (Қайта таҳрирланган) талабларини топшириқ шароитларида зарур тарзда мослаштирган ҳолда қўллаши лозим. (А16–А22-бандларга қаранг)

Ташкилотнинг тўлиқ молиявий ҳисобот тўплами ва алоҳида молиявий ҳисобот ёки бу молиявий ҳисоботларнинг муайян элементи бўйича хулоса бериш

12. Агар аудитор ташкилотнинг тўлиқ молиявий ҳисобот тўпламини аудит қилиш топшириғи билан бирга алоҳида молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементи бўйича хулоса бериш топшириғини амалга оширса, аудитор ҳар бир топшириқ учун алоҳида фикр билдириши лозим.

13. Аудит қилинган алоҳида молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг аудит қилинган муайян элементи ташкилотнинг аудит қилинган тўлиқ молиявий ҳисобот тўплами билан бирга эълон қилиниши мумкин. Агар аудитор алоҳида молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементи тақдим этилиши тўлиқ

---

3 200-сон АХС, *Мустақил аудиторнинг умумий мақсадлари ва аудитни Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказиш*, 18-банд

4 210-сон АХС, *Аудиторлик топшириғи шартларини келишиш*, 6(а)-банд

5 210-сон АХС, 10(е)-банд

6 200-сон АХС, 2-банд

7 200-сон АХС, 13(f)-банди, "молиявий ҳисоботлар" атамаси одатда қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асоси талабларига мувофиқ белгиланган молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўпламини англатишини тушунтиради.

8 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган), *Молиявий ҳисоботлар бўйича фикр шакллантириш ва ҳисобот бериш*

молиявий ҳисобот тўпламидан уни етарлича фарқламаслигини аниқласа, аудитор раҳбариятдан вазиятни тузатишни сўраши лозим. 15 ва 16-бандларга амал қилган ҳолда, аудитор шунингдек алоҳида молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементи бўйича фикрни тўлиқ молиявий ҳисобот тўплами бўйича фикрдан фарқлаши лозим. Аудитор фарқлашга эришилганига қаноат ҳосил қилмагунча алоҳида молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементи бўйича фикрни ўз ичига олган аудиторлик хулосасини чиқармаслиги лозим.

Ташкилотнинг тўлиқ молиявий ҳисобот тўплами бўйича аудитор хулосасига киритилган айрим масалаларнинг алоҳида молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементи аудитига ва улар бўйича аудитор хулосасига таъсирини кўриб чиқиш

14. Агар ташкилотнинг тўлиқ молиявий ҳисобот тўплами бўйича аудитор хулосаси қуйидагиларни ўз ичига олса:

(a) 705-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ модификацияланган фикр;[9]

(b) 706-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ алоҳида масалалар банди ёки бошқа масалалар банди;[10]

(c) 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ фаолият узлуксизлиги билан боғлиқ муҳим ноаниқлик банди;[11]

(d) 701-сон АХСга мувофиқ аудитнинг асосий масалалари тўғрисида маълумот;[12] ёки

(e) 720-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ бошқа маълумотлардаги тузатилмаган муҳим бузиб кўрсатишни тавсифловчи баёнот;[13]

аудитор бу масалаларнинг алоҳида молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементи аудитига ва улар бўйича аудитор хулосасига, агар мавжуд бўлса, қандай таъсир қилишини кўриб чиқиши лозим. (А23–А27-бандларга қаранг)

Ташкилотнинг тўлиқ молиявий ҳисобот тўплами бўйича аудитор хулосасида салбий фикр ёки фикр билдиришдан воз кечиш

15. Агар аудитор ташкилотнинг тўлиқ молиявий ҳисобот тўплами бўйича умуман салбий фикр билдириш ёки фикр билдиришдан воз кечиш зарур деган хулосага келса, 705-сон АХС (Қайта таҳрирланган) аудиторга худди шу аудитор хулосасида бу молиявий ҳисоботнинг таркибий қисми бўлган алоҳида молиявий ҳисобот ёки бу молиявий ҳисоботларнинг муайян элементи бўйича модификацияланмаган фикр киритишга рухсат бермайди.[14] Бунинг сабаби шундаки, бундай модификацияланмаган фикр ташкилотнинг тўлиқ молиявий ҳисобот тўплами бўйича салбий фикр ёки фикр билдиришдан воз кечишга зид бўлади. (А28-бандга қаранг)

16. Агар аудитор ташкилотнинг тўлиқ молиявий ҳисобот тўплами бўйича умуман салбий фикр билдириш ёки фикр билдиришдан воз кечиш зарур деган хулосага келса, аммо бу молиявий ҳисоботларнинг муайян элементи бўйича алоҳида аудит контекстида, аудитор шунга қарамай бу элемент бўйича модификацияланмаган фикр билдириш тўғри деб ҳисобласа, аудитор бундай фикрни фақат қуйидаги ҳолларда бериши мумкин:

(a) Аудиторга қонун ёки норматив ҳужжатлар билан бундай қилиш тақиқланмаган бўлса;

(b) Бу фикр салбий фикр ёки фикр билдиришдан воз кечишни ўз ичига олган аудиторлик хулосаси билан бирга эълон қилинмайдиган аудиторлик хулосасида ифодаланса; ва

(c) Элемент ташкилотнинг тўлиқ молиявий ҳисобот тўпламининг асосий қисмини ташкил қилмаса.

17. Агар аудитор тўлиқ молиявий ҳисобот тўплами бўйича умуман салбий фикр билдирган ёки фикр билдиришдан воз кечган бўлса, тўлиқ молиявий ҳисобот тўпламининг алоҳида молиявий ҳисоботи бўйича

---

[9] 705-сон АХС (Қайта таҳрирланган), *Мустақил аудиторлик ҳисоботидаги фикрга модификациялар*

[10] 706-сон АХС (Қайта таҳрирланган), *Мустақил аудиторлик ҳисоботидаги муҳим ҳолатларга эътибор қаратиш бандлари ва бошқа масалалар бандлари*

[11] 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган), Узлуксиз фаолият, 22-банд

[12] 701-сон АХС, *Мустақил аудиторлик ҳисоботида асосий аудит масалаларини баён этиш,* 13-банд

[13] 720-сон АХС (Қайта таҳрирланган), *Бошқа ахборотга оид аудиторнинг жавобгарликлари,* 22(e)(ii)-банд

[14] 705-сон АХС (Қайта таҳрирланган), 15-банд

модификацияланмаган фикр билдирмаслиги лозим. Бу ҳолат ҳатто алоҳида молиявий ҳисобот бўйича аудитор хулосаси салбий фикр ёки фикр билдиришдан воз кечишни ўз ичига олган аудиторлик хулосаси билан бирга эълон қилинмаса ҳам амал қилади. Бунинг сабаби шундаки, алоҳида молиявий ҳисобот бу молиявий ҳисоботларнинг асосий қисмини ташкил қилади деб ҳисобланади.

Стандартни қўллаш ва бошқа изоҳловчи материаллар

АХСнинг қўллаш доираси (1, 6(c)-бандларга қаранг)

A1. 200-сон АХС "тарихий молиявий маълумот" атамасини муайян ташкилотга тегишли, асосан ўша ташкилотнинг бухгалтерия ҳисоби тизимидан олинган, ўтган давр оралиқларида содир бўлган иқтисодий ҳодисалар ёки ўтган пайтдаги иқтисодий шароитлар ёки вазиятлар ҳақидаги молиявий атамаларда ифодаланган маълумот сифатида белгилайди.[15]

A2. 200-сон АХС "молиявий ҳисоботлар" атамасини молиявий ҳисобот концептуал асослари га мувофиқ маълум пайтда ташкилотнинг иқтисодий ресурслари ёки мажбуриятларини ёки маълум давр ичида улардаги ўзгаришларни етказиш мақсадида, ёритиб беришларни ҳам ўз ичига олган, тарихий молиявий маълумотнинг тизимлашган тақдим этилиши сифатида белгилайди. "Молиявий ҳисоботлар" атамаси одатда қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари талаблари билан аниқланган молиявий ҳисоботнинг тўлиқ тўпламига ишора қилади, аммо ягона молиявий ҳисоботга ҳам ишора қилиши мумкин. Ёритиб беришлар талаб қилинганидек, очиқ рухсат берилган ёки қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари томонидан бошқача рухсат берилганидек, молиявий ҳисобот қисмида, ёки изоҳларда, ёки ҳаволалар орқали киритилган тушунтирувчи ёки тавсифловчи маълумотлардан иборат.[16] 6(c)-бандда таъкидланганидек, ягона молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементига ҳавола тегишли ёритиб беришларни ҳам ўз ичига олади.

A3. АХСлар молиявий ҳисоботлар аудити контекстида ёзилган;[17] ягона молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементи аудити каби бошқа тарихий молиявий маълумотлар аудитига қўлланилганда шароитларда зарур бўлганда мослаштирилиши лозим. Ушбу АХС бу борада ёрдам беради. (1-илова бундай бошқа тарихий молиявий маълумотлар мисолларини келтиради.)

A4. Тарихий молиявий маълумотлар аудитидан бошқа оқилона ишонч топшириғи 3000-сон Ишонч топшириғининг халқаро стандарти (ИТХС) (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ бажарилади.[18]

Келишувни қабул қилишда кўриб чиқиладиган жиҳатлар

АХСларнинг қўлланилиши (7-бандга қаранг)

A5. 200-сон АХС аудитордан (a) мустақиллик билан боғлиқ бўлган жиҳатларни ҳам қўшган ҳолда, молиявий ҳисобот аудити топшириғига тегишли ахлоқий талабларга, ва (b) аудитга тегишли барча АХСларга риоя қилишни талаб қилади. У шунингдек аудитордан, агар аудит шароитларида, бутун АХС тегишли бўлмаса ёки талаб шартли бўлгани учун тегишли бўлмаса ва шарт мавжуд бўлмаса, АХСнинг ҳар бир талабига риоя қилишни талаб қилади. Алоҳида ҳолатларда, аудитор ўша талабнинг мақсадига эришиш учун муқобил аудиторлик тартиб-таомилларини бажариш орқали АХСдаги тегишли талабдан четга чиқиш зарур деб ҳисоблаши мумкин.[19]

A6. Ягона молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементи аудитига тегишли АХСлар талабларига риоя қилиш, агар аудитор шунингдек ташкилотнинг молиявий ҳисоботининг тўлиқ тўпламини аудитдан ўтказиш учун жалб қилинмаган бўлса, амалда имконсиз бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда, аудитор кўпинча ташкилотнинг молиявий ҳисоботининг тўлиқ тўпламини ҳам аудитдан ўтказадиган аудитор каби ташкилот ва унинг муҳити, шу жумладан унинг ички назоратини бир хил тушунишга эга бўлмайди. Аудитор шунингдек ташкилотнинг молиявий ҳисоботининг тўлиқ тўпламини аудитдан ўтказишда олинадиган бухгалтерия ҳисоби ёзувларининг ёки бошқа бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг умумий сифати ҳақида аудит далилларига эга бўлмайди. Шунга кўра, аудитор бухгалтерия ҳисоби ёзувларидан олинган аудит далилларини тасдиқлаш учун қўшимча далилларга муҳтож бўлиши мумкин. Молиявий ҳисоботнинг муайян элементи аудити ҳолатида, айрим

[15] 200-сон АХС, 13(g)-банд
[16] 200-сон АХС, 13(f)-банд
[17] 200-сон АХС, 2-банд
[18] 3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган), *Тарихий молиявий ахборот аудити ёки кўриб чиқишидан бошқа ишончлилик топшириқлари*
[19] 200-сон АХС, 14, 18 ва 22–23-бандлар

АХСлар аудитдан ўтказилаётган элементга нисбатан номутаносиб бўлиши мумкин бўлган аудит ишини талаб қилади. Масалан, 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган) талаблари дебиторлик қарздорлиги рўйхати аудити шароитларида тегишли бўлиши эҳтимоли бўлса-да, талаб қилинадиган аудит меҳнати туфайли бу талабларга риоя қилиш амалда имконсиз бўлиши мумкин. Агар аудитор АХСларга мувофиқ ягона молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементи аудитини амалда имконсиз бўлиши мумкин деб хулоса қилса, аудитор раҳбарият билан бошқа турдаги топшириқ амалда имконли бўлиши мумкинлигини муҳокама қилиши мумкин.

Молиявий ҳисобот концептуал асосларининг мақбуллиги (8-бандга қаранг)

А7. Ягона молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементи молиявий ҳисоботнинг тўлиқ тўпламини тайёрлаш учун ваколатли ёки тан олинган стандартларни белгилаш ташкилоти томонидан белгиланган молиявий ҳисобот тайёрлаш асосларига кўра қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларига мувофиқ тайёрланиши мумкин (масалан, МҲХСлар). Агар шундай бўлса, қўлланиладиган асосларнинг мақбуллигини аниқлаш бу асослар етарли ёритиб беришларни тақдим этадиган ягона молиявий ҳисоботни ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементини тақдим этиш учун тегишли бўлган асосланган асосларнинг барча талабларини ўз ичига олишини кўриб чиқишни ўз ичига олиши мумкин.

Фикр шакли (9-бандга қаранг)

А8. Аудитор томонидан билдирилиши лозим бўлган фикрнинг шакли қўлланиладиган молиявий ҳисобот тайёрлаш асослари ва қўлланиладиган қонун ёки норматив ҳужжатларга боғлиқ. [20] 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ:[21]

(a) Ҳаққоний тақдим этиш асосларига мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботнинг тўлиқ тўплами бўйича модификацияланмаган фикр билдирганда, аудиторнинг фикри, қонун ёки норматив ҳужжатлар томонидан бошқаси талаб қилинмаса, қуйидаги иборалардан бирини қўллайди:

(i) молиявий ҳисобот [қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари]га мувофиқ, барча муҳим жиҳатларда ҳаққоний тақдим этади; ёки

(ii) молиявий ҳисобот [қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари]га мувофиқ тўғри ва ҳаққоний кўриниш беради; ва

(b) Мувофиқлик асосларига мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботнинг тўлиқ тўплами бўйича модификацияланмаган фикр билдирганда, аудиторнинг фикри молиявий ҳисобот [қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари]га мувофиқ, барча муҳим жиҳатларда тайёрланганлигини баён қилади.

А9. Ягона молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементи ҳолатида, қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементининг тақдим этилишини аниқ кўрсатмаслиги мумкин. Бу қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўпламини тайёрлаш учун ваколатли ёки тан олинган стандартларни белгилаш ташкилоти томонидан белгиланган молиявий ҳисобот концептуал асосларига асосланган ҳолда бўлиши мумкин (масалан, МҲХСлар). Аудитор шунинг учун кутилаётган фикр шакли қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари нуқтаи назаридан мувофиқ эканлигини кўриб чиқади. Аудиторнинг ўз фикрида "барча муҳим жиҳатларда ҳаққоний тақдим этади" ёки "тўғри ва ҳаққоний кўриниш беради" иборасини қўллаш ёки қўлламаслик ҳақидаги мулоҳазасига таъсир қилиши мумкин бўлган омилларга қуйидагилар киради:

- Қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари очиқча ёки яширин равишда молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўпламини тайёрлаш билан чекланганлиги.
- Ягона молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементи:
  - муайян молиявий ҳисобот ёки муайян элементга тегишли асосларнинг ҳар бир талабига тўлиқ мос келиши ва молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементининг тақдим этилиши тегишли ёритиб беришларни ўз ичига олиши.

[20] 200-сон АХС, 8-банд
[21] 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган), 25–26-бандлар

- агар ҳаққоний тақдим этишга эришиш учун зарур бўлса, асослар томонидан махсус талаб қилинган ёритиб беришлардан ташқари қўшимча ёритиб беришларни тақдим этиши ёки, алоҳида ҳолатларда, асосларнинг талабидан четга чиқиши.

Аудиторнинг кутилаётган фикр шакли бўйича қарори касбий мулоҳаза масаласидир. Унга ҳаққоний тақдим этиш асосларига мувофиқ тайёрланган ягона молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементи бўйича аудитор фикрида "барча муҳим жиҳатларда ҳаққоний тақдим этади" ёки "тўғри ва ҳаққоний кўриниш беради" иборалари қўлланилиши муайян юрисдикцияда умуман қабул қилинганлиги таъсир қилиши мумкин.

Аудитни режалаштириш ва ўтказиш пайтидаги мулоҳазалар (10-бандга қаранг)

A10. Ҳар бир АХСнинг ўринлилиги диққат билан кўриб чиқилиши талаб этилади. Ҳатто фақат молиявий ҳисоботнинг бирор муайян элементи аудит мавзуси бўлса ҳам, 240-сон АХС,[22] 550[23]-сон АХС ва 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган) каби стандартлар, тамойил жиҳатидан, ўринлидир. Бунинг сабаби, элемент фирибгарлик натижасида, боғлиқ томонлар билан операциялар таъсирида ёки қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари доирасида фаолият узлуксизлиги асосидан нотўғри фойдаланиш натижасида бузиб кўрсатилиши мумкин.

A11. 260-сон АХС (Қайта таҳрирланган) аудитордан ташкилотнинг бошқарув тузилмаси ичида ким билан мулоқот қилиш учун тегишли шахс(лар)ни аниқлашни талаб қилади.[24] 260-сон АХС (Қайта таҳрирланган)да таъкидланганидек, баъзи ҳолларда, бошқарув учун масъул шахсларнинг барчаси ташкилотни бошқаришда иштирок этадилар ва мулоқот талабларининг қўлланилиши бу ҳолатни тан олиш учун ўзгартирилади.[25] Ташкилот томонидан тўлиқ молиявий ҳисобот тўплами ҳам тайёрланганда, алоҳида молиявий ҳисобот ёки элементни тайёрлашни назорат қилиш учун масъул шахс(лар) тўлиқ молиявий ҳисобот тўпламини тайёрлашни назорат қилиш учун масъул бўлган бошқарув учун масъул шахслар билан бир хил бўлмаслиги мумкин.

A12. Бундан ташқари, АХСлар молиявий ҳисобот аудити контекстида ёзилган; улар алоҳида молиявий ҳисобот[26] ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементи аудитига қўлланилганда шароитларга қараб зарур даражада мослаштирилиши лозим. Масалан, тўлиқ молиявий ҳисобот тўплами ҳақида раҳбариятнинг ёзма баёнотлари молиявий ҳисобот ёки элементнинг қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларига мувофиқ тақдим этилиши ҳақидаги ёзма баёнотлар билан алмаштирилиши мумкин.

A13. Тўлиқ молиявий ҳисобот тўплами бўйича аудитор хулосасига киритилган масалалар алоҳида молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг бир элементи аудитига таъсир кўрсатиши мумкин (14-бандга қаранг). Ташкилотнинг тўлиқ молиявий ҳисобот тўплами аудити билан биргаликда алоҳида молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементи аудитини режалаштириш ва ўтказишда, аудитор ташкилотнинг тўлиқ молиявий ҳисобот тўплами аудити жараёнида олинган аудит далилларидан молиявий ҳисобот ёки элемент аудитида фойдаланиши мумкин. Бироқ, АХСлар аудитордан молиявий ҳисобот ёки элемент бўйича фикр билдириш учун асос бўладиган етарли ва муносиб аудит далилларини олиш мақсадида молиявий ҳисобот ёки элемент аудитини режалаштириш ва ўтказишни талаб қилади.

A14. Тўлиқ молиявий ҳисобот тўпламини ташкил этувчи алоҳида молиявий ҳисобот ва бу молиявий ҳисоботнинг кўплаб муайян элементлари, уларга тегишли маълумотларни ёритиб бериш билан бирга, ўзаро боғлиқдир. Шунга кўра, алоҳида молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементини аудит қилишда, аудитор молиявий ҳисобот ёки элементни алоҳида кўриб чиқиш имкониятига эга бўлмаслиги мумкин. Натижада, аудитор аудит мақсадига эришиш учун ўзаро боғлиқ элементларга нисбатан тартиб-таомилларни бажариши лозим бўлиши мумкин.

A15. Бундан ташқари, алоҳида молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементи учун белгиланган муҳимлик даражаси ташкилотнинг тўлиқ молиявий ҳисобот тўплами учун белгиланган муҳимлик даражасидан пастроқ бўлиши мумкин; бу аудиторлик тартиб-таомилларининг характери, муддатлари ва кўламига ҳамда тузатилмаган бузиб кўрсатишларни баҳолашга таъсир қилади.

Фикр шакллантириш ва хулоса бериш бўйича мулоҳазалар (11-бандга қаранг)

---

[22] 240-сон АХС, *Молиявий ҳисоботлар аудитида фирибгарликка оид аудиторнинг жавобгарликлари*

[23] 550-сон АХС, *Боғлиқ томонлар*

[24] 260-сон АХС (Қайта таҳрирланган), *Бошқарув учун масъул шахслар билан ахборот алмашиш*, 11-банд

[25] 260-сон АХС (Қайта таҳрирланган), 10(b), 13, A1 (учинчи банд), A2 ва A8-бандлар

[26] 200-сон АХС, 2-банд

A16. 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) аудитордан, фикр шакллантиришда, молиявий ҳисобот мўлжалланган фойдаланувчиларга молиявий ҳисоботда тақдим этилган маълумотларга муҳим операциялар ва ҳодисалар таъсирини тушуниш имконини берадиган етарли маълумотларни ёритиб беришни таъминлашини баҳолашни талаб қилади.[27] Алоҳида молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементи ҳолатида, қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари талабларини ҳисобга олган ҳолда, молиявий ҳисобот ёки элемент мўлжалланган фойдаланувчиларга молиявий ҳисобот ёки элементда тақдим этилган маълумотларни, ва молиявий ҳисобот ёки элементда тақдим этилган маълумотларга муҳим операциялар ва ҳодисалар таъсирини тушуниш имконини берадиган етарли маълумотларни ёритиб беришни таъминлаши муҳимдир.

A17. 2-иловада алоҳида молиявий ҳисобот ва молиявий ҳисоботнинг муайян элементи бўйича мустақил аудиторнинг хулосалари намуналари келтирилган. Алоҳида молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементи бўйича хулоса беришга тегишли бўлиши мумкин бўлган бошқа аудитор хулосалари намуналари ҳам мавжуд (масалан, 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган), 705-сон АХС (Қайта таҳрирланган), 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган), 720-сон АХС (Қайта таҳрирланган) ва 706-сон АХС (Қайта таҳрирланган) иловаларига қаранг).

Алоҳида молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементи бўйича хулоса беришда 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)ни қўллаш

A18. Ушбу АХСнинг 11-бандида тушунтирилганидек, аудитор алоҳида молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементи бўйича фикр шакллантириш ва хулоса тузишда, топшириқ шароитларига кўра зарурий тарзда мослаштирилган, 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) талабларини қўллаши лозим. Буни амалга оширишда, аудитор шунингдек, топшириқ шароитларига кўра зарурий тарзда мослаштирилган бошқа АХСлардаги хулоса тузиш талабларини қўллаши лозим, ва қуйидаги A19–A21 бандларида кўриб чиқилган мулоҳазаларни фойдали деб топиши мумкин.

Фаолият узлуксизлиги

A19. Алоҳида молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементини тайёрлашда қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларига қараб, аудитор хулосасида раҳбариятнинг фаолият узлуксизлиги қобилиятига оид жавобгарликлари[28] тавсифи зарурий тарзда мослаштирилиши лозим бўлиши мумкин. Аудитор хулосасида аудиторнинг жавобгарликлари[29] тавсифи ҳам 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган) топшириқ шароитларида қандай қўлланилишига қараб, зарурий тарзда мослаштирилиши лозим бўлиши мумкин.

Аудитнинг асосий масалалари

A20. 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) аудитордан рўйхатга олинган ташкилотларнинг умумий мақсадли тўлиқ молиявий ҳисобот тўплами аудити учун 701-сон АХСга мувофиқ аудитнинг асосий масалаларини маълум қилишни талаб қилади.[30] Алоҳида молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементи аудити учун, 701-сон АХС фақат бундай молиявий ҳисобот ёки элементлар бўйича аудитор хулосасида аудитнинг асосий масалаларини маълум қилиш қонун ёки норматив ҳужжатлар томонидан талаб қилинганда, ёки аудитор бошқача тарзда аудитнинг асосий масалаларини маълум қилишга қарор қилганда қўлланилади. Алоҳида молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементи бўйича аудиторлик хулосасида аудитнинг асосий масалалари маълум қилинганда, 701-сон АХС тўлиқ ҳолатда қўлланилади.[31]

Бошқа ахборотлар

A21. 720-сон АХС (Қайта таҳрирланган) бошқа маълумотларга тегишли аудиторнинг жавобгарликларини кўриб чиқади. Ушбу АХС контекстида, алоҳида молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементини ўз ичига олган ёки уларга илова қилинган ҳисоботлар — уларнинг мақсади мулкдорларга (ёки шунга ўхшаш манфаатдор томонларга) алоҳида молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементида тақдим этилган масалалар бўйича маълумот тақдим этиш бўлган — 720-сон АХС (Қайта таҳрирланган) мақсадлари учун йиллик ҳисоботлар деб ҳисобланади. Аудитор ташкилот бундай ҳисоботни чиқаришни

[27] 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган), 13(e)-банд
[28] 700-сон АХС (қайта таҳрирланган)нинг, 34(b) ва A49-бандларига қаранг.
[29] 700-сон АХС (қайта таҳрирланган)нинг, 39(b)(iv)-бандига қаранг.
[30] 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган), 30-банд
[31] 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган), 31-банд

режалаштираётганини аниқлаганда, 720-сон АХС (Қайта таҳрирланган) талаблари алоҳида молиявий ҳисобот ёки элемент аудитига қўлланилади.

Топшириқ партнёри номи

A22. Аудитор хулосасига топшириқ партнёри номини киритиш ҳақидаги 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) талаби рўйхатга олинган ташкилотларнинг алоҳида молиявий ҳисоботлари ёки рўйхатга олинган ташкилотларнинг молиявий ҳисоботларининг муайян элементлари аудитига ҳам қўлланилади.[32] Аудитордан қонун ёки норматив ҳужжатлар томонидан аудитор хулосасига топшириқ партнёри номини киритиш талаб қилиниши ёки аудитор листингга киритилмаган ташкилотларнинг алоҳида молиявий ҳисоботи ёки молиявий ҳисоботнинг элементи бўйича ҳисобот тузишда буни ўз хоҳиши билан амалга ошириш тўғрисида қарор қилиши мумкин.

Ташкилотнинг тўлиқ молиявий ҳисобот тўплами ва алоҳида молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементи бўйича хулоса бериш (14-бандга қаранг)

Ташкилотнинг тўлиқ молиявий ҳисобот тўплами бўйича аудитор хулосасига киритилган айрим масалаларнинг алоҳида молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементи аудитига ва унга тегишли аудитор хулосасига таъсирини кўриб чиқиш

A23. 14-банд аудитордан тўлиқ молиявий ҳисобот тўплами бўйича аудитор хулосасига киритилган айрим масалаларнинг алоҳида молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементи аудитига ва унга тегишли аудитор хулосасига таъсирини, агар мавжуд бўлса, кўриб чиқишни талаб қилади. Тўлиқ молиявий ҳисобот тўплами бўйича аудитор хулосасига киритилган масала алоҳида молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементи бўйича ҳисобот тузиш топшириғи контекстида ўринли эканлигини кўриб чиқиш касбий мулоҳазани талаб қилади.

A24. Бу таъсирларни кўриб чиқишда ўринли бўлиши мумкин бўлган омилларга қуйидагилар киради:

• Тўлиқ молиявий ҳисобот тўплами бўйича аудитор хулосасида тавсифланган масала(лар)нинг характери ва унинг алоҳида молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементида ўз ичига олинган жиҳатларга тегишли эканлиги.

• Тўлиқ молиявий ҳисобот тўплами бўйича аудитор хулосасида тавсифланган масала(лар)нинг кенг тарқалганлик даражаси.

• Қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари ўртасидаги фарқларнинг характери ва кўлами.

• Тўлиқ молиявий ҳисобот тўплами қамраб олган давр(лар) алоҳида молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг элементи қамраб олган давр(лар) ёки саналарга нисбатан қанчалик фарқ қилиши.

• Тўлиқ молиявий ҳисобот тўплами бўйича аудитор хулосаси санасидан бери ўтган вақт.

A25. Масалан, тўлиқ молиявий ҳисобот тўплами бўйича аудитор хулосасида дебиторлик қарздорлиги билан боғлиқ аудитор фикрининг модификацияси мавжуд бўлган ҳолда, ва алоҳида молиявий ҳисобот дебиторлик қарздорлигини ўз ичига олса, ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементи дебиторлик қарздорлигига тегишли бўлса, бу аудитга таъсир кўрсатиши эҳтимоли юқори. Бошқа томондан, агар тўлиқ молиявий ҳисобот тўплами бўйича аудитор фикрининг модификацияси узоқ муддатли қарзнинг таснифига тегишли бўлса, у молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот бўлган алоҳида молиявий ҳисобот аудитига, ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементи дебиторлик қарздорлигига тегишли бўлган ҳолатда таъсир кўрсатиши эҳтимоли камроқ.

A26. Тўлиқ молиявий ҳисобот тўплами бўйича аудитор хулосасида маълум қилинган аудитнинг асосий масалалари алоҳида молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементи аудитига таъсир кўрсатиши мумкин. Аудитнинг асосий масалалари бандида масаланинг тўлиқ молиявий ҳисобот тўплами аудитида қандай кўриб чиқилганлиги ҳақида киритилган маълумот, бу масала алоҳида молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементи аудитига ўринли бўлганда, аудиторнинг масалани қандай кўриб чиқиш тўғрисидаги қарорида фойдали бўлиши мумкин.

Тўлиқ молиявий ҳисобот тўплами бўйича аудитор хулосасига ҳавола киритиш

[32] 700-сон АХС (қайта таҳрирланган)нинг, 46 ва А62–А64-бандларига қаранг.

A27. Ҳатто тўлиқ молиявий ҳисобот тўплами бўйича аудитор хулосасига киритилган айрим масалалар алоҳида молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементи аудитига, ёки у бўйича аудитор хулосасига таъсир кўрсатмаса ҳам, аудитор алоҳида молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементи бўйича аудитор хулосасида Бошқа масалалар бандида бу масала(лар)га ҳавола қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаши мумкин (706-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га қаранг).[33] Масалан, аудитор алоҳида молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг муайян элементи бўйича аудитор хулосасида тўлиқ молиявий ҳисобот тўплами бўйича аудитор хулосасига киритилган Фаолият узлуксизлиги қобилияти билан боғлиқ муҳим ноаниқлик бандига ҳавола қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаши мумкин.

Ташкилотнинг тўлиқ молиявий ҳисобот тўплами бўйича аудитор хулосасидаги салбий фикр ёки фикр билдиришдан воз кечиш (15-бандга қаранг)

A28. Ташкилотнинг тўлиқ молиявий ҳисобот тўплами бўйича аудитор хулосасида, агар ўринли бўлса, операциялар натижалари ва пул оқимлари бўйича фикр билдиришдан воз кечиш ва молиявий ҳолат бўйича модификацияланмаган фикр билдиришга рухсат берилади, чунки фикр билдиришдан воз кечиш фақат операциялар натижалари ва пул оқимларига нисбатан чиқарилмоқда, умумий молиявий ҳисоботларга эмас.[34]

[33] 706-сон АХС (қайта таҳрирланган)нинг 10–11-бандларига қаранг.

[34] 510-сон АХС "Дастлабки аудиторлик топшириқлари — Бошланғич қолдиқлар", A8-банд ва 705-сон АХС (Қайта таҳрирланган), A16-банд

1-илова

(А3-бандга қаранг)

Молиявий ҳисоботнинг муайян элементлари, ҳисоблари ёки моддаларининг мисоллари

- Дебиторлик қарздорлиги, шубҳали дебиторлик қарздорлиги учун резерв, захиралар, хусусий пенсия режаси бўйича ҳисобланган нафақалар мажбурияти, аниқланган номоддий активларнинг ҳисобга олинган қиймати ёки суғурта портфелида "юзага келган, лекин хабар қилинмаган" даъволар бўйича мажбурият, тегишли изоҳлар билан бирга.

- Хусусий пенсия режасининг ташқи бошқариладиган активлари ва даромадлари жадвали, тегишли изоҳлар билан бирга.

- Соф моддий активлар жадвали, тегишли изоҳлар билан бирга.

- Ижарага олинган мулк билан боғлиқ тўловлар жадвали, тушунтирувчи изоҳлар билан бирга.

- Фойдада иштирок этиш ёки ходимлар мукофотлари жадвали, тушунтирувчи изоҳлар билан бирга.

2-илова

(А17-бандга қаранг)

Алоҳида молиявий ҳисобот ва молиявий ҳисоботнинг муайян элементи бўйича мустақил аудитор хулосаларининг намуналари

- 1-Намуна: Листингга кирмайдиган ташкилотнинг умумий мақсадли асосларга мувофиқ тайёрланган алоҳида молиявий ҳисоботи бўйича аудиторлик хулосаси (ушбу намуна мақсадлари учун, ҳаққоний тақдим этиш асослари).

- 2-Намуна: Листингга кирмайдиган ташкилотнинг махсус мақсадли асосларга мувофиқ тайёрланган алоҳида молиявий ҳисоботи бўйича аудиторлик хулосаси (ушбу намуна мақсадлари учун, ҳаққоний тақдим этиш асослари).

- 3-Намуна: Листингга киритилган ташкилотнинг махсус мақсадли асосларга мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботининг муайян элементи бўйича аудиторлик хулосаси (ушбу намуна мақсадлари учун, мувофиқлик асослари).

1-Намуна: Листингга киритилмаган ташкилотнинг умумий мақсадли асосларга мувофиқ тайёрланган алоҳида молиявий ҳисоботи бўйича аудиторлик хулосаси (ушбу намуна мақсадлари учун, ҳаққоний тақдим этиш асослари).

Ушбу намунавий аудиторлик хулосаси учун қуйидаги ҳолатлар тахмин қилинади:

• Листингга киритилмаган ташкилотнинг баланс ҳисоботи (яъни, алоҳида молиявий ҳисобот) аудити.

• Баланс ҳисоботи ташкилот раҳбарияти томонидан Х юрисдикциясидаги Молиявий ҳисобот концептуал асосларининг баланс ҳисоботини тайёрлашга оид талабларига мувофиқ тайёрланган.

• Аудит топшириғининг шартлари 210-сон АХСда келтирилган молиявий ҳисоботлар учун раҳбариятнинг жавобгарлиги тавсифини акс эттиради.

• Қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари кенг доирадаги фойдаланувчиларнинг умумий молиявий маълумот эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган ҳаққоний тақдим этиш асосларидир.

• Аудитор ўз фикрида "барча муҳим жиҳатларда ҳаққоний тақдим этади" жумласидан фойдаланиш мувофиқ деб аниқлаган.

• Аудитга қўлланиладиган тегишли ахлоқий талаблар ушбу юрисдикциянинг талабларидир.

• Олинган аудит далилларига асосланиб, аудитор 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ, ташкилотнинг фаолият узлуксизлиги қобилиятига аҳамиятли шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳодисалар ёки шароитларга боғлиқ муҳим ноаниқлик мавжуд деган хулосага келган. Алоҳида молиявий ҳисоботда муҳим ноаниқлик ҳақидаги маълумотларни ёритиб бериш етарли даражада.

• Аудитордан баланс ҳисоботи аудити контекстида 701-сон АХСга мувофиқ аудитнинг асосий масалаларини маълум қилиш талаб этилмайди ва у бошқача қарор қилмаган.

• Аудитор бошқа маълумотлар йўқлигини аниқлаган (яъни, 720-сон АХС (Қайта таҳрирланган) талаблари қўлланилмайди).

• Молиявий ҳисоботни назорат қилиш учун масъул шахслар молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун масъул шахслардан фарқ қилади.

• Аудиторнинг маҳаллий қонун ёки норматив ҳужжатлар бўйича бошқа хулоса бериш мажбуриятлари йўқ.

МУСТАҚИЛ АУДИТОРНИНГ ХУЛОСАСИ

[Тегишли манзилгоҳ]

Фикр

Биз ABC Компаниясининг (Компания) 20X1 йил 31 декабрь ҳолатига бўлган баланс ҳисоботи ва муҳим ҳисоб сиёсати қисқача баёни билан бирга молиявий ҳисоботга изоҳларни (биргаликда "молиявий ҳисобот") аудитдан ўтказдик.

Бизнинг фикримизча, илова қилинган молиявий ҳисобот X юрисдикциясидаги Молиявий ҳисобот концептуал асосларининг бундай молиявий ҳисоботни тайёрлашга оид талабларига мувофиқ Компаниянинг 20X1 йил 31 декабрь ҳолатига бўлган молиявий ҳолатини барча муҳим жиҳатлардан ҳаққоний тақдим этади.

Фикр учун асос

Биз аудитни Аудитнинг халқаро стандартларига (АХС) мувофиқ ўтказдик. Бу стандартлар бўйича бизнинг мажбуриятларимиз хулосамизнинг "Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари" бандида батафсил баён қилинган. Биз [ҳудуд] даги молиявий ҳисобот аудитига тегишли бўлган ахлоқий талабларга мувофиқ Компаниядан мустақилмиз ва биз ушбу талабларга кўра бошқа ахлоқий мажбуриятларимизни бажарганмиз. Биз олган аудит далиллари фикримиз учун асос бўлиш учун етарли ва муносиб деб ҳисоблаймиз.

Фаолият узлуксизлиги билан боғлиқ муҳим ноаниқлик

Биз молиявий ҳисоботнинг 6-изоҳига эътиборингизни қаратамиз, унда Компаниянинг 20X1 йил 31 декабрда тугаган йил давомида ZZZ миқдорида соф зарар кўрганлиги ва шу санада Компаниянинг жорий мажбуриятлари унинг умумий активларидан YYY миқдорига ошиб кетганлиги кўрсатилган. 6-изоҳда таъкидланганидек, бу ҳодисалар ёки шароитлар, 6-изоҳда баён этилган бошқа масалалар билан биргаликда, Компаниянинг фаолият узлуксизлигига аҳамиятли шубҳа туғдириши мумкин бўлган муҳим ноаниқлик мавжудлигини кўрсатади. Бизнинг фикримиз бу масала бўйича модификацияланмаган.

Молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахсларнинг жавобгарликлари[1]

Раҳбарият X юрисдикциясидаги Молиявий ҳисобот концептуал асосларининг бундай молиявий ҳисоботни тайёрлашга оид талабларига мувофиқ молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва ҳаққоний тақдим этиш ҳамда фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи бўлган молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблаган ички назоратни амалга ошириш учун жавобгардир.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда, раҳбарият Компаниянинг фаолият узлуксизлиги қобилиятини баҳолаш, фаолият узлуксизлиги билан боғлиқ масалаларни, агар мавжуд бўлса, ёритиб бериш ва раҳбарият Компанияни тугатиш ёки фаолиятни тўхтатиш ниятида бўлмаса ёхуд бундай қилишдан бошқа реал муқобил вариант мавжуд бўлмаса, бухгалтерия ҳисобининг фаолият узлуксизлиги асосидан фойдаланиш учун жавобгардир.

Бошқарув учун масъул шахслар Компаниянинг молиявий ҳисобот жараёнини назорат қилиш учун жавобгардир.

Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари

Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисобот умуман олганда фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи эканлиги ҳақида оқилона ишонч ҳосил қилиш ва бизнинг фикримизни ўз ичига олган аудитор хулосасини чиқаришдир. Оқилона ишонч юқори даражадаги ишончни англатади, аммо АХСга мувофиқ ўтказилган аудит мавжуд бўлган муҳим бузиб кўрсатишни ҳар доим аниқлашига кафолат эмас. Бузиб кўрсатишлар фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келиши мумкин ва улар алоҳида ёки жамланган ҳолда ушбу молиявий ҳисобот асосида фойдаланувчилар томонидан қабул қилинадиган иқтисодий қарорларга таъсир қилиши оқилона тарзда кутилиши мумкин бўлса, муҳим деб ҳисобланади.

700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) стандартининг 41(b) бандида тушунтирилишича, қуйида келтирилган ажратилган матн аудитор хулосасига Илова сифатида жойлаштирилиши мумкин. 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) стандартининг 41(c) бандида тушунтирилишича, қонун, норматив ҳужжатлар ёки миллий аудит стандартлари аниқ

[1] Ушбу намунавий аудиторлик ҳисоботларида "раҳбарият" ва "бошқарув учун масъул шахслар" атамаларини муайян юрисдикциядаги ҳуқуқий асос контекстида ўринли бўлган бошқа атама билан алмаштириш зарур бўлиши мумкин.

рухсат берганда, аудитор хулосасида ушбу материални киритиш ўрнига, аудиторнинг жавобгарликлари тавсифини ўз ичига олган тегишли органнинг веб-сайтига ундаги тавсиф қуйида келтирилган аудиторнинг жавобгарликлари тавсифини акс эттириши ва унга зид бўлмаслиги шарти билан ҳавола қилиш мумкин.

АХСга мувофиқ аудит ўтказишнинг бир қисми сифатида, биз аудит давомида касбий мулоҳаза юритамиз ва профессионал скептицизмни сақлаб қоламиз. Шунингдек, биз:

- молиявий ҳисоботда фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатиш рискларини аниқлаймиз ва баҳолаймиз, ушбу рискларга жавоб берадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқамиз ва бажарамиз, ҳамда фикримиз учун асос бўладиган етарли ва муносиб аудит далилларини оламиз. Фирибгарлик натижасида юзага келган муҳим бузиб кўрсатишни аниқламаслик риски хато туфайли юзага келган бузиб кўрсатиш рискидан юқорироқ, чунки фирибгарлик тил бириктириш, қалбакилаштириш, қасддан қилинган хато ва камчиликлар, нотўғри маълумотлар бериш ёки ички назоратни четлаб ўтишни ўз ичига олиши мумкин.

- шароитларга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида аудитга тегишли бўлган ички назоратни тушунамиз, аммо бу Компаниянинг ички назоратининг самарадорлиги ҳақида фикр билдириш мақсадида эмас.[2]

- қўлланилган ҳисоб сиёсатининг мувофиқлигини ва раҳбарият томонидан қилинган ҳисоб баҳолари, агар мавжуд бўлса, ҳамда тегишли маълумотларни ёритиб беришнинг асослилигини баҳолаймиз.

- раҳбарият томонидан бухгалтерия ҳисобининг фаолият узлуксизлиги асосидан фойдаланишнинг мувофиқлиги ҳақида хулоса чиқарамиз ва олинган аудит далилларига асосланиб, Компаниянинг фаолият узлуксизлигига аҳамиятли шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳодисалар ёки шароитларга боғлиқ муҳим ноаниқлик мавжудлиги ҳақида хулоса чиқарамиз. Агар биз муҳим ноаниқлик мавжуд деган хулосага келсак, бизнинг аудитор хулосамизда молиявий ҳисоботдаги тегишли маълумотларни ёритиб беришга эътиборни қаратишимиз ёки, агар бундай маълумотларни ёритиб бериш етарли бўлмаса, фикримизни ўзгартиришимиз талаб этилади. Бизнинг хулосаларимиз аудитор хулосамиз санасигача олинган аудит далилларига асосланади. Бироқ, келажакдаги ҳодисалар ёки шароитлар Компаниянинг фаолият узлуксизлигини тўхтатишига сабаб бўлиши мумкин.

- Молиявий ҳисоботнинг умумий тақдим этилиши, тузилиши ва мазмунини, шу жумладан маълумотларни ёритиб беришни, шунингдек, молиявий ҳисобот асосида ётган операциялар ва ҳодисаларни ҳаққоний тақдим этишга эришиладиган тарзда акс эттирилганлигини баҳолаймиз.

Биз бошқарув учун масъул шахслар билан, бошқа масалалар қатори, аудитнинг режалаштирилган кўлами ва муддатлари, шунингдек аудит давомида аниқланган ички назоратдаги барча муҳим камчиликларни ўз ичига олган муҳим аудит топилмалари ҳақида мулоқот қиламиз.

[*Аудиторлик ташкилоти номи, аудиторнинг шахсий номи ёки иккаласи биргаликда, муайян юрисдикция учун мос равишда*]

[*Аудитор манзили*] [Манзил ва сана ўрни алмаштирилган]

[*Сана*]

[2] Ушбу жумла, аудитор молиявий ҳисобот аудити билан биргаликда ички назоратнинг самарадорлиги ҳақида фикр билдириш жавобгарлигига ҳам эга бўлган ҳолатларда, ўринли равишда модификация қилинади.

2-Намуна: Листингга киритилмаган ташкилотнинг махсус мақсадли асосларга мувофиқ тайёрланган алоҳида молиявий ҳисоботи бўйича аудиторлик хулосаси.

Ушбу намунавий аудиторлик хулосаси учун қуйидаги ҳолатлар тахмин қилинади:

- **Листингга киритилмаган ташкилотнинг пул маблағлари тушуми ва тўловлари тўғрисидаги ҳисоботи (яъни, алоҳида молиявий ҳисобот) аудити.**
- **Тўлиқ молиявий ҳисобот тўплами бўйича аудиторлик хулосаси чиқарилмаган.**
- **Молиявий ҳисобот ташкилот раҳбарияти томонидан кредитордан олинган пул оқими ҳақидаги сўровга жавоб бериш учун пул маблағлари тушуми ва тўловлари асосида ҳисоб юритиш тамойилига мувофиқ тайёрланган. Раҳбарият молиявий ҳисобот концептуал асосларини танлаш имкониятига эга.**
- **Қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асоси муайян фойдаланувчиларнинг молиявий ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган холисона тақдим этиш концептуал асосидир.[3]**
- **Аудитор олинган аудиторлик далилларига асосланиб, модификация қилинмаган (яъни "тоза") фикр ўринли деган хулосага келди.**
- **Аудитор ўз фикрида "барча муҳим жиҳатлардан холисона тақдим этади" иборасини қўллаш ўринли деб аниқлади.**
- **Аудитга нисбатан қўлланиладиган тегишли этик талаблар ушбу юрисдикция талабларидир.**
- **Аудиторлик ҳисоботини тарқатиш ёки ундан фойдаланиш чекланмаган.**
- **Олинган аудиторлик далилларига асосланиб, аудитор 570-сон АХС (қайта таҳрирланган)га мувофиқ ташкилотнинг узлуксиз фаолият юритиш қобилиятига жиддий шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳодисалар ёки шарт-шароитларга боғлиқ муҳим ноаниқлик мавжуд эмаслиги ҳақида хулосага келди.**
- **Аудитордан пул маблағлари тушуми ва сарфланиши тўғрисидаги ҳисобот аудити доирасида 701-сон АХСга мувофиқ асосий аудит масалаларини баён этиш талаб қилинмайди ҳамда аудитор бошқача тарзда буни баён этишни лозим деб топмаган.**
- **Аудитор бошқа ахборот мавжуд эмаслигини аниқлади (яъни 720-сон АХС (қайта таҳрирланган) талаблари қўлланилмайди).**
- **Раҳбарият ушбу молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва уни тайёрлаш учун молиявий ҳисобот бериш жараёнини назорат қилиш учун жавобгардир.**
- **Аудиторда маҳаллий қонун ёки норматив ҳужжатлар бўйича талаб қилинадиган бошқа ҳисобот бериш мажбуриятлари йўқ.**

[3] 800-сон АХС (қайта таҳрирланган) махсус мақсадли концептуал асосга мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботларнинг шакли ва мазмуни бўйича талаблар ва кўрсатмаларни ўз ичига олади.

МУСТАҚИЛ АУДИТОРНИНГ ХУЛОСАСИ

[Тегишли манзилгоҳ]

Фикр

Биз ABC Компаниясининг (Компания) 20X1 йил 31 декабрда тугаган йил учун пул маблағлари тушуми ва тўловлари тўғрисидаги ҳисоботи ва муҳим ҳисоб сиёсати қисқача баёни билан бирга пул маблағлари тушуми ва тўловлари тўғрисидаги ҳисоботга изоҳларни (биргаликда "молиявий ҳисобот") аудитдан ўтказдик.

Бизнинг фикримизча, илова қилинган молиявий ҳисобот Х-изоҳда тавсифланган пул маблағлари тушуми ва тўловлари асосида ҳисоб юритиш тамойилига мувофиқ Компаниянинг 20X1 йил 31 декабрда тугаган йил учун пул маблағлари тушуми ва тўловларини барча муҳим жиҳатларда ҳаққоний тақдим этади.

Фикр учун асос

Биз аудитни Аудитнинг халқаро стандартларига (АХС) мувофиқ ўтказдик. Бу стандартлар бўйича бизнинг мажбуриятларимиз хулосамизнинг "Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари" бандида батафсил баён қилинган. Биз [ҳудуд] даги молиявий ҳисобот аудитига тегишли бўлган ахлоқий талабларга мувофиқ Компаниядан мустақилмиз ва биз ушбу талабларга кўра бошқа ахлоқий мажбуриятларимизни бажарганмиз. Биз олган аудит далиллари фикримиз учун асос бўлиш учун етарли ва муносиб деб ҳисоблаймиз.

Алоҳида масалалар – Ҳисоб асоси

Биз молиявий ҳисоботнинг Х-изоҳига эътиборингизни қаратамиз, унда ҳисоб асоси тавсифланган. Молиявий ҳисобот XYZ Кредиторга маълумот тақдим этиш учун тайёрланган. Натижада, ҳисобот бошқа мақсад учун мос бўлмаслиги мумкин. Бизнинг фикримиз бу масала бўйича модификацияламаган.

Молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахсларнинг жавобгарликлари[4]

Раҳбарият Х-изоҳда тавсифланган пул маблағлари тушуми ва тўловлари асосида ҳисоб юритиш тамойилига мувофиқ молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва ҳаққоний тақдим этиш учун жавобгардир; бу жавобгарлик ушбу шароитларда молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун пул маблағлари тушуми ва тўловлари асосида ҳисоб юритиш тамойили мақбул асос эканлигини аниқлашни, шунингдек фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи бўлган молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун раҳбарият зарур деб ҳисоблаган ички назоратни амалга оширишни ўз ичига олади.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда, раҳбарият Компаниянинг фаолият узлуксизлигини баҳолаш, фаолият узлуксизлиги билан боғлиқ масалаларни, агар мавжуд бўлса, ёритиб бериш ва раҳбарият Компанияни тугатиш ёки фаолиятни тўхтатиш ниятида бўлмаса ёхуд бундай қилишдан бошқа реал муқобил вариант мавжуд бўлмаса, бухгалтерия ҳисобининг фаолият узлуксизлиги асосидан фойдаланиш учун жавобгардир.

Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари

Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисобот умуман олганда фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи эканлиги ҳақида оқилона ишонч ҳосил қилиш ва бизнинг фикримизни ўз ичига олган аудиторлик хулосасини чиқаришдир. Оқилона ишонч юқори даражадаги ишончни англатади, аммо АХСга мувофиқ ўтказилган аудит мавжуд бўлган муҳим бузиб кўрсатишни ҳар доим аниқлашига кафолат эмас. Бузиб кўрсатишлар фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келиши мумкин ва улар алоҳида ёки жамланган ҳолда ушбу молиявий ҳисобот асосида фойдаланувчилар томонидан қабул қилинадиган иқтисодий қарорларга таъсир қилиши оқилона тарзда кутилиши мумкин бўлса, муҳим деб ҳисобланади.

700-сон АХС (қайта таҳрирланган)нинг 41(b)-банди қуйида соя билан белгиланган материал аудиторлик ҳисоботига иловада жойлаштирилиши мумкинлигини тушунтиради. 700-сон АХС (қайта таҳрирланган)нинг 41(c)-банди қонун, норматив ҳужжат ёки миллий аудит стандартлари буни аниқ тарзда рухсат этган тақдирда, ушбу материални аудиторлик ҳисоботига киритиш ўрнига, аудитор жавобгарликларининг тавсифини ўз ичига олган тегишли ваколатли органнинг веб-сайтига ҳавола қилиниши мумкинлигини тушунтиради, бунда веб-сайтдаги тавсиф қуйида келтирилган аудитор жавобгарликлари тавсифини қамраб олиши ва унга зид бўлмаслиги шарт.

[4] Ёки муайян юрисдикциядаги ҳуқуқий асос контекстида ўринли бўлган бошқа атамалар.

АХСларга мувофиқ ўтказиладиган аудит доирасида биз бутун аудит давомида касбий мулоҳазани қўллаймиз ва касбий скептицизмни сақлаймиз. Шунингдек, биз:

- Молиявий ҳисоботдаги фирибгарлик ёки хатолик туфайли юзага келган муҳим нотўғри маълумотлар рискларини аниқлаймиз ва баҳолаймиз, ушбу рискларга жавобан аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқамиз ва амалга оширамиз ҳамда ўз фикримиз учун асос бўладиган етарли ва муносиб аудиторлик далилларини оламиз. Фирибгарлик натижасида юзага келган муҳим нотўғри маълумотларни аниқламаслик риски хатолик натижасида юзага келганига нисбатан юқорироқдир, чунки фирибгарлик тил бириктириш, сохталаштириш, атайин тушириб қолдириш, нотўғри тақдим этиш ёки ички назоратни четлаб ўтишни ўз ичига олиши мумкин.
- Вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида аудитга тегишли ички назорат тўғрисида тушунчага эга бўламиз, лекин Компания ички назоратининг самарадорлиги ҳақида фикр билдириш мақсадида эмас.[5]
  Раҳбарият томонидан бухгалтерия ҳисобининг узлуксиз фаолият асосидан фойдаланиши ўринлилиги юзасидан ва олинган аудиторлик далилларига асосланиб, Компаниянинг узлуксиз фаолият юритиш қобилиятига жиддий шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳодисалар ёки шарт-шароитларга боғлиқ муҳим ноаниқлик мавжудлиги юзасидан хулоса чиқарамиз. Агар биз муҳим ноаниқлик мавжуд деб хулоса қилсак, аудиторлик ҳисоботимизда молиявий ҳисоботдаги тегишли ёритилган маълумотларга эътибор қаратишимиз ёки бундай маълумотлар етарли бўлмаса, ўз фикримизни модификация қилишимиз талаб этилади. Бизнинг хулосаларимиз аудиторлик ҳисоботимиз санасигача олинган аудиторлик далилларига асосланади. Бироқ, келгусидаги ҳодисалар ёки шарт-шароитлар Компаниянинг узлуксиз фаолиятини тўхтатишига сабаб бўлиши мумкин.
- Қўлланилган бухгалтерия ҳисоби сиёсатларининг ўринлилигини ҳамда бухгалтерия ҳисоби баҳоларининг (агар мавжуд бўлса) ва раҳбарият томонидан келтирилган тегишли ёритилган маълумотларнинг асослилигини баҳолаймиз.
- Молиявий ҳисоботнинг, шу жумладан ёритилган маълумотларнинг умумий тақдимоти, тузилиши ва мазмунини, шунингдек молиявий ҳисобот асосида ётган операциялар ва ҳодисаларни холисона тақдим этишга эришадиган тарзда акс эттиришини баҳолаймиз.

Биз бошқарув учун масъул шахслар билан, бошқа масалалар қаторида, аудитнинг режалаштирилган қўллаш доираси ва муддатлари ҳамда муҳим аудит топилмалари, шу жумладан аудит давомида аниқлаган ички назоратдаги ҳар қандай жиддий камчиликлар юзасидан ахборот алмашамиз.

[*Аудиторлик ташкилоти номи, аудиторнинг шахсий номи ёки иккаласи биргаликда, муайян юрисдикция учун мос равишда*]

[*Аудитор манзили*] [Сана ва манзил ўрни алмаштирилган]

[*Сана*]

[5]

3-Намуна: Листингга киритилган ташкилотнинг махсус мақсадли асосларга мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботининг муайян элементи бўйича аудиторлик хулосаси.

Ушбу намунавий аудиторлик хулосаси учун қуйидаги ҳолатлар тахмин қилинади:

- **Дебиторлик қарздорлиги жадвали (яъни, молиявий ҳисоботнинг элементи, ҳисоби ёки моддаси) аудити.**
- **Молиявий маълумот ташкилот раҳбарияти томонидан регуляторнинг талабларини бажариш учун регулятор томонидан белгиланган молиявий ҳисобот қоидаларига мувофиқ тайёрланган. Раҳбариятнинг молиявий ҳисобот концептуал асосларини танлаш имконияти йўқ.**
- **Қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари муайян фойдаланувчиларнинг молиявий маълумот эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган ҳаққоний тақдим этиш асосларидир.[6]**
- **Аудитор олинган аудит далилларига асосланиб, модификацияланмаган (яъни, "тоза") фикр мувофиқ деган хулосага келган.**
- **Аудитор ўз фикрида "барча муҳим жиҳатларда ҳаққоний тақдим этади" жумласидан фойдаланиш мувофиқ деб аниқлаган.**
- **Аудитга қўлланиладиган тегишли ахлоқий талаблар ушбу юрисдикциянинг талабларидир.**
- **Аудитор хулосасини тарқатиш ёки ундан фойдаланиш чекланмаган.**
- **Олинган аудит далилларига асосланиб, аудитор 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ, ташкилотнинг фаолият узлуксизлигига аҳамиятли шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳодисалар ёки шароитларга боғлиқ муҳим ноаниқлик мавжуд эмас деган хулосага келган.**
- **Аудитордан пул маблағлари тушуми ва тўловлари тўғрисидаги ҳисобот аудити контекстида 701-сон АХСга мувофиқ аудитнинг асосий масалаларини маълум қилиш талаб этилмайди ва у бошқача қарор қилмаган.**
- **Аудитор бошқа маълумотлар йўқлигини аниқлаган (яъни, 720-сон АХС (Қайта таҳрирланган) талаблари қўлланилмайди).**
- **Раҳбарият молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва ушбу молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун молиявий ҳисобот жараёнини назорат қилиш учун жавобгардир.**
- **Аудиторнинг маҳаллий қонун ёки норматив ҳужжатлар бўйича бошқа хулоса бериш мажбуриятлари йўқ.**

[6] 800-сон АХС (қайта таҳрирланган) махсус мақсадли концептуал асосга мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботларнинг шакли ва мазмуни бўйича талаблар ва кўрсатмаларни ўз ичига олади.

МУСТАҚИЛ АУДИТОРНИНГ ХУЛОСАСИ

[ABC Компанияси акциядорларига ёки Бошқа тегишли тарафларга]

Фикр

Биз ABC Компаниясининг (Компания) 20X1 йил 31 декабрь ҳолатига бўлган дебиторлик қарздорлиги жадвалини ("жадвал") аудитдан ўтказдик.

Бизнинг фикримизча, Компаниянинг 20X1 йил 31 декабрь ҳолатига бўлган жадвалидаги молиявий маълумот [регулятор томонидан белгиланган молиявий ҳисобот қоидаларини тавсифлайдиган]га мувофиқ, барча муҳим жиҳатларда тайёрланган.

Фикр учун асос

Биз аудитни Аудитнинг халқаро стандартларига (АХС) мувофиқ ўтказдик. Бу стандартлар бўйича бизнинг мажбуриятларимиз хулосамизнинг "Аудиторнинг жавобгарликлари" бандида батафсил баён қилинган. Биз [ҳудуд] даги жадвал аудитига тегишли бўлган ахлоқий талабларга мувофиқ Компаниядан мустақилмиз ва биз ушбу талабларга кўра бошқа ахлоқий мажбуриятларимизни бажарганмиз. Биз олган аудит далиллари фикримиз учун асос бўлиш учун етарли ва муносиб деб ҳисоблаймиз.

Алоҳида масалалар – Ҳисоб асоси ва тарқатишга чеклов

Биз жадвалнинг X-изоҳига эътиборингизни қаратамиз, унда ҳисоб асоси тавсифланган. Жадвал Компанияга DEF Регуляторининг талабларини бажаришда ёрдам бериш учун тайёрланган. Натижада, жадвал бошқа мақсад учун мос бўлмаслиги мумкин. Бизнинг хулосамиз фақат Компания ва DEF Регулятори учун мўлжалланган ва Компания ёки DEF Регуляторидан ташқари бошқа томонларга тарқатилмаслиги лозим. Бизнинг фикримиз бу масала бўйича модификацияланмаган.

Жадвал учун раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахсларнинг жавобгарликлари[7]

Раҳбарият [регулятор томонидан белгиланган молиявий ҳисобот қоидаларини тавсифланган]га мувофиқ жадвални тайёрлаш ва фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи бўлган жадвални тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблаган ички назоратни амалга ошириш учун жавобгардир.

Жадвални тайёрлашда, раҳбарият Компаниянинг фаолият узлуксизлиги қобилиятини баҳолаш, фаолият узлуксизлиги билан боғлиқ масалаларни, агар мавжуд бўлса, ёритиб бериш ва раҳбарият Компанияни тугатиш ёки фаолиятни тўхтатиш ниятида бўлмаса ёхуд бундай қилишдан бошқа реал муқобил вариант мавжуд бўлмаса, бухгалтерия ҳисобининг фаолият узлуксизлиги асосидан фойдаланиш учун жавобгардир.

Бошқарув учун масъул шахслар Компаниянинг молиявий ҳисобот жараёнини назорат қилиш учун жавобгардир.

Жадвал аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари

Бизнинг мақсадимиз жадвал умуман олганда фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи эканлиги ҳақида оқилона ишонч ҳосил қилиш ва бизнинг фикримизни ўз ичига олган аудитор хулосасини чиқаришдир. Оқилона ишонч юқори даражадаги ишончни англатади, аммо АХСга мувофиқ ўтказилган аудит мавжуд бўлган муҳим бузиб кўрсатишни ҳар доим аниқлашига кафолат эмас. Бузиб кўрсатишлар фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келиши мумкин ва улар алоҳида ёки жамланган ҳолда ушбу жадвал асосида фойдаланувчилар томонидан қабул қилинадиган иқтисодий қарорларга таъсир қилиши оқилона тарзда кутилиши мумкин бўлса, муҳим деб ҳисобланади.

700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) стандартининг 41(b) бандида тушунтирилишича, қуйида келтирилган матн аудиторлик хулосасига Илова сифатида жойлаштирилиши мумкин. 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) стандартининг 41(c) бандида тушунтирилишича, қонун, норматив ҳужжатлар ёки миллий аудит стандартлари аниқ рухсат берганда, аудиторлик хулосасида ушбу материални киритиш ўрнига, аудиторнинг жавобгарликлари тавсифини ўз ичига олган тегишли органнинг веб-сайтига ундаги тавсиф қуйида келтирилган аудиторнинг жавобгарликлари тавсифини акс эттириши ва унга зид бўлмаслиги шарти билан ҳавола қилиш мумкин.

[7] Ёки муайян юрисдикциядаги ҳуқуқий асос контекстида ўринли бўлган бошқа атамалар.

АХСга мувофиқ аудит ўтказишнинг бир қисми сифатида, биз аудит давомида касбий мулоҳаза юритамиз ва профессионал скептицизмни сақлаб қоламиз. Шунингдек, биз:

- Жадвалда фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатиш рискларини аниқлаймиз ва баҳолаймиз, ушбу рискларга жавоб берадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқамиз ва бажарамиз, ҳамда фикримиз учун асос бўладиган етарли ва муносиб аудит далилларини оламиз. Фирибгарлик натижасида юзага келган муҳим бузиб кўрсатишни аниқламаслик риски хато туфайли юзага келган бузиб кўрсатишникидан юқорироқ, чунки фирибгарлик тил бириктириш, қалбакилаштириш, қасддан қилинган хато ва камчиликлар, нотўғри маълумотлар бериш ёки ички назоратни четлаб ўтишни ўз ичига олиши мумкин.

- Шароитларга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида аудитга тегишли бўлган ички назоратни тушунамиз, аммо бу Компаниянинг ички назоратининг самарадорлиги ҳақида фикр билдириш мақсадида эмас.[8]

- Раҳбарият томонидан бухгалтерия ҳисобининг фаолият узлуксизлиги асосидан фойдаланишнинг мувофиқлиги ҳақида хулоса чиқарамиз ва олинган аудит далилларига асосланиб, Компаниянинг фаолият узлуксизлиги қобилиятига аҳамиятли шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳодисалар ёки шароитларга боғлиқ муҳим ноаниқлик мавжудлиги ҳақида хулоса чиқарамиз. Агар биз муҳим ноаниқлик мавжуд деган хулосага келсак, бизнинг аудиторлик хулосамиз жадвалдаги тегишли маълумотларни ёритиб беришга эътиборни қаратишимиз ёки, агар бундай маълумотларни ёритиб бериш етарли бўлмаса, фикримизни модификациялашимиз талаб этилади. Бизнинг хулосаларимиз аудитор хулосамиз санасигача олинган аудит далилларига асосланади. Бироқ, келажакдаги ҳодисалар ёки шароитлар Компаниянинг фаолият узлуксизлигини тўхтатишига сабаб бўлиши мумкин.

- Қўлланилган ҳисоб сиёсатининг мувофиқлигини ва раҳбарият томонидан қилинган ҳисоб баҳолари, агар мавжуд бўлса, ҳамда тегишли маълумотларни ёритиб беришнинг асослилигини баҳолаймиз.

Биз бошқарув учун масъул шахслар билан, бошқа масалалар қатори, аудитнинг режалаштирилган кўлами ва муддатлари, шунингдек аудит давомида аниқланган ички назоратдаги барча муҳим камчиликларни ўз ичига олган муҳим аудит топилмалари ҳақида мулоқот қиламиз.

Биз, шунингдек, бошқарув учун масъул шахсларга мустақиллик билан боғлиқ тегишли ахлоқий талабларга риоя қилганлигимиз ҳақида баёнот берамиз ва уларга мустақиллигимизга таъсир қилиши мумкин деб оқилона ҳисобланиши мумкин бўлган барча муносабатлар ва бошқа масалалар, шунингдек, қўлланиладиган ҳолларда, таҳдидларни бартараф этиш учун кўрилган чоралар ёки қўлланилган ҳимоя воситалари ҳақида маълумот берамиз.

Мазкур мустақил аудитор хулосаси билан якунланган аудит бўйича топшириқ партнёри [*исм*]дир.

[*Аудиторлик ташкилоти номи, аудиторнинг шахсий номи ёки иккаласи биргаликда, муайян юрисдикция учун мос равишда*]

[*Аудитор манзили*] [Сана ва манзил ўрни алмаштирилган]

[Сана]

[8] Ушбу жумла, аудитор жадвал аудити билан биргаликда ички назоратнинг самарадорлиги ҳақида фикр билдириш жавобгарлигига ҳам эга бўлган ҳолатларда, ўринли равишда модификация қилинади.

810-СОН АУДИТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТИ (Қайта таҳрирланган)

УМУМЛАШГАН МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ БЎЙИЧА ХУЛОСА БЕРИШ ТОПШИРИҚЛАРИ

(2016 йил 15 декабрь ёки ундан кейин тугайдиган даврлар учун умумлашган молиявий ҳисобот бўйича хулоса бериш топшириқларига нисбатан амал қилади)

МУНДАРИЖА

	Банд
Кириш	
АХСнинг қўллаш доираси	1
Кучга кириш санаси	2
Мақсадлар	3
Таърифлар	4
Талаблар	
Топшириқни қабул қилиш	5−7
Тартиб-таомилларнинг характери	8
Фикр шакли	9−11
Иш муддати ва аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси санасидан кейинги ҳодисалар	12−13
Умумлашган молиявий ҳисоботни ўз ичига олган ҳужжатлардаги маълумотлар	14−15
Умумлашган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси	16−21
Тарқатиш ёки фойдаланишга чеклов ёхуд ўқувчиларни ҳисоб асоси ҳақида хабардор қилиш	22
Таққослама маълумотлар	23−24
Умумлашган молиявий ҳисобот билан тақдим этилган аудитдан ўтмаган қўшимча маълумотлар	25
Аудитор билан алоқадорлик	26−27
Стандартни қўллаш ва бошқа изоҳловчи материаллар	
Топшириқни қабул қилиш	A1−A7
Аудит қилинган молиявий ҳисоботнинг мавжудлигини баҳолаш	A8
Фикр шакли	A9
Иш муддати ва аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси санасидан кейинги ҳодисалар	A10
Умумлашган молиявий ҳисоботни ўз ичига олган ҳужжатлардаги маълумотлар	A11−A16
Умумлашган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси	A17−A23
Таққослама маълумотлар	A24−A25
Умумлашган молиявий ҳисобот билан тақдим этилган аудитдан ўтмаган қўшимча маълумотлар	A26
Аудитор билан алоқадорлик	A27
Илова: умумлашган молиявий ҳисобот бўйича мустақил аудитор хулосалари намуналари	

810-сон Аудитнинг халқаро стандарти (АХС) (Қайта таҳрирланган) *"Умумлашган молиявий ҳисобот бўйича хулоса бериш топшириқлари"* 200-сон АХС *"Мустақил аудиторнинг умумий мақсадлари ва аудитни Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказиш"* билан биргаликда ўқилиши лозим.

Кириш

АХСнинг қўллаш доираси

1. Мазкур Аудитнинг халқаро стандарти (АХС) айнан ўша аудитор томонидан АХСга мувофиқ аудит қилинган молиявий ҳисоботдан олинган умумлашган молиявий ҳисобот бўйича хулоса бериш топшириғига тегишли аудиторнинг жавобгарликларини белгилайди.

Кучга кириш санаси

2. Ушбу АХС 2016 йил 15 декабрь ва ундан кейин якунланадиган даврлар учун умумлашган молиявий ҳисобот бўйича хулоса бериш топшириқлари учун амал қилади.

Мақсадлар

3. Аудиторнинг мақсадлари:

   (a) Умумлашган молиявий ҳисобот бўйича хулоса бериш топшириғини қабул қилиш мақбуллигини аниқлаш; ва

   (b) Агар умумлашган молиявий ҳисобот бўйича хулоса бериш топшириғини қабул қилса:

      (i) Олинган далиллардан чиқарилган хулосаларни баҳолаш асосида умумлашган молиявий ҳисобот бўйича фикр шакллантириш; ва

      (ii) Шу фикр учун асосни ҳам тавсифлайдиган ёзма ҳисобот орқали бу фикрни аниқ ифодалаш.

Таърифлар

4. Ушбу АХС мақсадлари учун қуйидаги атамалар мазкур маъноларга эга:

   (a) Қўлланилган мезонлар - раҳбарият томонидан умумлашган молиявий ҳисоботни тайёрлашда қўлланилган мезонлар.

   (b) Аудит қилинган молиявий ҳисобот - аудитор томонидан АХСга мувофиқ аудит қилинган ва умумлашган молиявий ҳисоботни ташкил қилган молиявий ҳисобот.[1]

   (c) Умумлашган молиявий ҳисобот - молиявий ҳисоботдан олинган, аммо молиявий ҳисоботга қараганда камроқ батафсил маълумотларни ўз ичига олган, лекин шунга қарамай муайян вақт нуқтасидаги ташкилотнинг иқтисодий ресурслари ёки мажбуриятлари ёки маълум бир давр ичида улардаги ўзгаришлар бўйича молиявий ҳисобот томонидан тақдим этилган тузилмали ифодага мос равишда тузилмали ифодани таъминлайдиган тарихий молиявий маълумот.[2] Турли юрисдикциялар бундай тарихий молиявий маълумотни тавсифлаш учун турли атамалардан фойдаланиши мумкин.

Талаблар

Топшириқни қабул қилиш

5. Аудитор умумлашган молиявий ҳисобот бўйича хулоса бериш топшириғини ушбу АХСга мувофиқ фақат аудитор умумлашган молиявий ҳисобот олинган молиявий ҳисоботни АХСга мувофиқ аудит ўтказиш топшириғини қабул қилган ҳолдагина қабул қилиши лозим. (А1-бандга қаранг)

6. Умумлашган молиявий ҳисобот бўйича хулоса бериш топшириғини қабул қилишдан олдин, аудитор: (А2-бандга қаранг)

   (a) Қўлланилган мезонлар мақбул эканлигини аниқлаши; (А3–А7-бандларга қаранг)

   (b) Раҳбариятнинг қуйидаги жавобгарликларини тан олиши ва тушунишини билдирувчи келишувини олиши лозим:

---

[1] 200-сон АХС "Мустақил аудиторнинг умумий мақсадлари ва аудитни Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказиш", 13(f)-банд "молиявий ҳисобот" атамасини белгилайди.

[2] 200-сон АХС, 13(f)-банд

(i) Қўлланилган мезонларга мувофиқ умумлашган молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун;

(ii) Умумлашган молиявий ҳисоботнинг мўлжалланган фойдаланувчиларига аудит қилинган молиявий ҳисоботни асоссиз қийинчиликларсиз тақдим этиш учун (ёки, агар қонун ёки норматив ҳужжатлар аудит қилинган молиявий ҳисоботни умумлашган молиявий ҳисоботнинг мўлжалланган фойдаланувчиларига тақдим этиш шарт эмаслигини белгиласа ва умумлашган молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун мезонларни белгиласа, умумлашган молиявий ҳисоботда ўша қонун ёки норматив ҳужжатни тавсифлаш учун); ва

(iii) Умумлашган молиявий ҳисоботни ўз ичига олган ва аудитор улар бўйича ҳисобот берганлигини кўрсатадиган ҳар қандай ҳужжатда умумлашган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосасини ўз ичига олиш учун.

(c) Раҳбарият билан умумлашган молиявий ҳисобот бўйича ифодаланадиган фикр шакли тўғрисида келишиш лозим (9–11-бандларга қаранг).

7. Агар аудитор қўлланилган мезонлар мақбул эмас деган хулосага келса ёки 6(б)-бандда келтирилган раҳбарият келишувини ололмаса, аудитор, қонун ёки норматив ҳужжатлар томонидан бундай қилиш талаб этилмаса, умумлашган молиявий ҳисобот бўйича хулоса бериш топшириғини қабул қилмаслиги лозим. Бундай қонун ёки норматив ҳужжатга мувофиқ амалга оширилган топшириқ ушбу АХСга мувофиқ эмас. Шунга кўра, умумлашган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси топшириқ ушбу АХСга мувофиқ амалга оширилганлигини кўрсатмаслиги лозим. Аудитор топшириқ шартларида бу фактга тегишли ҳаволани киритиши лозим. Аудитор шунингдек, бунинг умумлашган молиявий ҳисобот олинган молиявий ҳисоботни аудит қилиш топшириғига қандай таъсир қилиши мумкинлигини аниқлаши лозим.

Тартиб-таомилларнинг характери

8. Аудитор умумлашган молиявий ҳисобот бўйича аудитор фикри учун асос сифатида қуйидаги тартиб-таомилларни ва аудитор зарур деб ҳисоблаши мумкин бўлган бошқа ҳар қандай тартиб-таомилларни бажариши лозим:

(a) Умумлашган молиявий ҳисобот ўзларининг умумлашган характерини етарли даражада очиб беришини ва аудит қилинган молиявий ҳисоботни аниқлашини баҳолаш.

(b) Умумлашган молиявий ҳисоботга аудит қилинган молиявий ҳисобот илова қилинмаганда, улар қуйидагиларни аниқ тавсифлашини баҳолаш:

(i) Аудит қилинган молиявий ҳисобот кимдан ёки қаердан олиниши мумкинлиги; ёки

(ii) Аудит қилинган молиявий ҳисоботни умумлашган молиявий ҳисоботнинг мўлжалланган фойдаланувчиларига тақдим этиш шарт эмаслигини ва умумлашган молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун мезонларни белгилайдиган қонун ёки норматив ҳужжат.

(c) Умумлашган молиявий ҳисобот қўлланилган мезонларни етарли даражада очиб беришини баҳолаш.

(d) Умумлашган молиявий ҳисоботнинг аудит қилинган молиявий ҳисоботдаги тегишли маълумотлар билан мос келишини ёки аудит қилинган молиявий ҳисоботдаги тегишли маълумотлардан қайта ҳисоблаб чиқариш мумкинлигини аниқлаш учун уларни таққослаш.

(e) Умумлашган молиявий ҳисобот қўлланилган мезонларга мувофиқ тайёрланганлигини баҳолаш.

(f) Умумлашган молиявий ҳисобот мақсадини ҳисобга олган ҳолда, умумлашган молиявий ҳисобот зарур маълумотларни ўз ичига олганлигини ва тегишли шароитларда чалғитувчи бўлмаслиги учун жамлашнинг тегишли даражасида эканлигини баҳолаш.

(g) Аудит қилинган молиявий ҳисобот, қонун ёки норматив ҳужжатлар уларни тақдим этиш шарт эмаслигини ва умумлашган молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун мезонларни белгиласа бундан мустасно, умумлашган молиявий ҳисоботнинг мўлжалланган фойдаланувчиларига асоссиз қийинчиликларсиз мавжудлигини баҳолаш. (А8-бандга қаранг)

Фикр шакли

9. Аудитор умумлашган молиявий ҳисобот бўйича модификацияланмаган фикр мувофиқ деган хулосага келганда, аудиторнинг фикри, қонун ёки норматив ҳужжатлар бошқача талаб қилмаса, қуйидаги жумлалардан бирини қўллаши лозим: (А9-бандга қаранг)

   (a) Илова қилинган умумлашган молиявий ҳисобот [қўлланилган мезонлар]га мувофиқ, барча муҳим жиҳатларда аудит қилинган молиявий ҳисоботга мос келади; ёки

   (b) Илова қилинган умумлашган молиявий ҳисобот [қўлланилган мезонлар]га мувофиқ, аудит қилинган молиявий ҳисоботнинг ҳаққоний умумлашган вариантидир.

10. Агар қонун ёки норматив ҳужжатлар умумлашган молиявий ҳисобот бўйича фикрнинг сўз шаклини 9-бандда келтирилганлардан фарқли равишда белгиласа, аудитор:

   (a) 8-бандда тавсифланган тартиб-таомилларни ва аудиторга белгиланган фикрни ифодалаш имконини бериш учун зарур бўлган ҳар қандай қўшимча тартиб-таомилларни қўллаши; ва

   (b) Умумлашган молиявий ҳисобот фойдаланувчилари умумлашган молиявий ҳисобот бўйича аудитор фикрини нотўғри тушуниши мумкинлигини ва, агар шундай бўлса, умумлашган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосасидаги қўшимча тушунтириш мумкин бўлган нотўғри тушунишни камайтириши мумкинлигини баҳолаши лозим.

11. Агар, 10(b)-банд ҳолатида, аудитор умумлашган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосасидаги қўшимча тушунтириш мумкин бўлган нотўғри тушунишни камайтира олмайди деган хулосага келса, аудитор, қонун ёки норматив ҳужжатлар томонидан бундай қилиш талаб этилмаса, топшириқни қабул қилмаслиги лозим. Бундай қонун ёки норматив ҳужжатга мувофиқ амалга оширилган топшириқ ушбу АХСга мувофиқ эмас. Шунга кўра, умумлашган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси топшириқ ушбу АХСга мувофиқ амалга оширилганлигини кўрсатмаслиги лозим.

Иш муддати ва аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси санасидан кейинги ҳодисалар

12. Умумлашган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси санасидан кейинги санада берилиши мумкин. Бундай ҳолларда, умумлашган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси умумлашган молиявий ҳисобот ва аудит қилинган молиявий ҳисобот аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси санасидан кейин содир бўлган ҳодисалар таъсирини акс эттирмаслигини кўрсатиши лозим. (А10-бандга қаранг)

13. Аудитор аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси санасида мавжуд бўлган, лекин аудитор илгари билмаган фактлардан хабардор бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда, аудитор 560-сон АХС[3]га мувофиқ аудит қилинган молиявий ҳисоботга нисбатан бундай фактларни кўриб чиқиш тугагунга қадар умумлашган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосасини чиқармаслиги лозим.

Умумлашган молиявий ҳисоботни ўз ичига олган ҳужжатлардаги маълумотлар

14. Аудитор умумлашган молиявий ҳисоботни ва улар бўйича аудиторлик хулосасини ўз ичига олган ҳужжатда киритилган маълумотларни ўқиб чиқиши ва ўша маълумотлар ва умумлашган молиявий ҳисобот ўртасида муҳим номувофиқлик мавжудлигини кўриб чиқиши лозим.

15. Агар аудитор муҳим номувофиқликни аниқласа, аудитор раҳбарият билан масалани муҳокама қилиши ва умумлашган молиявий ҳисобот ёки умумлашган молиявий ҳисоботни ва улар бўйича аудиторлик хулосасини ўз ичига олган ҳужжатда киритилган маълумотларни қайта кўриб чиқиш лозимлигини аниқлаши лозим. Агар аудитор маълумотларни қайта кўриб чиқиш лозим деб аниқласа ва раҳбарият маълумотларни зарур даражада қайта кўриб чиқишдан воз кечса, аудитор шароитларда тегишли чораларни кўриши лозим, шу жумладан умумлашган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси учун оқибатларни кўриб чиқиши лозим. (А11−А16-бандларга қаранг)

Умумлашган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси

Аудиторлик хулосасининг элементлари

[3] 560-сон АХС "Кейинги ҳодисалар"

16. Умумлашган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси қуйидаги элементларни ўз ичига олиши лозим:[4] (А23-бандга қаранг)

    (a) Уни мустақил аудиторлик хулосаси эканлигини аниқ кўрсатадиган сарлавҳа. (А17-бандга қаранг)

    (b) Манзил. (А18-бандга қаранг)

    (c) Аудитор хулоса бераётган умумлашган молиявий ҳисоботни аниқлаш, шу жумладан умумлашган молиявий ҳисоботда киритилган ҳар бир ҳисоботнинг номи. (А19-бандга қаранг)

    (d) Аудит қилинган молиявий ҳисоботни аниқлаш.

    (e) 20-бандга риоя қилган ҳолда, фикрнинг аниқ ифодаси (9–11-бандларга қаранг).

    (f) Умумлашган молиявий ҳисобот аудит қилинган молиявий ҳисоботни тайёрлашда қўлланилган молиявий ҳисобот асослари томонидан талаб қилинадиган барча маълумотларни ёритиб беришни ўз ичига олмаслигини ва умумлашган молиявий ҳисоботни ва улар бўйича аудиторлик хулосасини ўқиш аудит қилинган молиявий ҳисоботни ва улар бўйича аудиторлик хулосасини ўқишнинг ўрнини босмаслигини кўрсатадиган баёнот.

    (g) Қўлланиладиган ҳолларда, 12-банд талаб қиладиган баёнот.

    (h) Аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосасига ҳавола, ўша ҳисобот санаси ва, 19–20-бандларга риоя қилган ҳолда, аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича модификацияланмаган фикр ифодаланганлиги факти.

    (i) Умумлашган молиявий ҳисобот учун раҳбариятнинг жавобгарлиги тавсифи[5], раҳбарият[6] қўлланилган мезонларга мувофиқ умумлашган молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун жавобгар эканлигини тушунтириш.

    (j) Аудитор ушбу АХСга мувофиқ ўтказилган аудиторлик тартиб-таомилларига асосланиб, умумлашган молиявий ҳисобот барча муҳим жиҳатлардан аудит қилинган молиявий ҳисоботга мос келиши [ёки уларнинг ҳаққоний умумлашган варианти эканлиги] ҳақида фикр билдириш учун жавобгар эканлигини кўрсатадиган баёнот.

    (k) Аудиторнинг имзоси.

    (l) Аудиторнинг манзили.

    (m) Аудиторлик хулосасининг санаси. (А20-бандга қаранг)

17. Агар умумлашган молиявий ҳисоботнинг манзили аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосасининг манзили билан бир хил бўлмаса, аудитор бошқа манзилдан фойдаланиш мувофиқлигини баҳолаши лозим. (А18-бандга қаранг)

18. Аудитор умумлашган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосасининг санасини қуйидагилардан олдин қўймаслиги лозим: (А20-бандга қаранг)

    (a) Аудитор фикр билдириш учун асос бўладиган етарли ва муносиб далилларни олган сана, шу жумладан умумлашган молиявий ҳисобот тайёрланганлиги ва тан олинган ваколатга эга шахслар уларга жавобгарликни ўз зиммаларига олганликларини тасдиқлаганлиги ҳақидаги далиллар; ва

    (b) Аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси санаси.

Аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосасига ҳавола (А23-бандга қаранг)

19. Аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси қуйидагиларни ўз ичига олганда:

    (a) 705-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ шартли фикр;[7]

---

[4] 19–20-бандлар, аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси модификация қилинган ҳолатларни кўриб чиқади, ушбу бандда келтирилганлардан ташқари қўшимча элементларни талаб қилади.

[5] Ёки муайян юрисдикциядаги ҳуқуқий асос контекстида мақбул бўлган бошқа атама

[6] Ёки муайян юрисдикциядаги ҳуқуқий асос контекстида мақбул бўлган бошқа атама

(b) 706-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ алоҳида масалалар банди ёки бошқа масалалар банди;[8]

(c) 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ фаолиятни узлуксизлиги билан боғлиқ муҳим ноаниқлик банди;[9]

(d) 701-сон АХСга мувофиқ аудитнинг асосий масалаларини маълум қилиш;[10] ёки

(e) 720-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ бошқа маълумотлардаги тузатилмаган муҳим бузиб кўрсатишни тавсифловчи баёнот;[11]

ва аудитор умумлашган молиявий ҳисобот қўлланилган мезонларга мувофиқ, барча муҳим жиҳатлардан аудит қилинган молиявий ҳисоботга мос келиши ёки уларнинг ҳаққоний умумлашган варианти эканлиги қаноатлантиради, умумлашган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси, 16-банддаги элементлардан ташқари:

(i) Аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси шартли фикр, алоҳида масалалар банди, бошқа масалалар банди, фаолият узлуксизлиги билан боғлиқ муҳим ноаниқлик банди, аудитнинг асосий масалаларини маълум қилиш ёки бошқа маълумотлардаги тузатилмаган муҳим бузиб кўрсатишни тавсифловчи баёнотни ўз ичига олишини кўрсатиши; ва (А21-бандга қаранг)

(ii) Қуйидагиларни тавсифлаши лозим: (А22-бандга қаранг)

a. Аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича шартли фикр учун асосни ва унинг умумлашган молиявий ҳисоботга таъсирини, агар мавжуд бўлса;

b. Аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосасидаги алоҳида масалалар бандида, бошқа масалалар бандида ёки фаолият узлуксизлиги билан боғлиқ муҳим ноаниқлик бандида кўрсатилган масала ва унинг умумлашган молиявий ҳисоботга таъсири(лари)ни, агар мавжуд бўлса; ёки

c. Бошқа маълумотлардаги тузатилмаган муҳим бузиб кўрсатишни ва унинг умумлашган молиявий ҳисоботни ва улар бўйича аудиторлик хулосасини ўз ичига олган ҳужжатдаги маълумотларга таъсири(лари)ни, агар мавжуд бўлса. (А15-бандга қаранг)

20. Аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси салбий фикр ёки фикр билдиришдан воз кечишни ўз ичига олганда, умумлашган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси, 16-банддаги элементлардан ташқари:

(a) Аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси салбий фикр ёки фикр билдиришдан воз кечишни ўз ичига олишини кўрсатиши;

(b) Ўша салбий фикр ёки фикр билдиришдан воз кечиш учун асосни тавсифлаши; ва

(c) Аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича салбий фикр ёки фикр билдиришдан воз кечиш натижасида, умумлашган молиявий ҳисобот бўйича фикр билдириш ноўрин эканлигини кўрсатиши лозим. (А23-бандга қаранг)

Умумлашган молиявий ҳисобот бўйича модификацияланган фикр

21. Агар умумлашган молиявий ҳисобот қўлланилган мезонларга мувофиқ, барча муҳим жиҳатларда аудит қилинган молиявий ҳисоботга мос келмаса ёки уларнинг ҳаққоний умумлашган варианти бўлмаса ва раҳбарият зарур ўзгартиришларни киритишга рози бўлмаса, аудитор умумлашган молиявий ҳисобот бўйича салбий фикр билдириши лозим. (А23-бандга қаранг)

Тарқатиш ёки фойдаланишга чеклов ёхуд ўқувчиларни ҳисоб асоси ҳақида хабардор қилиш

22. Аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосасининг тарқатилиши ёки фойдаланилиши чекланганда, ёки аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси ўқувчиларни аудит қилинган молиявий ҳисобот

---

[7] 705-сон АХС (Қайта таҳрирланган) *"Мустақил аудиторлик хулосасидаги фикрни модификациялаш"*
[8] 706-сон АХС (Қайта таҳрирланган) *"Мустақил аудиторлик хулосасидаги алоҳида масалалар бандлари ва бошқа масалалар бандлари"*
[9] 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган) *"Фаолият узлуксизлиги"*, 22-банд
[10] 701-сон АХС *"Мустақил аудиторлик хулосасида аудитнинг асосий масалаларини маълум қилиш"*
[11] 720-сон АХС (Қайта таҳрирланган) *"Бошқа маълумотларга оид аудиторнинг жавобгарликлари"*

махсус мақсадли асосларга мувофиқ тайёрланганлиги ҳақида хабардор қилса, аудитор умумлашган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосасига ўхшаш чеклов ёки огоҳлантириш киритиши лозим.

Таққослама маълумотлар

23. Агар аудит қилинган молиявий ҳисобот таққослама маълумотларни ўз ичига олса, аммо умумлашган молиявий ҳисобот ўз ичига олмаса, аудитор бундай тушириб қолдириш топшириқ шароитларида оқилона эканлигини аниқлаши лозим. Аудитор оқилона бўлмаган тушириб қолдиришнинг умумлашган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосасига таъсирини аниқлаши лозим. (А24-бандга қаранг)

24. Агар умумлашган молиявий ҳисобот бошқа аудитор томонидан ҳисобот берилган таққослама маълумотларни ўз ичига олса, умумлашган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси шунингдек 710-сон АХС аудитордан аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосасига киритишни талаб қиладиган масалаларни ҳам ўз ичига олиши лозим.[12] (А25-бандга қаранг)

Умумлашган молиявий ҳисобот билан тақдим этилган аудитдан ўтмаган қўшимча маълумотлар

25. Аудитор умумлашган молиявий ҳисобот билан тақдим этилган ҳар қандай аудитдан ўтмаган қўшимча маълумотлар умумлашган молиявий ҳисоботдан аниқ фарқланганлигини баҳолаши лозим. Агар аудитор ташкилотнинг аудитдан ўтмаган қўшимча маълумотларни тақдим этиши умумлашган молиявий ҳисоботдан аниқ фарқланмаган деган хулосага келса, аудитор раҳбариятдан аудитдан ўтмаган қўшимча маълумотларнинг тақдим этилишини ўзгартиришни сўраши лозим. Агар раҳбарият буни рад этса, аудитор умумлашган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосасида бундай маълумотлар ўша ҳисобот томонидан қамраб олинмаслигини тушунтириши лозим. (А26-бандга қаранг)

Аудитор билан алоқадорлик

26. Агар аудитор ташкилот умумлашган молиявий ҳисоботни ўз ичига олган ҳужжатда аудитор умумлашган молиявий ҳисобот бўйича ҳисобот берганлигини маълум қилишни режалаштираётганини, аммо тегишли аудиторлик хулосасини киритишни режалаштирмаётганини билиб қолса, аудитор раҳбариятдан ҳужжатга аудиторлик хулосасини киритишни сўраши лозим. Агар раҳбарият буни қилмаса, аудитор раҳбариятнинг ўша ҳужжатда умумлашган молиявий ҳисобот билан аудиторни ноўрин боғлашининг олдини олиш учун мўлжалланган бошқа тегишли ҳаракатларни аниқлаши ва амалга ошириши лозим. (А27-бандга қаранг)

27. Аудитор умумлашган молиявий ҳисобот бўйича хулоса бериш топшириғини қабул қилмаган ҳолда, ташкилотнинг молиявий ҳисоботи бўйича ҳисобот бериш топшириғини қабул қилиши мумкин. Агар, бундай ҳолда, аудитор ташкилот аудиторга ва умумлашган молиявий ҳисобот аудитор томонидан аудит қилинган молиявий ҳисоботдан олинганлиги фактига ҳавола қиладиган баёнотни ҳужжатда келтиришни режалаштираётганини билиб қолса, аудитор қуйидагиларга ишонч ҳосил қилиши лозим:

    (a) Аудиторга ҳавола аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси контекстида қилинган; ва

    (b) Баёнот аудитор умумлашган молиявий ҳисобот бўйича ҳисобот берган деган таассурот туғдирмаслиги.

    Агар (а) ёки (б) шартлари бажарилмаса, аудитор раҳбариятдан баёнотни ўзгартириб уларга мос келишини ёки ҳужжатда аудиторга ҳавола қилмасликни сўраши лозим. Муқобил равишда, ташкилот аудиторни умумлашган молиявий ҳисобот бўйича хулоса бериш учун жалб қилиши ва ҳужжатга тегишли аудиторлик хулосасини киритиши мумкин. Агар раҳбарият баёнотни ўзгартирмаса, аудиторга ҳаволани кўчирмаса ёки умумлашган молиявий ҳисоботни ўз ичига олган ҳужжатга умумлашган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосасини киритмаса, аудитор раҳбариятга аудитор аудиторга ҳавола билан қўшилмаслигини билдириши лозим, ва аудитор раҳбариятнинг аудиторга ноўрин ҳавола қилишининг олдини олиш учун мўлжалланган бошқа тегишли ҳаракатларни аниқлаши ва амалга ошириши лозим. (А27-бандга қаранг)

***

Стандартни қўллаш ва бошқа изоҳловчи материаллар

Топшириқни қабул қилиш (5–6-бандларга қаранг)

[12] 710-сон АХС "Таққослама маълумотлар — мос рақамлар ва таққослама молиявий ҳисобот"
810-сон АХС

A1. Умумлашган молиявий ҳисобот олинган молиявий ҳисоботнинг аудити аудиторга ушбу АХСга мувофиқ умумлашган молиявий ҳисоботга нисбатан аудиторнинг жавобгарликларини бажариш учун зарур бўлган билимларни беради. Ушбу АХСни қўллаш, агар аудитор умумлашган молиявий ҳисобот олинган молиявий ҳисоботни ҳам аудит қилмаган бўлса, умумлашган молиявий ҳисобот бўйича фикр учун асос бўладиган етарли ва муносиб далилларни тақдим этмайди.

A2. 6-бандда тавсифланган масалалар бўйича раҳбарият келишуви топшириқ шартларини ёзма қабул қилиши орқали тасдиқланиши мумкин.

Мезонлар (6(а)-бандга қаранг)

A3. Умумлашган молиявий ҳисоботни тайёрлаш раҳбариятдан умумлашган молиявий ҳисоботда акс эттирилиши лозим бўлган маълумотларни аниқлашни талаб қилади, токи улар барча муҳим жиҳатларда аудит қилинган молиявий ҳисоботга мос келсин ёки уларнинг ҳаққоний умумлашган варианти бўлсин. Умумлашган молиявий ҳисобот ўз характери бўйича жамланган маълумотлар ва чекланган ёритиб беришларни ўз ичига олгани сабабли, уларда шароитларда чалғитувчи бўлмаслик учун зарур бўлган маълумотлар бўлмаслиги риски ошади. Умумлашган молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун белгиланган мезонлар мавжуд бўлмаганда бу риск янада ошади.

A4. Қўлланилган мезонларнинг мақбуллигини аниқлашда аудиторнинг қарорига таъсир қилиши мумкин бўлган омиллар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Ташкилотнинг характери;
- Умумлашган молиявий ҳисоботнинг мақсади;
- Умумлашган молиявий ҳисоботнинг мўлжалланган фойдаланувчиларининг маълумот эҳтиёжлари; ва
- Қўлланилган мезонлар шароитларда чалғитувчи бўлмайдиган умумлашган молиявий ҳисоботга олиб келиши мумкинлиги.

A5. Умумлашган молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун мезонлар ваколатли ёки тан олинган стандартлар белгилаш ташкилоти томонидан ёки қонун ёки норматив ҳужжатлар томонидан белгиланиши мумкин. 210-сон АХС [13] да тушунтирилганидек, молиявий ҳисобот ҳолатига ўхшаш, кўп ҳолларда, аудитор бундай мезонлар мақбул деб тахмин қилиши мумкин.

A6. Умумлашган молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун белгиланган мезонлар мавжуд бўлмаса, мезонлар раҳбарият томонидан ишлаб чиқилиши мумкин, масалан, муайян соҳадаги амалиётга асосланиб. Шароитларда мақбул бўлган мезонлар қуйидаги умумлашган молиявий ҳисоботга олиб келади:

(a) Ўзларининг умумлашган характерини етарли даражада ёритиб беради ва аудит қилинган молиявий ҳисоботни аниқлайди;

(b) Аудит қилинган молиявий ҳисобот кимдан ёки қаердан олиниши мумкинлигини ёки, агар қонун ёки норматив ҳужжатлар аудит қилинган молиявий ҳисоботни умумлашган молиявий ҳисоботнинг мўлжалланган фойдаланувчиларига тақдим этиш шарт эмаслигини ва умумлашган молиявий ҳисоботни тайёрлаш мезонларини белгиласа, ўша қонун ёки норматив ҳужжатни аниқ тавсифлайди;

(c) Қўлланилган мезонларни етарли даражада ёритиб беради;

(d) Аудит қилинган молиявий ҳисоботдаги тегишли маълумотлар билан мос келади ёки улардан қайта ҳисоблаб чиқарилиши мумкин; ва

(e) Умумлашган молиявий ҳисобот мақсадини ҳисобга олган ҳолда, зарур маълумотларни ўз ичига олади ва шароитларда чалғитувчи бўлмаслиги учун жамлашнинг тегишли даражасидадир.

A7. А6(а)-бандда кўрсатилгандек, умумлашган молиявий ҳисоботнинг умумлашган характери ва аудит қилинган молиявий ҳисобот кимлиги ҳақидаги етарли маълумотларни ёритиб бериш, масалан, "20X1 йил 31 декабрда тугаган йил учун аудит қилинган молиявий ҳисоботдан тайёрланган умумлашган молиявий ҳисобот" каби сарлавҳа билан тақдим этилиши мумкин.

[13] 210-сон АХС "Аудит топшириғи шартларини келишиш", А3 ва А8–А9-бандлар

Аудит қилинган молиявий ҳисоботнинг мавжудлигини баҳолаш (8(g)-бандга қаранг)

А8. Аудит қилинган молиявий ҳисобот умумлашган молиявий ҳисоботнинг мўлжалланган фойдаланувчиларига асоссиз қийинчиликларсиз мавжудлигини аудиторнинг баҳолаши қуйидаги каби омиллар таъсирида бўлади:

- Умумлашган молиявий ҳисобот аудит қилинган молиявий ҳисобот кимдан ёки қаердан олиниши мумкинлигини аниқ тавсифлаши;
- Аудит қилинган молиявий ҳисобот очиқ рўйхатда бўлиши; ёки
- Раҳбарият умумлашган молиявий ҳисоботнинг мўлжалланган фойдаланувчилари аудит қилинган молиявий ҳисоботга осон киришини таъминлайдиган жараённи белгилаганлиги.

Фикр шакли (9-бандга қаранг)

А9. 8-бандда келтирилган тартиб-таомилларни бажариш орқали олинган далилларни баҳолашга асосланган хулоса, умумлашган молиявий ҳисобот бўйича модификацияланмаган фикр мувофиқлиги аудиторга 9-банддаги жумлалардан бирини ўз ичига олган фикрни ифодалаш имконини беради. Аудиторнинг қайси жумладан фойдаланиш ҳақидаги қарорига муайян юрисдикциядаги умумий қабул қилинган амалиёт таъсир қилиши мумкин.

Иш муддати ва аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси санасидан кейинги ҳодисалар (12-бандга қаранг)

А10. 8-бандда тавсифланган тартиб-таомиллар кўпинча молиявий ҳисобот аудити давомида ёки ундан кейин дарҳол бажарилади. Аудитор молиявий ҳисобот аудити тугаганидан кейин умумлашган молиявий ҳисобот бўйича ҳисобот берганда, аудитордан аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича қўшимча аудит далилларини олиш ёки аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси санасидан кейин содир бўлган ҳодисалар таъсири ҳақида хулоса бериш талаб этилмайди, чунки умумлашган молиявий ҳисобот аудит қилинган молиявий ҳисоботдан олинган ва уларни янгиламайди.

Умумлашган молиявий ҳисоботни ўз ичига олган ҳужжатлардаги маълумотлар (14–15-бандларга қаранг)

А11. 720-сон АХС (Қайта таҳрирланган) молиявий ҳисобот аудитида бошқа маълумотларга тегишли аудиторнинг жавобгарликларини кўриб чиқади. 720-сон АХС (Қайта таҳрирланган) контекстида, бошқа маълумотлар ташкилотнинг йиллик ҳисоботига киритилган молиявий ёки номолиявий маълумотлар (молиявий ҳисобот ва улар бўйича аудиторлик хулосасидан ташқари). Йиллик ҳисобот молиявий ҳисоботни ва улар бўйича аудиторлик хулосасини ўз ичига олади ёки уларга илова қилинади.

А12. Аксинча, 14–15-бандлар умумлашган молиявий ҳисоботни ва улар бўйича аудиторлик хулосасини ўз ичига олган ҳужжатдаги маълумотларга тегишли аудиторнинг жавобгарликларини кўриб чиқади. Ушбу маълумотлар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- Йиллик ҳисоботга киритилган бошқа маълумотларда кўриб чиқилган масалаларнинг айримлари ёки барчаси (масалан, умумлашган молиявий ҳисобот ва улар бўйича аудиторлик хулосаси умумлашган йиллик ҳисоботга киритилганда); ёки
- Йиллик ҳисоботга киритилган бошқа маълумотларда кўриб чиқилмаган масалалар.

А13. Умумлашган молиявий ҳисоботни ва улар бўйича аудиторлик хулосасини ўз ичига олган ҳужжатда келтирилган маълумотларни ўқиётганда, аудитор бундай маълумотлар чалғитувчи эканлигини билиб қолиши ва тегишли чоралар кўриши лозим бўлиши мумкин. Тегишли ахлоқий талаблар[14] аудитордан аудитор муҳим даражада нотўғри ёки чалғитувчи баёнот, эҳтиётсизлик билан берилган баёнотлар ёки маълумотларни ўз ичига олган ёки бундай тушириб қолдириш ёки ноаниқлик чалғитувчи бўлиши мумкин бўлган ҳолларда талаб қилинган маълумотларни тушириб қолдирган ёки ноаниқ қилган деб ҳисоблайдиган маълумотлар билан онгли равишда алоқадорликдан қочишни талаб қилади.

Умумлашган молиявий ҳисоботни ўз ичига олган ҳужжатдаги йиллик ҳисоботдаги бошқа маълумотлар каби айни ўша масалаларнинг айримлари ёки барчасига тегишли маълумотлар

[14] Бухгалтерлар учун халқаро ахлоқ стандартлари кенгашининг профессионал бухгалтерлар учун халқаро ахлоқ кодекси (мустақилликнинг халқаро стандартларини ўз ичига олган) (IESBA Кодекси), R111.2-банд

A14. Умумлашган молиявий ҳисоботни ва улар бўйича аудиторлик хулосасини ўз ичига олган ҳужжатда маълумотлар келтирилганда ва бу маълумотлар йиллик ҳисоботга киритилган бошқа маълумотларда кўриб чиқилган масалаларнинг айримлари ёки барчасига тегишли бўлганда, 720-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ ўша бошқа маълумотлар бўйича бажарилган иш ушбу АХСнинг 14–15-бандлари мақсадлари учун етарли бўлиши мумкин.

A15. Аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосасида бошқа маълумотларнинг тузатилмаган муҳим бузиб кўрсатиши аниқланганда ва бу тузатилмаган муҳим бузиб кўрсатиш умумлашган молиявий ҳисоботни ва улар бўйича аудиторлик хулосасини ўз ичига олган ҳужжатдаги маълумотларда кўриб чиқилган масалага тегишли бўлса, умумлашган молиявий ҳисобот ва ўша маълумотлар ўртасида муҳим номувофиқлик мавжуд бўлиши ёки маълумотлар чалғитувчи бўлиши мумкин.

Умумлашган молиявий ҳисоботни ўз ичига олган ҳужжатдаги йиллик ҳисоботдаги бошқа маълумотларда кўриб чиқилмаган масалаларга тегишли маълумотлар

A16. 720-сон АХС (Қайта таҳрирланган), шароитларга қараб зарурий тарзда мослаштирилган ҳолда, аудиторга маълумотларни қайта кўриб чиқишдан раҳбариятнинг бош тортишига жавобан тегишли чораларни белгилашда, шу жумладан умумлашган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси учун оқибатларни кўриб чиқишда фойдали бўлиши мумкин.

Умумлашган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси

Аудиторлик хулосасининг элементлари

Сарлавҳа (16(a)-бандга қаранг)

A17. Хулосанинг мустақил аудитор хулосаси эканлигини кўрсатадиган сарлавҳа, масалан, "Мустақил аудиторнинг хулосаси", аудитор мустақилликка оид барча тегишли ахлоқий талабларни бажарганлигини тасдиқлайди. Бу мустақил аудитор хулосасини бошқалар томонидан чиқарилган хулосалардан ажратиб туради.

Манзилат (16(b), 17-бандларга қаранг)

A18. Умумлашган молиявий ҳисобот манзилининг мақбуллигини аудитор баҳолашига таъсир қилиши мумкин бўлган омиллар топшириқ шартлари, ташкилотнинг характери ва умумлашган молиявий ҳисоботнинг мақсадини ўз ичига олади.

Умумлашган молиявий ҳисоботни аниқлаш (16(c)-бандга қаранг)

A19. Аудитор умумлашган молиявий ҳисобот умумлашган молиявий ҳисобот ва улар бўйича аудиторлик хулосасидан ташқари маълумотларни ўз ичига олган ҳужжатга киритилишини билганда, аудитор, агар тақдим этиш шакли имкон берса, умумлашган молиявий ҳисобот тақдим этилган саҳифа рақамларини кўрсатиб беришни кўриб чиқиши мумкин. Бу ўқувчиларга аудиторлик хулосаси тегишли бўлган умумлашган молиявий ҳисоботни аниқлашга ёрдам беради.

Аудиторлик хулосаси санаси (16(m), 18-бандларга қаранг)

A20. Умумлашган молиявий ҳисобот тайёрланганлигини хулоса қилиш ва уларга жавобгарликни ўз зиммасига олиш учун тан олинган ваколатга эга шахс ёки шахслар топшириқ шартларига, ташкилотнинг характерига ва умумлашган молиявий ҳисоботнинг мақсадига боғлиқ.

Аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосасига ҳавола (19-бандга қаранг)

A21. Ушбу АХСнинг 19(i)-банди аудитордан, аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси 701-сон АХС[15]га мувофиқ тавсифланган битта ёки бир нечта аудитнинг асосий масалаларини маълум қилишни ўз ичига олганда, умумлашган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосасига баёнот киритишни талаб қилади. Бироқ, аудитордан умумлашган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосасида алоҳида аудитнинг асосий масалаларини тавсифлаш талаб этилмайди.

A22. 19-банд талаб қиладиган баёнот(лар) ва тавсиф(лар) ўша масалаларга эътиборни қаратиш мақсадида ва аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосасини ўқишнинг ўрнини босмайди. Талаб этиладиган тавсифлар

[15] 701-сон АХС, 13-банд

масала(лар)нинг характерини ифодалаш мақсадида бўлиб, аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосасидаги тегишли матнни тўлиқ такрорлаши шарт эмас.

Намуналар (16, 19–21-бандларга қаранг)

A23. Ушбу АХСнинг иловаси умумлашган молиявий ҳисобот бўйича аудитор ҳисоботлари намуналарини ўз ичига олади, улар турли хил:

(a) Модификацияланмаган фикрларни ўз ичига олади;

(b) Аудитор модификацияланган фикрлар билдирган аудит қилинган молиявий ҳисоботдан олинган;

(c) Модификацияланган фикрни ўз ичига олади;

(d) 720-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ бошқа маълумотлардаги тузатилмаган муҳим бузиб кўрсатишни тавсифловчи баёнотни ўз ичига олган аудиторлик хулосаси бўлган аудит қилинган молиявий ҳисоботдан олинган; ва

(e) Фаолият узлуксизлиги билан боғлиқ муҳим ноаниқлик бандини ва бошқа аудитнинг асосий масалаларини маълум қилишни ўз ичига олган аудиторлик хулосаси бўлган аудит қилинган молиявий ҳисоботдан олинган.

Таққослама маълумотлар (23–24-бандларга қаранг)

A24. Агар аудит қилинган молиявий ҳисобот таққослама маълумотларни ўз ичига олса, умумлашган молиявий ҳисобот ҳам таққослама маълумотларни ўз ичига олиши лозим деган тахмин мавжуд. Аудит қилинган молиявий ҳисоботдаги таққослама маълумотлар мос рақамлар ёки таққослама молиявий маълумотлар сифатида қаралиши мумкин. 710-сон АХС бу фарқнинг молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосасига, шу жумладан, хусусан, ўтган давр учун молиявий ҳисоботни аудит қилган бошқа аудиторларга ҳаволани қандай таъсир қилишини тавсифлайди.

A25. Таққослама маълумотларни тушириб қолдиришнинг оқилоналигини аудитор аниқлашига таъсир қилиши мумкин бўлган шароитлар умумлашган молиявий ҳисоботнинг характери ва мақсади, қўлланилган мезонлар ҳамда умумлашган молиявий ҳисоботнинг мўлжалланган фойдаланувчиларининг маълумот эҳтиёжларини ўз ичига олади.

Умумлашган молиявий ҳисобот билан тақдим этилган аудитдан ўтмаган қўшимча маълумотлар (25-бандга қаранг)

A26. 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)[16] аудит қилинган молиявий ҳисобот билан аудитдан ўтмаган қўшимча маълумотлар тақдим этилганда қўлланиладиган талаблар ва йўриқномаларни ўз ичига олиб, шароитларга қараб зарурий тарзда мослаштирилган ҳолда, 25-банддаги талабни қўллашда фойдали бўлиши мумкин.

Аудитор билан алоқадорлик (26–27-бандларга қаранг)

A27. Раҳбарият талаб қилинган чорани кўрмаганда аудитор кўриши мумкин бўлган бошқа тегишли чоралар мўлжалланган фойдаланувчилар ва бошқа маълум учинчи тараф фойдаланувчиларни аудиторга ноўрин ҳавола ҳақида хабардор қилишни ўз ичига олиши мумкин. Аудиторнинг чора-тадбирлари аудиторнинг қонуний ҳуқуқлари ва мажбуриятларига боғлиқ. Шунга кўра, аудитор юридик маслаҳат олишни мақбул деб ҳисоблаши мумкин.

[16] 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) *"Молиявий ҳисобот бўйича фикр шакллантириш ва ҳисобот бериш",* 53–54-бандлар

Илова
(А23-бандга қаранг)

Умумлашган молиявий ҳисобот бўйича мустақил аудиторнинг хулосаси

- 1-Намуна: Белгиланган мезонларга мувофиқ тайёрланган умумлашган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси. Аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича модификацияланмаган фикр ифодаланган. Умумлашган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосасининг санаси умумлашган молиявий ҳисобот олинган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси санасидан кейинги санада. Аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси фаолиятни давом эттириш қобилияти билан боғлиқ муҳим ноаниқлик бандини ва бошқа аудитнинг асосий масалаларини маълум қилишни ўз ичига олади.

- 2-Намуна: Раҳбарият томонидан ишлаб чиқилган ва умумлашган молиявий ҳисоботда етарли даражада ёритиб берилган мезонларга мувофиқ тайёрланган умумлашган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси. Аудитор қўлланилган мезонларни шароитларда мақбул деб ҳисоблайди. Аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича модификацияланмаган фикр ифодаланган. Умумлашган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосасининг санаси умумлашган молиявий ҳисобот олинган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси санаси билан бир хил. Аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси бошқа маълумотлардаги тузатилмаган муҳим бузиб кўрсатишни тавсифловчи баёнотни ўз ичига олади. Ушбу тузатилмаган муҳим бузиб кўрсатиш тегишли бўлган бошқа маълумотлар ҳам умумлашган молиявий ҳисоботни ва улар бўйича аудиторлик хулосасини ўз ичига олган ҳужжатдаги маълумотлардир.

- 3-Намуна: Раҳбарият томонидан ишлаб чиқилган ва умумлашган молиявий ҳисоботда етарли даражада ёритиб берилган мезонларга мувофиқ тайёрланган умумлашган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси. Аудитор қўлланилган мезонларни шароитларда мақбул деб аниқлаган. Аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича шартли фикр ифодаланган. Умумлашган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосасининг санаси умумлашган молиявий ҳисобот олинган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси санаси билан бир хил.

- 4-Намуна: Раҳбарият томонидан ишлаб чиқилган ва умумлашган молиявий ҳисоботда етарли даражада ёритиб берилган мезонларга мувофиқ тайёрланган умумлашган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси. Аудитор қўлланилган мезонларни шароитларда мақбул деб ҳисоблайди. Аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича салбий фикр ифодаланган. Умумлашган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосасининг санаси умумлашган молиявий ҳисобот олинган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси санаси билан бир хил.

- 5-Намуна: Белгиланган мезонларга мувофиқ тайёрланган умумлашган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси. Аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича модификацияланмаган фикр ифодаланган. Аудитор умумлашган молиявий ҳисобот бўйича модификацияланмаган фикр ифодалаш имконияти йўқ деган хулосага келган. Умумлашган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосасининг санаси умумлашган молиявий ҳисобот олинган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси санаси билан бир хил.

1-Намуна:

Ҳолатлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- **Листинга кирган ташкилотнинг аудит қилинган молиявий ҳисоботи бўйича модификацияланмаган фикр ифодаланган.**
- **Умумлашган молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун белгиланган мезонлар мавжуд.**
- **Умумлашган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосасининг санаси умумлашган молиявий ҳисобот олинган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси санасидан кейинги санада.**
- **Аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси фаолият узлуксизлиги билан боғлиқ муҳим ноаниқлик бандини ўз ичига олади.**
- **Аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси бошқа аудитнинг асосий масалаларини маълум қилишни ўз ичига олади.[1]**

УМУМЛАШГАН МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ БЎЙИЧА МУСТАҚИЛ АУДИТОР ХУЛОСАСИ

[Тегишли манзилат]

Фикр

Умумлашган молиявий ҳисобот, улар 20X1 йил 31 декабрь ҳолатига бўлган умумлашган баланс ҳисоботи, шу санада тугаган йил учун умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот, умумлашган хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот ва умумлашган пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот, ҳамда тегишли изоҳларни ўз ичига олади, 20X1 йил 31 декабрда тугаган йил учун ABC Компаниясининг аудит қилинган молиявий ҳисоботидан олинган.

Бизнинг фикримизча, илова қилинган умумлашган молиявий ҳисобот [белгиланган мезонларни тавсифланг]га мувофиқ, барча муҳим жиҳатларда аудит қилинган молиявий ҳисоботга мос келади (ёки уларнинг ҳаққоний умумлашган варианти).

Умумлашган молиявий ҳисобот

Умумлашган молиявий ҳисобот [ABC Компаниясининг аудит қилинган молиявий ҳисоботини тайёрлашда қўлланилган молиявий ҳисобот асосларини тавсифланг] томонидан талаб қилинадиган барча маълумотларни ёритиб беришни ўз ичига олмайди. Шунинг учун умумлашган молиявий ҳисоботни ва улар бўйича аудиторлик хулосасини ўқиш аудит қилинган молиявий ҳисоботни ва улар бўйича аудиторлик хулосасини ўқишнинг ўрнини босмайди. Умумлашган молиявий ҳисобот ва аудит қилинган молиявий ҳисобот аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича бизнинг ҳисоботимиз санасидан кейин содир бўлган ҳодисалар таъсирини акс эттирмайди.

Аудит қилинган молиявий ҳисобот ва у бўйича бизнинг хулосамиз

Биз 20X2 йил 15 февралдаги хулосамизда аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича модификацияланмаган аудит фикрини ифодаладик. Ушбу хулоса шунингдек қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Аудит қилинган молиявий ҳисоботнинг 6-изоҳига эътиборни қаратадиган фаолият узлуксизлиги билан боғлиқ муҳим ноаниқлик банди. Аудит қилинган молиявий ҳисоботнинг 6-изоҳи ABC Компаниясининг 20X1 йил 31 декабрда тугаган йил давомида ZZZ миқдорида соф зарар кўрганлигини ва шу санада ABC Компаниясининг жорий мажбуриятлари унинг умумий активларидан YYY миқдорига ошиб кетганлигини кўрсатади. Бу ҳодисалар ёки шароитлар, аудит қилинган молиявий ҳисоботнинг 6-изоҳида баён этилган бошқа масалалар билан биргаликда, ABC Компаниясининг фаолият узлуксизлигига жиддий шубҳа туғдириши мумкин бўлган муҳим ноаниқлик мавжудлигини кўрсатади. Бу масалалар умумлашган молиявий ҳисоботнинг 5-изоҳида кўриб чиқилган.
- Бошқа[2] аудитнинг асосий масалаларини маълум қилиш. [Аудитнинг асосий масалалари бизнинг профессионал мулоҳазамизга кўра, жорий даврнинг молиявий ҳисоботи аудитида энг муҳим бўлган масалалардир.][3]

[1] 701-сон АХСнинг 15-бандида тушунтирилганидек, фаолият узлуксизлиги билан боғлиқ муҳим ноаниқлик ўз характерига кўра аудитнинг асосий масаласи бўлиб, лекин 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган)нинг 22-бандига мувофиқ аудиторлик хулосасининг алоҳида бўлимида ҳисобот берилиши талаб қилинади.

Умумлашган молиявий ҳисобот учун раҳбариятнинг[4] жавобгарлиги

Раҳбарият [белгиланган мезонларни тавсифланг]га мувофиқ молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун жавобгардир.

Аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг жавобгарлигимиз 810-сон Аудитнинг халқаро стандарти (АХС) (Қайта таҳрирланган) "Умумлашган молиявий ҳисобот бўйича хулоса бериш топшириқлари"га мувофиқ ўтказилган тартиб-таомилларимизга асосланиб, умумлашган молиявий ҳисобот барча муҳим жиҳатларда аудит қилинган молиявий ҳисоботга мос келиши (ёки уларнинг ҳаққоний умумлашган варианти эканлиги) ҳақида фикр билдиришдир.

[Аудитор имзоси]

[Аудитор манзили]

[Аудиторлик хулосаси санаси]

---

[2] Фаолият узлуксизлиги билан боғлиқ муҳим ноаниқлик мавжуд бўлмаган ҳолатларда, аудитнинг асосий масалаларини маълум қилиш баёнотида "бошқа" сўзини киритиш зарур бўлмайди.

[3] Аудитор умумлашган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосасининг фойдаланувчилари учун фойдали деб ҳисобланган аудитнинг асосий масалалари бўйича қўшимча тушунтиришни киритиши мумкин.

[4] Ёки муайян юрисдикциядаги ҳуқуқий асос контекстида мақбул бўлган бошқа атама

2-Намуна:

Ҳолатлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- **Аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича модификацияланмаган фикр ифодаланган.**
- **Мезонлар раҳбарият томонидан ишлаб чиқилган ва Х-изоҳда етарли даражада ёритиб берилган. Аудитор мезонларни шароитларда мақбул деб ҳисобланган.**
- **Умумлашган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосасининг санаси умумлашган молиявий ҳисобот олинган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси санаси билан бир хил.**
- **Аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси бошқа маълумотлардаги тузатилмаган муҳим бузиб кўрсатишни тавсифловчи баёнотни ўз ичига олади. Ушбу тузатилмаган муҳим бузиб кўрсатиш тегишли бўлган бошқа маълумотлар ҳам умумлашган молиявий ҳисоботни ва улар бўйича аудиторлик хулосасини ўз ичига олган ҳужжатдаги маълумотлардир.**

УМУМЛАШГАН МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ БЎЙИЧА МУСТАҚИЛ АУДИТОР ХУЛОСАСИ

[Тегишли манзилат]

Фикр

Умумлашган молиявий ҳисобот, улар 20X1 йил 31 декабрь ҳолатига бўлган умумлашган баланс ҳисоботи, шу санада тугаган йил учун умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот, умумлашган хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот ва умумлашган пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот, ҳамда тегишли изоҳларни ўз ичига оладиган 20X1 йил 31 декабрда тугаган йил учун АВС Компаниясининг аудит қилинган молиявий ҳисоботидан олинган.

Бизнинг фикримизча, илова қилинган умумлашган молиявий ҳисобот Х-изоҳда тавсифланган асосда, барча муҳим жиҳатлардан аудит қилинган молиявий ҳисоботга мос келади (ёки уларнинг ҳаққоний умумлашган варианти).

Умумлашган молиявий ҳисобот

Умумлашган молиявий ҳисобот [АВС Компаниясининг аудит қилинган молиявий ҳисоботини тайёрлашда қўлланилган молиявий ҳисобот асосларини тавсифланг] томонидан талаб қилинадиган барча маълумотларни ёритиб беришни ўз ичига олмайди. Шунинг учун умумлашган молиявий ҳисоботни ва улар бўйича аудиторлик хулосасини ўқиш аудит қилинган молиявий ҳисоботни ва улар бўйича аудиторлик хулосасини ўқишнинг ўрнини босмайди.

Аудит қилинган молиявий ҳисобот ва у бўйича бизнинг хулосамиз

Биз 20X2 йил 15 февралдаги хулосамизда аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича модификацияланмаган аудит фикрини ифодаладик. [Аудит қилинган молиявий ҳисобот 20X1 йиллик ҳисоботига киритилган. Аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси 20X1 йиллик ҳисоботининг "Раҳбариятнинг муҳокама ва таҳлили" бандидаги бошқа маълумотларнинг тузатилмаган муҳим бузиб кўрсатишини тавсифловчи баёнотни ўз ичига олади. "Раҳбариятнинг муҳокама ва таҳлили" ва ундаги бошқа маълумотларнинг тузатилмаган муҳим бузиб кўрсатиши 20X1 умумлашган йиллик ҳисоботида ҳам мавжуд.] [Бошқа маълумотларнинг тузатилмаган муҳим бузиб кўрсатиши тавсифланган].

Умумлашган молиявий ҳисобот учун раҳбариятнинг[5] жавобгарлиги

Раҳбарият Х-изоҳда тавсифланган асосда умумлашган молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун жавобгардир.

Аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг жавобгарлигимиз 810-сон Аудитнинг халқаро стандарти (АХС) (Қайта таҳрирланган) "Умумлашган молиявий ҳисобот бўйича хулоса бериш топшириқлари"га мувофиқ ўтказилган тартиб-таомилларимизга асосланиб, умумлашган молиявий ҳисобот барча муҳим жиҳатлардан аудит қилинган молиявий ҳисоботга мос келиши (ёки уларнинг ҳаққоний умумлашган варианти эканлиги) ҳақида фикр билдиришдир.

[Аудитор имзоси]

[5] Ёки муайян юрисдикциядаги ҳуқуқий асос контекстида мақбул бўлган бошқа атама

[Аудитор манзили]

[Аудиторлик хулосаси санаси]

3-Намуна:

Ҳолатлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- **Аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича шартли фикр ифодаланган.**
- **Мезонлар раҳбарият томонидан ишлаб чиқилган ва Х-изоҳда етарли даражада ёритиб берилган. Аудитор мезонларни шароитларда мақбул деб аниқлаган.**
- **Умумлашган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосасининг санаси умумлашган молиявий ҳисобот олинган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси санаси билан бир хил.**

УМУМЛАШГАН МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ БЎЙИЧА МУСТАҚИЛ АУДИТОР ХУЛОСАСИ

[Тегишли манзилат]

Фикр

Умумлашган молиявий ҳисобот, улар 20X1 йил 31 декабрь ҳолатига бўлган умумлашган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот, шу санада тугаган йил учун умумлашган умумий даромад тўғрисидаги ҳисобот, умумлашган хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот ва умумлашган пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот, ҳамда тегишли изоҳларни ўз ичига оладиган 20X1 йил 31 декабрда тугаган йил учун ABC Компаниясининг (Компания) аудит қилинган молиявий ҳисоботидан олинган. Биз 20X2 йил 15 февралдаги хулосамизда ўша молиявий ҳисобот бўйича шартли аудит фикрини ифодаладик.[6]

Бизнинг фикримизча, илова қилинган умумлашган молиявий ҳисобот Х-изоҳда тавсифланган асосда, барча муҳим жиҳатларда аудит қилинган молиявий ҳисоботга мос келади (ёки уларнинг ҳаққоний умумлашган варианти). Бироқ, умумлашган молиявий ҳисобот 20X1 йил 31 декабрда тугаган йил учун ABC Компаниясининг аудит қилинган молиявий ҳисоботи каби кўрсатилган даражада бузиб кўрсатилган.

Умумлашган молиявий ҳисобот

Умумлашган молиявий ҳисобот [ABC Компаниясининг аудит қилинган молиявий ҳисоботини тайёрлашда қўлланилган молиявий ҳисобот асослари тавсифланган] томонидан талаб қилинадиган барча маълумотларни ёритиб беришни ўз ичига олмайди. Шунинг учун умумлашган молиявий ҳисоботни ва улар бўйича аудиторлик хулосасини ўқиш аудит қилинган молиявий ҳисоботни ва улар бўйича аудиторлик хулосасини ўқишнинг ўрнини босмайди.

Аудит қилинган молиявий ҳисобот ва у бўйича бизнинг хулосамиз

Биз 20X2 йил 15 февралдаги хулосамизда аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича шартли аудит фикрини ифодаладик. Шартли аудит фикримиз учун асос [раҳбарият захираларни таннарх ва соф сотиш қиймати ичидан энг кичигида эмас, балки фақат таннархда ифодалаган, бу Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларидан четга чиқишни ташкил этади]. Компаниянинг ҳисоботлари кўрсатишича, агар раҳбарият захираларни таннарх ва соф сотиш қиймати ичидан энг кичигида ифодалаганида, захираларни уларнинг соф сотиш қийматигача пасайтириш учун ххх миқдори талаб қилинган бўларди. Шунга кўра, сотишлар таннархи ххх га ошган бўларди, ва фойда солиғи, соф даромад ва акциядорлар капитали тегишлича ххх, ххх ва ххх га камайтирилган бўларди.

Умумлашган молиявий ҳисобот учун раҳбариятнинг[7] жавобгарлиги

Раҳбарият Х-изоҳда тавсифланган асосда умумлашган молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун жавобгардир.

Аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг жавобгарлигимиз 810-сон Аудитнинг халқаро стандарти (АХС) (Қайта таҳрирланган) "Умумлашган молиявий ҳисобот бўйича хулоса бериш топшириқлари"га мувофиқ ўтказилган тартиб-таомилларимизга асосланиб, умумлашган молиявий ҳисобот барча муҳим жиҳатлардан аудит қилинган молиявий ҳисоботга мос келиши (ёки уларнинг ҳаққоний умумлашган варианти эканлиги) ҳақида фикр билдиришдир.

---

[6] Аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосасидаги шартли фикрга ушбу ҳаволанинг умумлашган молиявий ҳисобот бўйича Фикр бандидаги жойлашуви фойдаланувчиларга, аудитор умумлашган молиявий ҳисобот бўйича модификацияланмаган фикр билдирган бўлсада, умумлашган молиявий ҳисобот муҳим даражада бузиб кўрсатилган аудит қилинган молиявий ҳисоботни акс эттиришини тушунишда ёрдам беради.

[7] Ёки муайян юрисдикциядаги ҳуқуқий асос контекстида мақбул бўлган бошқа атама

[Аудитор имзоси]

[Аудитор манзили]

[Аудиторлик хулосаси санаси]

4-Намуна:

Ҳолатлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- **Аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича салбий фикр билдирилади.**
- **Мезонлар раҳбарият томонидан ишлаб чиқилган ва Х-изоҳда етарли даражада ёритиб берилган. Аудитор мезонлар ушбу ҳолатларда мақбул эканлигини аниқлаган.**
- **Қисқача молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси қисқача молиявий ҳисобот олинган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси санаси билан бир хил санада.**

УМУМЛАШГАН МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ БЎЙИЧА МУСТАҚИЛ АУДИТОР ХУЛОСАСИ

[Тегишли манзилат]

Фикр билдиришдан воз кечиш

Умумлашган молиявий ҳисобот, улар 20X1 йил 31 декабрь ҳолатига умумлашган баланс ҳисоботи, шу санада тугаган йил учун умумлашган даромад тўғрисида ҳисобот, умумлашган хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида ҳисобот ва умумлашган пул оқимлари тўғрисида ҳисобот, ҳамда тегишли изоҳларни ўз ичига олади, 20X1 йил 31 декабрда тугаган йил учун ABC Компаниясининг аудит қилинган молиявий ҳисоботидан олинган.

Хулосамизнинг Аудит қилинган молиявий ҳисобот ва улар бўйича хулосамиз бандида муҳокама қилинган аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича салбий фикр натижасида, илова қилинган умумлашган молиявий ҳисобот бўйича фикр билдириш мақсадга мувофиқ эмас.

Умумлашган молиявий ҳисобот

Умумлашган молиявий ҳисобот [ABC Компаниясининг аудит қилинган молиявий ҳисоботини тайёрлашда қўлланилган молиявий ҳисобот асосларини тавсифланг] талаб қиладиган барча ёритиб беришларни ўз ичига олмайди. Шунинг учун, умумлашган молиявий ҳисобот ва улар бўйича аудиторлик хулосасини ўқиш аудит қилинган молиявий ҳисобот ва улар бўйича аудиторлик хулосасини ўқишнинг ўрнини боса олмайди.

Аудит қилинган молиявий ҳисобот ва у бўйича бизнинг хулосамиз

20X2 йил 15 февралдаги хулосамизда биз 20X1 йил 31 декабрда тугаган йил учун ABC Компаниясининг аудит қилинган молиявий ҳисоботи бўйича салбий фикр билдирдик. Бизнинг салбий аудиторлик фикри учун асос [салбий аудиторлик фикри учун асосни тавсифланг] эди.

Раҳбариятнинг[8] умумлашган молиявий ҳисобот учун жавобгарлиги

Раҳбарият Х-изоҳда тавсифланган асосда молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун жавобгардир.

Аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг жавобгарлигимиз Аудитнинг халқаро стандарти (АХС) 810 (Қайта таҳрирланган), " Умумлашган молиявий ҳисобот бўйича хулоса бериш топшириқлари " га мувофиқ ўтказилган тартиб-таомилларимиз асосида умумлашган молиявий ҳисобот барча муҳим жиҳатларда аудит қилинган молиявий ҳисоботга мос келиши (ёки аудит қилинган молиявий ҳисоботнинг адолатли қисқачаси) юзасидан фикр билдиришдир.

[Аудитор имзоси]

[Аудитор манзили]

[Аудиторлик хулосаси санаси]

[8] Ёки муайян юрисдикциядаги ҳуқуқий асос контекстида мақбул бўлган бошқа атама

5- Намуна:

Ҳолатлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- **Аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича модификацияланмаган фикр билдирилади.**
- **Умумлашган молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун ўрнатилган мезонлар мавжуд.**
- **Аудитор умумлашган молиявий ҳисобот бўйича модификацияланмаган фикр билдириш мумкин эмас деган хулосага келади.**
- **Умумлашган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси умумлашган молиявий ҳисобот олинган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси санаси билан бир хил санада.**

УМУМЛАШГАН МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ БЎЙИЧА МУСТАҚИЛ АУДИТОР ХУЛОСАСИ

[Тегишли манзилат]

Салбий фикр

Умумлашган молиявий ҳисобот, улар 20X1 йил 31 декабрь ҳолатига умумлашган баланс ҳисоботи, шу санада тугаган йил учун умумлашган даромад тўғрисида ҳисобот, умумлашган хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида ҳисобот ва умумлашган пул оқимлари тўғрисида ҳисобот, ҳамда тегишли изоҳларни ўз ичига олади, 20X1 йил 31 декабрда тугаган йил учун АВС Компаниясининг аудит қилинган молиявий ҳисоботидан олинган.

Бизнинг фикримизча, салбий фикр учун асос бандида тавсифланган масаланинг аҳамиятлилиги туфайли, илова қилинган умумлашган молиявий ҳисобот [ўрнатилган мезонларни тавсифланг]га мувофиқ 20X1 йил 31 декабрда тугаган йил учун АВС Компаниясининг аудит қилинган молиявий ҳисоботига мос келмайди (ёки уларнинг ҳаққоний тавсифи эмас).

Салбий фикр учун асос

[Қўлланилган мезонларга мувофиқ, умумлашган молиявий ҳисоботнинг барча муҳим жиҳатларда аудит қилинган молиявий ҳисоботга мос келмаслигига (ёки уларнинг ҳаққоний тавсифи бўлмаслигига) сабаб бўлган масалани тавсифланг.]

Умумлашган молиявий ҳисобот

Умумлашган молиявий ҳисобот [АВС Компаниясининг аудит қилинган молиявий ҳисоботини тайёрлашда қўлланилган молиявий ҳисобот асосларини тавсифланг] талаб қиладиган барча ёритиб беришларни ўз ичига олмайди. Шунинг учун, умумлашган молиявий ҳисобот ва улар бўйича аудиторлик хулосасини ўқиш аудит қилинган молиявий ҳисобот ва улар бўйича аудиторлик хулосасини ўқишнинг ўрнини боса олмайди.

Аудит қилинган молиявий ҳисобот ва у бўйича бизнинг хулосамиз

Биз 20X2 йил 15 февралдаги хулосамизда аудит қилинган молиявий ҳисобот бўйича модификацияланмаган аудиторлик фикрини билдирдик.

Раҳбариятнинг[9] аудит қилинган умумлашган молиявий ҳисобот учун жавобгарлиги

Раҳбарият [ўрнатилган мезонларни тавсифланг]га мувофиқ қисқача молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун жавобгардир.

Аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг жавобгарлигимиз 810 сон Аудитнинг халқаро стандарти (АХС) (Қайта таҳрирланган), " Умумлашган молиявий ҳисобот бўйича хулоса бериш топшириқлари " га мувофиқ ўтказилган тартиб-таомилларимиз асосида қисқача молиявий ҳисобот барча муҳим жиҳатларда аудит қилинган молиявий ҳисоботга мос келиши (ёки уларнинг ҳаққоний умумлашмаси) юзасидан фикр билдиришдир.

[Аудитор имзоси]

[9] Ёки муайян юрисдикциядаги ҳуқуқий асос контекстида мақбул бўлган бошқа атама

[Аудитор манзили]

[Аудиторлик хулосаси санаси]

1000-СОН ХАЛҚАРО АУДИТ АМАЛИЁТИ ИЗОҲИ

МОЛИЯВИЙ ИНСТРУМЕНТЛАРНИ АУДИТ ҚИЛИШДА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАДИГАН ЖИҲАТЛАР

МУНДАРИЖА

	Банд
Кириш	1–10
I бўлим — Молиявий инструментлар ҳақидаги умумий маълумотлар	11–69
Молиявий инструментлардан фойдаланиш мақсади ва рисклари	14–19
Молиявий инструментларга оид назорат воситалари	20–23
Тўлиқлик, аниқлик ва мавжудлик	24–33
Савдо тасдиқлари ва клиринг	25–26
Банклар ва сақловчилар билан солиштирма	27–30
Тўлиқлик, аниқлик ва мавжудлик бўйича бошқа назорат воситалари	31–33
Молиявий инструментларни баҳолаш	34–64
Молиявий ҳисобот талаблари	34–37
Кузатиладиган ва кузатилмайдиган манба маълумотлари	38–39
Фаол бўлмаган бозорларнинг таъсири	40–42
Раҳбариятнинг баҳолаш жараёни	43–63
Моделлар	47–49
Оддий молиявий инструментга мисол	50–51
Учинчи томон нарх белгилаш манбалари	52–62
Баҳолаш мутахассисларидан фойдаланиш	63
Молиявий мажбуриятлар билан боғлиқ муаммолар	64
Молиявий инструментлар ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш ва ёритиб бериш	65–69
Ёритиб бериладиган маълумотлар тоифалари	67–69
II бўлим— молиявий инструментларга оид аудит мулоҳазалари	70–145
Профессионал скептицизм	71–72
Режалаштиришни ҳисобга олиш	73–84
Бухгалтерия ва маълумотларни ёритиб бериш талабларини тушуниш	74
Молиявий инструментларни тушуниш	75–77
Аудитда махсус кўникма ва билимларга эга бўлган аудиторлардан фойдаланиш	78–80
Ички назоратни тушуниш	81
Ички аудит функциясининг характери, роли ва фаолиятларини тушуниш	82–83
Молиявий инструментларни баҳолаш учун раҳбарият услубиятини тушуниш	84
Муҳим бузиб кўрсатишлар рискини баҳолаш ва унга жавоб бериш	85–105
Молиявий инструментларга оид умумий мулоҳазалар	85
Фирибгарлик риски омиллари	86–88

Муҳим бузиб кўрсатиш рискини баҳолаш 89–90

Назорат воситаларининг амалий самарадорлигини синаш лозимлиги ва қай даражада синаш лозимлигини аниқлашда эътиборга олиш лозим бўлган омиллар 91–95

Моҳиятга кўра тартиб-таомиллар 96–97

Икки мақсадли тестлар 98

Аудиторлик тартиб-таомилларининг муддати 99–102

Тўлиқлик, аниқлик, мавжудлик, содир бўлиш ва ҳуқуқлар ҳамда мажбуриятларга оид тартиб-таомиллар 103–105

Молиявий инструментларни баҳолаш 106–137

Молиявий ҳисобот талаблари 106–108

Баҳолашнинг қийматга боғлиқ муҳим бузиб кўрсатиш рискини баҳолаш 109–113

Аҳамиятли рисклар 110–113

Аудит ёндашувини ривожлантириш 114–115

Раҳбарият учинчи томон нархлаш манбаидан фойдаланганда аудитни кўриб чиқиш масалалари 116–120

Раҳбарият моделдан фойдаланиб ҳаққоний қийматларни баҳолаганда аудитни кўриб чиқиш масалалари 121–132

Раҳбарият томонидан қўлланилган тахминлар асослилигини баҳолаш 129–132

Ташкилот томонидан раҳбарият эксперти фойдаланилганда аудитни кўриб чиқиш масалалари 133–135

Нуқта баҳоси ёки баҳолаш оралиғини ишлаб чиқиш 136–137

Молиявий инструментларни тақдим этиш ва ёритиб бериш 138–141

Молиявий инструментларни тақдим этиш ва ёритиб беришга оид тартиб таомиллар 140–141

Бошқа тегишли аудит мулоҳазалари 142–145

Ёзма баёнотлар 142

Бошқарув учун масъул бўлган шахслар ва бошқалар билан мулоқот қилиш 143–145

Регуляторлар ва бошқалар билан мулоқот 145

Илова: Молиявий инструментларга оид назорат мисоллари

1000-сон Халқаро аудит амалиёти изоҳи (ХААИ), *“Молиявий инструментларни аудит қилишда алоҳида эътибор қаратиладиган жиҳатлар”*, *“Халқаро сифат бошқаруви, аудит, таҳлилий текширув, бошқа ишонч ва турдош хизматлар баёнотлари муқаддимаси”* билан бирга ўқилиши лозим. ХААИлар аудиторларга Аудитнинг халқаро стандартида (АХС) келтирилган талаблардан ташқари қўшимча талаблар қўймайди ва уларнинг аудитга тегишли барча АХСларга риоя қилиш мажбуриятини ўзгартирмайди. ХААИлар аудиторларга амалий ёрдам беради. Улар миллий стандартлар учун масъул бўлганлар томонидан тарқатилиши ёки мос келувчи миллий материални ишлаб чиқишда фойдаланилиши учун мўлжалланган. Улар, шунингдек, компаниялар ўзларининг ўқув дастурлари ва ички йўриқномаларини ишлаб чиқишда фойдаланиши мумкин бўлган материалларни ҳам тақдим этади.

1000-сон ХААИ 540-сон АХС (Қайта таҳрирланган) ўзгаришларига мос равишда янгиланмаган. Шунинг учун, 1000-сон ХААИдаги барча 540-сон АХСга ҳаволалар 2018 йилги ХАИСК қўлланмасида тақдим этилган 540-сон АХСга тегишли.

Кириш

1. Молиявий инструментлар молиявий ва номолиявий ташкилотлар томонидан ҳар хил мақсадларда, ҳар хил ўлчамдаги ташкилотлар томонидан фойдаланилиши мумкин. Баъзи ташкилотлар катта миқдорда активларга ва операциялар ҳажмига эга бўлса, бошқа ташкилотлар фақатгина бир неча молиявий инструментлар билан операциялар ўтказиши мумкин. Баъзи ташкилотлар молиявий инструментларда позицияларни эгаллаб, рискларни ўз зиммасига олиш ва ундан фойда кўришлари мумкин, бошқа ташкилотлар эса айрим рискларни хежлаш ёки таъсирларни бошқариш орқали камайтириш учун молиявий инструментлардан фойдаланишлари мумкин. Ушбу Халқаро аудит амалиёти изоҳи (ХААИ) барча келтирилган ҳолатларга тегишли.

2. Қуйидаги Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) молиявий инструментларнинг аудити учун айниқса муҳимдир:

   (a) 540-сон АХС[1] аудиторнинг ҳисоб баҳолари билан боғлиқ жавобгарликларини, шу жумладан ҳаққоний қийматда баҳоланган молиявий инструментларга оид ҳисоб баҳоларини текшириш билан боғлиқ жавобгарликларини кўриб чиқади;

   (b) 315-сон АХС (2019 йилда қайта таҳрирланган)[2] ва 330-сон АХС[3] муҳим бузиб кўрсатиш рискларини аниқлаш ва баҳолаш ҳамда ушбу рискларга жавоб бериш билан шуғулланади; ва

   (c) 500-сон[4] АХС аудит далилларини нималар ташкил этишини тушунтиради ва аудиторнинг етарли ва муносиб аудит далилларини олиш учун аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш ва бажариш бўйича жавобгарилигини кўриб чиқади, шу асосда аудиторнинг фикрини асослаш учун тегишли хулосалар чиқариш мумкин бўлади.

3. Ушбу ХААИнинг мақсади қуйидагиларни таъминлашдан иборат:

   (a) молиявий инструментлар ҳақидаги маълумот (I бўлим); ва

   (b) молиявий инструментларга оид аудит масалаларини муҳокама қилиш (II бўлим).

   ХААИлар аудиторларга амалий ёрдам беради. Улар миллий стандартлар учун масъул бўлганлар томонидан тарқатилиши ёки мос келувчи миллий материални ишлаб чиқишда фойдаланилиши учун мўлжалланган. Улар, шунингдек, компаниялар ўзларининг ўқув дастурлари ва ички йўриқномаларини ишлаб чиқишда фойдаланиши мумкин бўлган материалларни ҳам тақдим этадилар.

4. Ушбу ХААИ барча кўламдаги ташкилотлар учун долзарбдир, чунки барча ташкилотлар молиявий инструментлардан фойдаланганда муҳим бузиб кўрсатиш рискига дуч келиши мумкин.

5. Ушбу ХААИдаги баҳолаш бўйича кўрсатмалар[5] ҳаққоний қийматда баҳоланган ёки ёритиб берилган молиявий инструментлар учун кўпроқ долзарб бўлиши мумкин, баҳолашдан ташқари соҳалар бўйича кўрсатмалар эса ҳаққоний қийматда ёки амортизацияланган қийматда баҳоланган молиявий инструментларга бирдек тааллуқлидир. Ушбу ХААИ молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларга ҳам татбиқ этилади. Бу ХААИ қуйидаги инструментлар билан ишламайди:

   (a) энг оддий молиявий инструментлар, масалан, пул маблағлари, оддий қарзлар, савдо дебиторлик қарзлари ва савдо кредиторлик қарзлари;

   (b) листингга кирмайдиган акциявий инструментларга инвестициялар; ёки

   (c) суғурта шартномалари.

---

[1] 540-сон АХС, "*Ҳисоб баҳоларини ва уларга тегишли изоҳларни аудит қилиш"*

[2] 315-сон АХС (2019 йилда қайта таҳрирланган), *"Муҳим бузиб кўрсатиш рискларини аниқлаш ва баҳолаш"*

[3] 330-сон АХС, *"Аудиторнинг баҳоланган рискларга жавоблари"*

[4] 500-сон АХС, *"Аудит далиллари"*

[5] Ушбу ХААИда "баҳолаш" ва "ўлчаш" атамалари бир-бирининг ўрнида қўлланилади.

6. Шунингдек, бу ХААИ молиявий инструментларга тегишли аниқ бухгалтерия масалалари билан шуғулланмайди, масалан, хеж ҳисоби, дастлабки тан олишда фойда ёки зарар (кўпинча "1-кун" фойда ёки зарар деб аталади), ўзаро қоплаш, рискни ўтказиш ёки заифлаштириш, шу жумладан қарз йўқотишларини таъминлаш. Гарчи бу мавзулар молиявий инструментлар бўйича ташкилотнинг бухгалтерия ҳисобига тааллуқли бўлиши мумкин бўлса-да, аудиторнинг муайян бухгалтерия талабларини қандай ҳал қилиш бўйича кўриб чиқиши ҳақидаги муҳокама ушбу ХААИ доирасидан ташқарида.

7. АХСларга мувофиқ аудит ўтказиш, бошқарув ва зарур бўлганда, бошқарув учун масъул бўлган шахслар муайян жавобгарликларни тан олганлиги асосида амалга оширилади. Бундай жавобгарликлар ҳаққоний қийматни баҳолашни ўз ичига олади. Ушбу ХААИ бошқарув ёки бошқарув учун масъул шахсларга жавобгарлик юкламайди ва уларнинг жавобгарлигини тартибга солувчи қонун ва қоидаларни ўзгартирмайди.

8. Ушбу ХААИ умумий мақсадли ҳаққоний тақдимот молиявий ҳисобот бериш асослари доирасида ёзилган, аммо зарур бўлган ҳолларда махсус мақсадли молиявий ҳисобот бериш асослари каби бошқа молиявий ҳисобот бериш асослари ҳам фойдали бўлиши мумкин.

9. Ушбу ХААИ баҳолаш, тақдимот ва маълумотларни ёритиб бериш тасдиқларига эътибор қаратади, аммо шунингдек, тўлиқлик, аниқлик, мавжудлик ва ҳуқуқлар ва мажбуриятлар каби масалаларни ҳам камроқ тафсилот билан қамраб олади.

10. Молиявий инструментлар баҳолаш ноаниқлигига дучор бўлади, бу 540-сон АХС да "ҳисоб баҳоси ва унга тегишли маълумотларни ёритиб беришни баҳолашдаги ажралмас аниқликнинг етишмаслигига дучор бўлиши[6]" сифатида таърифланган. Баҳолашнинг ноаниқлиги молиявий инструментларнинг мураккаблиги ва бошқа омиллар билан таъсирланади. Молиявий инструментларни баҳолашни қўллаб-қувватлаш учун мавжуд маълумотларнинг характери ва ишончлилиги жуда турлича бўлиб, бу уларни баҳолаш билан боғлиқ ноаниқликка таъсир қилади. Ушбу ХААИ "баҳолаш ноаниқлиги" атамасини ҳаққоний қиймат баҳолари билан боғлиқ баҳолаш ноаниқлигини англатиш учун қўллайди.

I бўлим — Молиявий инструментлар ҳақидаги умумий маълумотлар

11. Молиявий ҳисобот бериш асослари ўртасида молиявий инструментларнинг турли таърифлари мавжуд бўлиши мумкин. Масалан, Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) молиявий инструментни бир ташкилотнинг молиявий активини ва бошқа ташкилотнинг молиявий мажбурияти ёки капитал инструментларини вужудга келтирувчи ҳар қандай шартнома сифатида таърифлайди[7]. Молиявий инструментлар пул маблағлари, бошқа ташкилотнинг капитал улуши, пул маблағларини олиш ёки етказиб бериш ёки молиявий активлар ёки мажбуриятларни айрибошлаш бўйича шартномавий ҳуқуқ ёки мажбурият, ташкилотнинг ўз капитал инструментларида ҳал қилинадиган айрим шартномалар, номолиявий элементлар бўйича айрим шартномалар ёки суғуртачилар томонидан чиқарилган ва анъанавий суғурта шартномаси таърифига жавоб бермайдиган айрим суғурта шартномалари бўлиши мумкин. Бу таъриф оддий қарзлар ва омонатлардан тортиб, мураккаб деривативлар, тузилган маҳсулотлар ва айрим товар шартномаларигача бўлган молиявий инструментларнинг кенг доирасини ўз ичига олади.

12. Молиявий инструментлар мураккаблик даражаси бўйича турлича бўлади, гарчи молиявий инструментнинг мураккаблиги турли манбалардан келиб чиқиши мумкин, масалан:

- Жуда катта ҳажмдаги алоҳида пул оқимлари, бунда бир жинсликнинг йўқлиги ҳар бир ёки кўп сонли гуруҳланган пул оқимларини, масалан, кредит рискини баҳолаш учун таҳлил қилишни талаб қилади (масалан, гаровга қўйилган қарз мажбуриятлари (CDO)).
- Пул оқимларини аниқлаш учун мураккаб формулалар.
- Келажакдаги пул оқимларининг ноаниқлиги ёки ўзгарувчанлиги, масалан, кредит риски, опцион шартномалари ёки узоқ муддатли шартнома шартларига эга молиявий инструментлардан келиб чиқадиган ҳолатлар.

Бозор шароитларининг ўзгаришига пул оқимларининг ўзгарувчанлиги қанча юқори бўлса, молиявий инструментнинг ҳаққоний қийматини баҳолаш шунча мураккаб ва ноаниқ бўлади. Бундан ташқари, баъзида оддий ҳолларда нисбатан осон баҳоланадиган молиявий инструментлар маълум ҳолатлар туфайли мураккаб ҳолга келади, масалан, бозор нофаол ҳолга келган инструментлар ёки узоқ муддатли шартнома шартларига эга инструментлар. Деривативлар ва структуравий маҳсулотлар алоҳида молиявий инструментларнинг комбинацияси бўлганда янада мураккаблашади.

[6] 540-сон АХС, 7(c)-банд
[7] Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти (БҲХС) 32, Молиявий инструментлар: Тақдимот, 11-банд

Бундан ташқари, маълум молиявий ҳисобот стандартлари ёки маълум бозор шароитларида молиявий инструментларнинг ҳисоб-китоби мураккаб бўлиши мумкин.

13. Яна бир мураккаблик манбаи бу молиявий инструментларнинг ҳажми ёки савдо қилинишидир. "Оддий стандарт" фоиз ставкаларини алмаштириш мураккаб бўлмаслиги мумкин, аммо уларнинг катта миқдорини ушлаб турган ташкилот ушбу инструментларни аниқлаш, баҳолаш ва улар билан операциялар ўтказиш учун мураккаб ахборот тизимидан фойдаланиши мумкин.

Молиявий инструментлардан фойдаланиш мақсади ва рисклари

14. Молиявий инструментлар қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

- Хежлаш мақсадлари (яъни, бирор ташкилот дуч келадиган мавжуд риск профилини ўзгартириш). Бу қуйидагиларни ўз ичига олади:
  - Келажакдаги валюта курсини белгилаш учун валюта олдиндан сотиб олиш ёки сотиш;
  - Келажакдаги фоиз ставкаларини своплар орқали доимий ёки ўзгарувчан ставкаларга айлантириш; ва
  - Бирор бир нарх ўзгаришига қарши ҳимояни таъминлаш учун опцион шартномаларини харид қилиш, шу жумладан, ичида деривативлар мавжуд бўлиши мумкин бўлган шартномалар;
- Савдо мақсадлари (масалан, бир ташкилотга қисқа муддатли бозор ҳаракатларидан фойда олиш учун риск позициясини олиш имконини бериш); ва
- Инвестиция мақсадлари (масалан, бир ташкилотга узоқ муддатли инвестиция даромадларидан фойдаланиш имконини бериш учун).

15. Молиявий инструментлардан фойдаланиш айрим бизнес рискларини, масалан, валюта курслари, фоиз ставкалари ва товар нархларидаги ўзгаришлар ёки ушбу рискларнинг комбинациясини камайтириши мумкин. Бошқа томондан, айрим молиявий инструментларнинг ўзига хос мураккабликлари ҳам рискнинг ошишига олиб келиши мумкин.

16. Бизнес риски ва муҳим бузиб кўрсатиш риски ошади, агар раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахслар:

- Молиявий инструментлардан фойдаланиш рискларини тўлиқ тушунмаса ва ушбу рискларни бошқариш учун етарли кўникма ва тажрибага эга бўлмаса;
- Уларни тегишли молиявий ҳисобот тайёрлаш асосига мувофиқ тўғри баҳолаш учун етарли малакага эга бўлмаса.
- Молиявий инструмент фаолиятлари устидан етарли назорат чоралари мавжуд бўлмаса; ёки
- Рискларни нотўғри тарзда хежлаш ёки спекуляция қилиш амалга оширилса.

17. Молиявий инструментда мавжуд бўлган рискларни тўлиқ тушунмаслик бошқарувнинг ушбу рискларни тўғри бошқариш қобилиятига бевосита таъсир кўрсатиши мумкин ва охир-оқибатда ташкилотнинг барқарорлигига таҳдид солиши мумкин.

18. Молиявий инструментларга татбиқ этиладиган асосий риск турлари қуйида келтирилган. Ушбу рўйхат тўлиқ эмас ва бу рискларни тавсифлаш ёки алоҳида рискларнинг таркибий қисмларини таснифлаш учун турли атамалар қўлланилиши мумкин.

(a) Кредит (ёки контрагент) риски - бу молиявий инструментнинг бир томони мажбуриятни бажармай, иккинчи томонга молиявий зарар келтириши риски бўлиб, кўпинча дефолт билан боғлиқ бўлади. Кредит рискига ҳисоб-китоб риски киради, бу эса битимнинг бир томони мижоз ёки қарши томондан ҳеч қандай компенсация олинмасдан ҳал қилиниши рискидир.

(b) Бозор риски - бу молиявий инструментнинг ҳаққоний қиймати ёки келгуси пул оқимлари бозор нархларининг ўзгариши туфайли ўзгариб кетиши рискидир. Бозор риски мисолларига валюта риски, фоиз ставкалари риски, товар ва акция нархлари риски киради.

(c) Ликвидлик риски молиявий инструментни бозорда сотиб олиш ёки сотиш имконияти йўқлиги туфайли ўз вақтида ва муносиб нархда амалга оширолмаслик рискини ўз ичига олади.

(d) Операцион риск молиявий инструментлар учун зарур бўлган махсус ишлов бериш билан боғлиқ. Операцион риск молиявий инструментнинг мураккаблиги ошган сари ортиши мумкин ва операцион рискни нотўғри бошқариш бошқа турдаги рискларни ҳам ошириши мумкин. Операцион риск қуйидагиларни ўз ичига олади:

(i) тасдиқлаш ва таққослаш назорат воситалари етарли эмаслиги туфайли молиявий инструментларнинг тўлиқ ёки нотўғри ёзилиши риски;

(ii) Операцияларнинг нотўғри ҳужжатлаштирилиши ва ушбу операцияларнинг етарли даражада назорат қилинмаслиги рисклари;

(iii) операциялар нотўғри қайд этилган, қайта ишланган ёки риск бошқарилган ва шу сабабли умумий савдо иқтисодиётини акс эттирмайдиган риск;

(iv) ходимлар томонидан баҳолаш усулларининг аниқлигига етарли даражада кўриб чиқмасдан ҳаддан ташқари ишониш риски мавжуд бўлиб, натижада операциялар нотўғри баҳоланади ёки уларнинг риски нотўғри баҳоланади;

(v) молиявий инструментлардан фойдаланиш риски ташкилотнинг рискни бошқариш сиёсати ва тартибларига етарли даражада киритилмаганлиги;

(vi) ички жараёнлар ва тизимларнинг етарли эмаслиги ёки муваффақиятсизлиги натижасида ёки ташқи ҳодисалардан келиб чиқадиган йўқотиш риски, шу жумладан ички ва ташқи манбалардан келиб чиқадиган фирибгарлик риски;

(vii) молиявий инструментларни баҳолаш учун қўлланиладиган баҳолаш усулларининг етарли ёки ўз вақтида техник хизмат кўрсатилмаслиги риски; ва

(viii) юридик риск, бу операциявий рискнинг бир қисми бўлиб, шартнома ёки унга боғлиқ неттинг (ўзаро ҳисоб китоб) келишувлари шартлари бўйича якуний фойдаланувчи ёки унинг контрагенти томонидан бажарилишини бекор қиладиган ёки бошқача тарзда олдини оладиган ҳуқуқий ёки меъёрий ҳаракатлар натижасида юзага келадиган йўқотишлар билан боғлиқ. Масалан, юридик риск шартнома учун етарли ёки нотўғри ҳужжатлаштиришдан, банкротликда неттинг келишувини амалга ошира олмасликдан, солиқ қонунларидаги салбий ўзгаришлардан ёки айрим турдаги молиявий инструментларга сармоя киритишни тақиқловчи қонунлардан келиб чиқиши мумкин.

19. Молиявий инструментлардан фойдаланиш рисклари билан боғлиқ бошқа омиллар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Агар, масалан, молиявий фирибгарликни амалга ошириш имкониятига эга бўлган ходим ҳам молиявий инструментларни, ҳам уларни ҳисобга олиш жараёнларини тушунса, аммо раҳбарият ва бошқарув учун масъул бўлган шахслар камроқ даражада тушунса, фирибгарлик риски ошиши мумкин.
- Бош ҳисоб китоб келишувлари[8] молиявий ҳисоботларда тўғри акс эттирилмаслиги риски.
- Баъзи молиявий инструментлар ўз муддати давомида актив ёки мажбурият сифатида ўзгариши мумкин бўлган риск ва бундай ўзгариш тез содир бўлиши мумкин.

Молиявий инструментларга оид назорат воситалари

20. Ташкилотнинг молиявий инструментлардан фойдаланиш даражаси ва инструментларнинг мураккаблик даражаси ташкилотнинг ички назоратининг зарурий даражасини белгилайдиган муҳим омиллардир. Масалан, кичик ташкилотлар ўз мақсадларига эришиш учун камроқ тизимланган воситалар ва оддий жараёнлар ҳамда тартиб-таомиллардан фойдаланишлари мумкин.

21. Кўпинча, бошқарув учун масъул бўлган шахсларнинг вазифаси молиявий инструментлардан фойдаланиш даражасини белгилаш, тасдиқлаш ва назорат қилиш бўлса, раҳбариятнинг вазифаси эса ушбу рискларга нисбатан ташкилотнинг таъсирини бошқариш ва кузатишдир. Раҳбарият ва зарур бўлганда, бошқарув учун масъул шахслар ҳам молиявий ҳисоботни тегишли молиявий ҳисобот тайёрлаш асосига мувофиқ тайёрлашни таъминлаш учун ички назорат тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун масъулдирлар. Ташкилотнинг молиявий инструментлар бўйича ички назорати самарали бўлиши эҳтимоли юқори бўлади, агар раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахслар:

[8] Битта контрагент билан бир қатор молиявий инструмент операцияларини амалга оширадиган ташкилот ўша контрагент билан бош неттинг (ўзаро ҳисоб-китоб) келишувини тузиши мумкин. Бундай келишув ҳар қандай бир шартнома бўйича дефолт юз берган тақдирда келишув қамраб олган барча молиявий инструментлар бўйича ягона соф ҳисоб-китобни назарда тутади.

(a) Муносиб назорат муҳитини яратиш, молиявий инструментлардан фойдаланишни назорат қилишда бошқарув учун масъул бўлган шахсларнинг фаол иштирокини таъминлаш, ваколат ва жавобгарликларни аниқ белгилаш билан мантиқий ташкилот тузилмасини яратиш ва мос инсон ресурслари сиёсати ва тартибларини жорий этиш. Хусусан, молиявий инструментлар фаолияти учун масъул бўлган шахсларнинг ҳаракат қилиш даражасига аниқ қоидалар лозим. Бундай қоидалар молиявий инструментлардан фойдаланишга оид ҳар қандай ҳуқуқий ёки меъёрий чекловларни ҳисобга олади. Масалан, айрим давлат сектори ташкилотлари деривативлардан фойдаланиб бизнес юритиш ваколатига эга бўлмаслиги мумкин;

(b) Ташкилотнинг кўлами ва унинг молиявий инструментларининг мураккаблигига нисбатан рискни бошқариш жараёнини йўлга қўйиши (масалан, баъзи ташкилотларда расмий рискни бошқариш функцияси мавжуд бўлиши мумкин);

(c) Бошқарув учун масъул бўлган шахсларга молиявий инструментлар фаолиятининг характери ва унга боғлиқ рискларни тушунишни таъминлайдиган, шу жумладан, операцияларнинг етарли даражада ҳужжатлаштирилишини ўз ичига олган ахборот тизимлари яратилган;

(d) Ички назорат тизимини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва ҳужжатлаштириш:

- Молиявий воситалардан фойдаланиш ташкилотнинг рискни бошқариш сиёсати доирасида эканлигига асосли ишонч ҳосил қилиш;
- Молиявий ҳисоботларда молиявий инструментларни тўғри тақдим этиш;
- Ташкилотнинг амалдаги қонун ва қоидаларга мувофиқлигини таъминлаш; ва
- Рискни кузатиб бориш.

Иловада молиявий инструментлар билан юқори ҳажмдаги операцияларни амалга оширадиган ташкилотда мавжуд бўлиши мумкин бўлган назорат мисоллари келтирилган; ва

(e) Мавжуд молиявий ҳисобот тайёрлаш асосига мувофиқ, баҳолаш сиёсатини ўз ичига олган тегишли ҳисоб сиёсатини ўрнатиш.

22. Ташкилотнинг молиявий инструментларига оид рискни бошқариш жараёнлари ва ички назоратнинг асосий элементлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Молиявий инструментлар билан операциялар ўтказишда ташкилот қабул қилишга тайёр бўлган риск даражасини аниқлаш (бу "рискка мойиллик" деб аталиши мумкин), молиявий инструментларга сармоя киритиш сиёсати ва молиявий инструментлар фаолияти амалга ошириладиган назорат тизимини белгилаш;
- Янги турдаги молиявий инструментлар операцияларини ҳужжатлаштириш ва авторизация қилиш жараёнларини ўрнатиш, бу инструментлар билан боғлиқ бўлган бухгалтерия, меъёрий, ҳуқуқий, молиявий ва операцион рискларни ҳисобга олиш;
- Молиявий инструментлар операцияларини қайта ишлаш, шу жумладан пул маблағлари ва активларнинг ташқи ҳисоботлар билан тасдиқланиши ва яраштирилиши, ҳамда тўлов жараёни;
- Молиявий инструментларга сармоя киритувчи ёки савдо қилувчилар ва бундай инструментларни қайта ишлаш, баҳолаш ва тасдиқлаш учун масъул бўлганлар ўртасида вазифаларни ажратиш. Масалан, нархлаш битимларида ёрдам берадиган модел ишлаб чиқиш функцияси, функционал ва ташкилот жиҳатидан олдинги офисдан алоҳида бўлган функцияга нисбатан камроқ холис бўлади;
- Баҳолаш жараёнлари ва назорат воситалари, учинчи томон нархлаш манбаларидан олинган маълумотлар устидан назоратни ҳам ўз ичига олган ҳолда; ва
- Назоратларни кузатиш.

23. Рискларнинг характери кўп миқдорда ва хилма-хил молиявий инструментларга эга бўлган ташкилотлар билан фақатгина бир неча молиявий инструмент операцияларига эга бўлган ташкилотлар ўртасида кўпинча фарқ қилади. Бу ички назоратга турли ёндашувларни келтириб чиқаради. Масалан:

- Одатда, молиявий инструментлар ҳажми катта бўлган ташкилотда мутахассис савдогарлар ва уларнинг вазифалари билан орқа офис ўртасида вазифаларни ажратиш мавжуд бўлган савдо хонаси муҳити бўлади (бу эса амалга оширилган савдоларни маълумотларни текшириш, уларнинг хатосизлигини таъминлаш ва зарур трансферларни амалга ошириш функциясини англатади). Бундай муҳитда савдогарлар одатда шартномаларни телефон орқали оғзаки ёки электрон савдо платформаси орқали бошлайдилар. Бундай муҳитда тегишли операцияларни қайд этиш

ва молиявий инструментларни аниқ ёзиш фақат бир неча молиявий инструментларга эга бўлган ташкилотга нисбатан анча қийин, чунки уларнинг мавжудлиги ва тўлиқлиги кўпинча бир неча банкларга банк тасдиғи орқали тасдиқланиши мумкин.

- Бошқа томондан, фақат оз сонли молиявий инструментларга эга бўлган ташкилотларда вазифаларни ажратиш мавжуд эмас ва бозорга кириш чекланган бўлади. Бундай ҳолларда, молиявий инструментлар бўйича операцияларни аниқлаш осонроқ бўлиши мумкин бўлса-да, бошқарув фақат чекланган сондаги ходимларга таяниши мумкинлиги риски мавжуд, бу эса рухсатсиз операциялар бошланиши ёки операциялар қайд этилмаслиги рискини ошириши мумкин.

Тўлиқлик, аниқлик ва мавжудлик

24. 25–33-бандлар молиявий инструментлар билан юқори ҳажмдаги операцияларга эга бўлган ташкилотларда, шу жумладан савдо хоналарига эга бўлганларда жорий этилиши мумкин бўлган назорат ва жараёнларни тасвирлайди. Аксинча, молиявий инструментлар билан юқори ҳажмдаги операцияларга эга бўлмаган ташкилот бу назорат ва жараёнларга эга бўлмаслиги мумкин, аммо ўрнига ўз операцияларини контрагент ёки клиринг билан тасдиқлаши мумкин. Буни амалга ошириш нисбатан осон бўлиши мумкин, чунки ташкилот фақат бир ёки икки контрагент билан битим тузиши мумкин.

Савдо тасдиқлари ва клиринг

25. Оддий қилиб айтганда, молиявий ташкилотлар томонидан амалга оширилган операциялар учун молиявий инструментларнинг шартлари контрагентлар ўртасида алмашинувчи тасдиқлашлар ва ҳуқуқий келишувларда ҳужжатлаштирилади. Клиринг савдоларни мувофиқлаштириш ва уларни ҳисоб-китоб қилиш орқали тасдиқлашларни алмашишни назорат қилиш учун хизмат қилади. Марказий клиринг биржа билан боғлиқ бўлиб, клиринг орқали клиринг амалга оширадиган ташкилотлар одатда клирингга етказиладиган маълумотларни бошқариш жараёнларига эга бўлади.

26. Ҳар бир операция бундай биржа орқали ҳал қилинмайди. Кўплаб бошқа бозорларда ҳисоб-китоб бошланишидан олдин битим шартларини келишиб олиш амалиёти мавжуд. Самарали бўлиши учун, бу жараён фирибгарлик рискини камайтириш учун молиявий инструментлар билан савдо қиладиганлардан алоҳида амалга оширилиши лозим. Бошқа бозорларда, битимлар ҳисоб-китоб бошланганидан кейин тасдиқланади ва баъзан тасдиқлаш орқали кечикишлар ҳисоб-китоб барча шартлар тўлиқ келишилганидан олдин бошланишига олиб келади. Бу қўшимча рискни келтириб чиқаради, чунки савдо қилувчи ташкилотлар савдоларни келишишнинг муқобил усулларига таянишлари лозим бўлади. Булар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- Молиявий инструментлар билан савдо қилаётганлар ва уларни ҳисоб-китоб қилаётганлар ўртасидаги ёзувларни қатъий мувофиқлаштиришни таъминлаш (иккаласи ўртасидаги вазифаларнинг кучли ажратилиши муҳим), молиявий инструментлар билан савдо қилаётганлар устидан кучли назоратни таъминлаш билан бирга, операцияларнинг яхлитлигини таъминлаш;
- Ҳатто тўлиқ шартлар келишилмаган бўлса ҳам, асосий шартларни таъкидловчи ҳамкорлардан олинган ҳужжатларни кўриб чиқиш; ва
- Савдогарларнинг фойда ва зарарларини тўлиқ кўриб чиқиш, уларнинг орқа офис томонидан ҳисобланган натижаларга мос келишини таъминлаш.

130. Раҳбарият томонидан қўлланилган тахминларни, шу жумладан моделларга манба маълумоти сифатида қўлланилганларни текшириш бўйича аудит тартиб-таомиллари қуйидагиларни баҳолашни ўз ичига олиши мумкин:

- Раҳбарият бозор манба маълумотларини тахминларни ишлаб чиқишга киритганми ва агар шундай бўлса, қандай киритгани, чунки одатда тегишли кузатиладиган манба маълумотларидан фойдаланишни максималлаштириш ва кузатилмайдиган манба маълумотларини минималлаштиришга интилиш маъқулроқдир;
- Тахминлар кузатиладиган бозор шароитларига ва молиявий актив ёки молиявий мажбуриятнинг хусусиятларига мувофиқлиги;
- Бозор иштирокчиси тахминларининг манбалари долзарб ва ишончли эканлиги ҳамда турли хил бозор тахминлари мавжуд бўлганда раҳбарият фойдаланиш учун тахминларни қандай танлагани; ва
- Сезгирлик таҳлиллари тахминлардаги фақат кичик ёки ўртача ўзгаришлар билан баҳолашлар сезиларли даражада ўзгаришини кўрсатиши.

Раҳбарият томонидан қўлланилган тахминларни баҳолашга оид қўшимча мулоҳазалар учун 540-сон АХСнинг А77–А83-бандларига қаранг.

131. Аудиторнинг келажак ҳақидаги мулоҳазаларни кўриб чиқиши мулоҳаза қабул қилинган вақтда мавжуд бўлган маълумотларга асосланади. Кейинги воқеалар ўша вақтда оқилона бўлган қарорлар билан мос келмайдиган натижаларга олиб келиши мумкин.

132. Баъзи ҳолларда, ҳозирги қиймат ҳисоб-китобидаги чегирма ставкаси ҳар бир тахминни тўғрилаш ўрнига, баҳолашдаги ноаниқликларни ҳисобга олиш учун тўғриланиши мумкин. Бундай ҳолларда аудиторнинг тартиб таомиллари дисконтлаш ставкасига қаратилган бўлиши мумкин, ўхшаш қимматли қоғоздаги кузатиладиган савдони кўриб чиқиш орқали қўлланилган чегирма ставкаларини солиштириш ёки дисконтлаш ставкасини ҳисоблаш учун мустақил модел ишлаб чиқиш ва уни раҳбарият томонидан қўлланилган ставка билан солиштириш мумкин.

---

[31] 540-сон АХС, 13(d)-банд аудитор раҳбариятнинг нуқта баҳосини баҳолаш учун баҳолаш оралиғини ишлаб чиққанда талабларни тавсифлайди. Учинчи томонлар томонидан ишлаб чиқилган ва аудитор томонидан қўлланилган баҳолаш усуллари айрим ҳолатларда аудитор экспертининг иши деб ҳисобланиши ва 620-сон АХС талабларига бўйсуниши мумкин.

[32] Аудиторнинг раҳбариятнинг аҳамиятли рискларга оид тахминини баҳолашига оид талаблар учун, масалан, 540-сон АХСнинг 15-бандига қаранг.

[33] 540-сон АХС, А107-бандга қаранг.

Ташкилот томонидан раҳбарият эксперти фойдаланилганда аудитни кўриб чиқиш масалалари

133. I бўлимда муҳокама қилинганидек, раҳбарият ўз қимматли қоғозларининг баъзиларини ёки барчасини баҳолаш учун баҳолаш экспертини жалб қилиши мумкин. Бундай экспертлар брокерлар, инвестиция банкирлари, эксперт баҳолаш хизматларини ҳам тақдим этувчи нарх белгилаш хизматлари ёки бошқа ихтисослашган баҳолаш ташкилотлари бўлиши мумкин.

134. 500-сон АХСнинг 8-банди аудиторга раҳбарият томонидан жалб қилинган экспертдан олинган далилларни баҳолашда қўйиладиган талабларни ўз ичига олади. Аудиторнинг раҳбарият эксперти ва ушбу мутахассиснинг иши билан боғлиқ тартиб-таомилларининг даражаси, экспертнинг иши аудиторнинг мақсадлари учун қанчалик аҳамиятли эканлигига боғлиқ. Раҳбарият экспертининг ишини баҳолаш аудиторга раҳбарият эксперти томонидан тақдим этилган нархлар ёки баҳолар баҳолашни қўллаб-қувватлаш учун етарли ва муносиб аудит далилларини таъминлашини баҳолашда ёрдам беради. Аудитор бажариши мумкин бўлган жараёнлар мисоллари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Раҳбарият экспертининг малакаси, қобилияти ва холислигини баҳолаш, масалан: уларнинг ташкилот билан муносабати; уларнинг бозордаги обрўси ва мавқеи; уларнинг муайян турдаги инструментлар бўйича тажрибаси; ва уларнинг баҳолашга тегишли молиявий ҳисобот тайёрлаш асоси бўйича тушунчалар;
- Раҳбарият экспертининг ишини тушунишни таъминлаш, масалан, баҳолаш техникасининг мувофиқлигини баҳолаш ва баҳолаш техникасида қўлланилган асосий бозор ўзгарувчилари ва тахминларни баҳолаш орқали.
- Ушбу экспертнинг ишини аудит далили сифатида баҳолаш. Ушбу нуқтада, эътибор экспертнинг ишининг алоҳида молиявий инструмент даражасидаги мослигига қаратилган. Тегишли инструментларнинг намунаси учун, мустақил равишда баҳолашни ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин (136-137-бандларга қаранг, нуқта баҳоси ёки баҳолаш оралиғини ривожлантириш бўйича), турли маълумотлар ва тахминлардан фойдаланиб, кейин бу баҳони раҳбарият экспертининг баҳоси билан солиштириш; ва
- Бошқа тартиб таомиллар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:
  - Турли хил тахминларни моделлаштириш орқали бошқа моделдаги тахминларни чиқариш, сўнгра чиқарилган тахминларнинг мантиққа мувофиқлигини кўриб чиқиш.
  - Раҳбариятнинг нуқтали баҳоларини аудиторнинг нуқта баҳолари билан солиштириб, раҳбариятнинг баҳолари доимий равишда юқори ёки паст эканлигини аниқлаш.

135. Раҳбарият эксперти томонидан молиявий инструментларни баҳолашда раҳбариятга ёрдам бериш учун тахминлар қилинган ёки аниқланган бўлиши мумкин. Бундай тахминлар, раҳбарият томонидан қўлланилганда, аудитор томонидан раҳбариятнинг бошқа тахминлари каби кўриб чиқилиши лозим бўлган раҳбариятнинг тахминларига айланади.

Нуқта баҳоси ёки баҳолаш оралиғини ишлаб чиқиш

136. Аудитор баҳолаш усулини ишлаб чиқиши ва раҳбариятнинг баҳолашининг асослилигини баҳолашда фойдаланиш учун баҳолаш оралиғини ишлаб чиқиш мақсадида баҳолаш усулида қўлланиладиган манба маълумотлари ва тахминларни тўғрилаши мумкин. Ушбу ХААИнинг 106-дан 135-гача бўлган бандлари аудиторга нуқта баҳоси ёки баҳолаш оралиғини ишлаб чиқишда ёрдам бериши мумкин. 540-сон АХС га мувофиқ, агар аудитор[34] раҳбариятнинг тахминлари ёки услубиятларидан фарқли бўлган тахминлар ёки услубиятлардан фойдаланса, аудитор раҳбариятнинг тахминлари ёки услубиятларини тушуниш учун етарли даражада маълумот олиши лозим, шунингдек, аудиторнинг баҳолаш оралиғи тегишли ўзгарувчиларни ҳисобга олишини ва бошқарувнинг баҳолашидан ҳар қандай муҳим фарқларни баҳолашини таъминлаши лозим. Аудиторга раҳбариятнинг баҳолашини асослилигини баҳолаш учун аудитор экспертининг ишидан фойдаланиш фойдали бўлиши мумкин.

137. Баъзи ҳолларда аудитор раҳбариятнинг тахминлари ёки услубиятини тушунишга уринишларидан етарли далиллар олиш мумкин эмас, деган хулосага келиши мумкин, масалан, учинчи томон нархлаш манбаи ички ривожлантирилган моделлар ва дастурий таъминотдан фойдаланганда ва тегишли маълумотларга киришга рухсат берилмаганда. Бундай ҳолларда, аудитор мухим бузиб кўрсатиш рискларига жавоб бериш учун бошқа тартиб таомилларни бажара олмаса, масалан, бошқарувнинг баҳолаш нуқтасини баҳолаш учун нуқта баҳоси ёки диапазон ишлаб чиқиш каби[35], баҳолаш бўйича етарли ва муносиб аудит далилларини олиш имконига эга бўлмаслиги мумкин. 705-сон АХС аудиторнинг етарли[36] ва муносиб аудит далилларини олиш имконияти йўқлиги оқибатларини тасвирлайди.

---

[34] 540-сон АХС, 13(c)-банд
[35] 540-сон АХС, 13(d)-банд
[36] 705-сон АХС (Қайта таҳрирланган), Мустақил аудитор ҳисоботидаги фикрга ўзгартиришлар киритиш

Молиявий инструментларни тақдим этиш ва ёритиб бериш

138. Раҳбариятнинг мажбуриятлари қўлланиладиган молиявий ҳисобот тайёрлаш асосига мувофиқ молиявий ҳисоботни тайёрлашни ўз ичига олади[37]. Молиявий ҳисобот тайёрлаш асослари кўпинча молиявий ҳисоботда маълумотларни ёритиб беришни талаб қилади, бу молиявий ҳисобот фойдаланувчиларига ташкилотнинг молиявий инструментлар фаолиятининг таъсирини, шу жумладан, ушбу молиявий инструментлар билан боғлиқ рисклар ва ноаниқликларни мазмунли баҳолаш имконини беради. Молиявий инструментларнинг баҳолаш ноаниқлиги ошган сари баҳолаш асоси ҳақидаги маълумотларнинг аҳамияти ортиб боради ва бу ҳаққоний қиймат иерархияси даражасига ҳам таъсир қилади.

139. Молиявий ҳисобот тегишли молиявий ҳисобот тайёрлаш асосига мувофиқ эканлигини кўрсатишда, раҳбарият молиявий ҳисоботнинг турли элементлари ва уларга тегишли изоҳлар бўйича тақдим этиш ва изоҳлар тўғрисида билвосита ёки аниқ баёнотлар беради. Тақдим этиш ва ёритиб беришга оид тасдиқлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

(a) Операция юз бериши ва ҳуқуқлар ва мажбуриятлар — ёритиб берилган ҳодисалар, битимлар ва бошқа масалалар содир бўлган ва ташкилотга тегишли.

(b) Тўлиқлик—молиявий ҳисоботда киритилиши лозим бўлган барча изоҳлар киритилган.

(c) Таснифлаш ва тушуниш—молиявий маълумотлар тўғри тақдим этилган ва тавсифланган ва изоҳлар аниқ ифодаланган.

(d) Аниқлик ва баҳолаш — молиявий ва бошқа маълумотлар ҳаққоний ва мос миқдорларда ёритиб берилган. Аудиторнинг изоҳларни текшириш бўйича тартиблари ушбу тасдиқларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Молиявий инструментларни тақдим этиш ва ёритиб беришга оид тартиб таомиллар

140. Молиявий инструментларни тақдим этиш ва ёритиб беришга оид, айниқса муҳим бўлган соҳалар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Молиявий ҳисобот тайёрлаш асослари одатда активлар, мажбуриятлар, даромад ва харажатларни тўлдириш ва тушунтириш учун баҳолаш ва улар билан боғлиқ рисклар ва ноаниқликлар ҳақида қўшимча ёритиб беришни талаб қилади. Аудиторнинг эътибори рисклар ва сезгирлик таҳлилига оид маълумотларни ёритиб беришга қаратилган бўлиши мумкин. Аудиторнинг рискни баҳолаш тартиблари ва назорат фаолиятларини синовдан ўтказиш давомида олинган маълумотлар, молиявий ҳисоботдаги изоҳлар қўлланиладиган молиявий ҳисобот тайёрлаш асоси талабларига мувофиқлигини аниқлаш учун далиллар тақдим этиши мумкин, масалан:
  - Ташкилотнинг молиявий инструментлардан фойдаланиш мақсадлари ва стратегиялари, шу жумладан ташкилотнинг баён қилинган ҳисоб сиёсати;
  - Ташкилотнинг молиявий инструментлар билан боғлиқ рискларни бошқариш учун назорат тизими; ва
  - Молиявий инструментлар билан боғлиқ рисклар ва ноаниқликлар.
- Маълумотлар анъанавий молиявий ҳисобот тизимларидан ташқаридаги тизимлардан, масалан, риск тизимларидан келиши мумкин. Аудитор баҳоланган рискларга нисбатан изоҳларга жавоб беришда танлаши мумкин бўлган тартиб-таомиллар мисоллари қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

  Маълумотларни ёритиб бериш учун қўлланилган жараён; ва

  Маълумотларни ёритиб беришни тайёрлашда фойдаланиладиган маълумотлар устидан назоратнинг самарадорлиги.

- Молиявий инструментлар катта рискга эга бўлган ҳолатларда[38], ҳатто ахборотлар тегишли молиявий ҳисобот тайёрлаш асосига мувофиқ бўлса ҳам, аудитор баҳолаш ноаниқлигини ёритиб бериш етарли эмас, деб хулоса қилиши мумкин ва шунинг учун молиявий ҳисобот ҳаққоний тақдимотга эришмаслиги мумкин. 705-сон АХС аудиторнинг фикрига таъсир кўрсатадиган ҳолатларда, яъни аудитор раҳбариятнинг молиявий ҳисоботдаги изоҳлари етарли ёки чалғитувчи деб ҳисоблаганда, кўрсатмалар беради.

[37] 200-сон АХСнинг 4 ва А2-бандларига қаранг.

[38] 540-сон АХС, 20-банд, аудитордан тегишли молиявий ҳисобот тайёрлаш асоси доирасида молиявий ҳисоботда уларнинг баҳолаш ноаниқлигини ёритиб беришнинг етарлилигини баҳолаш учун аҳамиятли рискларни юзага келтирувчи ҳисоб баҳоларига оид изоҳлар бўйича қўшимча тартиб-таомилларни бажаришни талаб қилади.

- Аудиторлар, шунингдек, изоҳлар тўлиқ ва тушунарли эканлигини ҳам кўриб чиқишлари мумкин, масалан, барча тегишли маълумотлар молиявий ҳисоботда (ёки уларга илова қилинган ҳисоботда) киритилган бўлиши мумкин, аммо бу маълумотлар молиявий ҳисобот фойдаланувчиларига вазиятни тушуниш имконини бериш учун етарлича бирлаштирилмаган бўлиши мумкин ёки молиявий ҳисоботда қайд этилган суммаларга контекст бериш учун етарли сифатли изоҳлар бўлмаслиги мумкин. Масалан, ҳатто бир ташкилот сезгирлик таҳлили маълумотларини киритган бўлса ҳам, маълумотлар баҳолашдаги ўзгаришлар, қарз шартномаларига таъсир, гаров талаблари ва ташкилотнинг ликвидлиги туфайли юзага келиши мумкин бўлган риск ва ноаниқликларни тўлиқ тасвирламаслиги мумкин. 260-сон АХС раҳбарият учун масъул бўлганлар билан мулоқот қилиш тўғрисидаги талаблар[39] ва йўриқномаларни ўз ичига олади, шу жумладан аудиторнинг ташкилотнинг бухгалтерия амалиётининг муҳим сифат жиҳатлари, шу жумладан ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳолари ва молиявий ҳисоботни ёритиб бериш тўғрисидаги фикрлари.

141. Молиявий инструментларнинг мохиятга кўра тестлашда, масалан, қисқа муддатли ва узоқ муддатли таснифлаш бўйича тақдимотнинг мувофиқлигини кўриб чиқиш, аудиторнинг тақдим этиш ва ёритиб беришни баҳолаши учун долзарбдир.

Бошқа тегишли аудит мулоҳазалари

Ёзма баёнотлар

142. 540-сон АХС аудитордан раҳбарият ва, зарур бўлганда, бошқарув учун масъул шахслардан ҳисоб баҳоларини тузишда қўлланилган муҳим тахминлар оқилона деб ҳисоблашлари тўғрисида ёзма баёнотларни олишни талаб қилади[40]. 580-сон АХСга кўра[41], агар бундай талаб қилинган баёнотлардан ташқари, аудитор молиявий ҳисобот билан боғлиқ бошқа аудит далилларини ёки молиявий ҳисоботдаги бир ёки бир нечта аниқ баёнотларни қўллаб-қувватлаш учун бир ёки бир нечта ёзма баёнотларни олиш зарур деб ҳисобласа, аудитор бундай бошқа ёзма баёнотларни сўраши лозим. Молиявий инструментлар фаолиятининг ҳажми ва мураккаблик даражасига қараб, молиявий инструментлар ҳақида олинган бошқа далилларни қўллаб-қувватлаш учун ёзма баёнотлар қуйидагиларни ҳам ўз ичига олиши мумкин:

- Молиявий инструментлар бўйича раҳбариятнинг мақсадлари, масалан, улар хежлаш, актив/мажбуриятларни бошқариш ёки инвестиция мақсадларида фойдаланилиши;
- Молиявий ҳисоботнинг тўғри тақдим этилиши ҳақидаги тасаввурлар, масалан, молиявий инструментлар бўйича операцияларни сотув ёки молиялаштириш операциялари сифатида қайд этиш;
- Молиявий инструментларга оид молиявий ҳисоботдаги изоҳлар тўғрисидаги тасвирлар, масалан:
  - Ҳисоботлар барча молиявий инструментлар бўйича операцияларни акс эттириши; ва
  - Барча бириктирилган деривератив инструментлар аниқланганлиги;
- Барча операциялар бозор қийматида ва мустақил шартларда амалга оширилганлиги;
- Операциялар шартлари;
- Молиявий инструментларнинг баҳоланишининг мувофиқлиги;
- Ҳар қандай молиявий инструментлар билан боғлиқ қўшимча келишувлар мавжудлиги;
- Ёзма опционларга киришганлиги.
- Раҳбариятнинг муайян ҳаракатларни амалга ошириш нияти ва қобилияти[42]; ва кейинги воқеалар молиявий ҳисоботдаги баҳолашлар ва изоҳларни тузатишни талаб қилиши.

Бошқарув учун масъул бўлган шахслар ва бошқалар билан мулоқот қилиш

143. Молиявий инструментларни баҳолаш билан боғлиқ ноаниқликлар туфайли, ҳар қандай муҳим рискларнинг молиявий ҳисоботга бўлган эҳтимолий таъсири раҳбарият манфаатларига эга бўлиши мумкин. Аудитор ҳаққоний қиймат баҳоларида қўлланилган муҳим тахминларнинг характери ва оқибатларини, тахминларни ишлаб чиқишдаги субъективлик даражасини ва молиявий ҳисобот учун ҳаққоний қийматда баҳоланадиган элементларнинг нисбий аҳамиятини хабар қилиши мумкин. Бундан ташқари, молиявий инструмент шартномаларига кириш бўйича мажбуриятлар ва кейинги баҳолаш жараёнлари устидан тегишли назоратга бўлган эҳтиёж бошқарув учун масъул бўлган шахслар билан мулоқот ўрнатиш заруратини келтириб чиқариши мумкин бўлган масалалардир.

---

[39] 260-сон АХС, Бошқарув учун масъул бўлган шахслар билан мулоқот қилиш

[40] 540-сон АХС, 22-банд. 580-сон АХС, Ёзма баёнотлар, 4-банд, раҳбариятнинг ёзма баёнотлари улар кўриб чиқадиган масалаларнинг ҳеч бири бўйича ўз-ўзидан етарли ва муносиб аудит далилини тақдим этмаслигини баён қилади. Агар аудитор бошқа йўл билан етарли ва муносиб аудит далилини ололмаса, бу аудит қўллаш доирасига чеклов бўлиши ва аудитор ҳисоботига таъсир кўрсатиши мумкин (705-сон АХС, Мустақил аудитор ҳисоботидаги фикрга ўзгартиришлар киритишга қаранг).

[41] 580-сон АХС, 13-банд

[42] 540-сон АХСнинг А80-банди шароитларда мос бўлиши мумкин бўлган тартиб-таомилларга мисоллар келтиради.

144. 260-сон АХС молиявий ҳисоботнинг аудитида бошқарув учун масъул бўлган шахслар билан мулоқот қилиш бўйича аудиторнинг жавобгарлигини кўриб чиқади. Молиявий инструментлар бўйича, бошқарув учун масъул бўлган шахсларга етказилиши лозим бўлган масалалар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- Молиявий инструмент фаолиятларининг характери ёки кўлами ёки бундай фаолиятлар билан боғлиқ рискларни раҳбарият тушунмаслиги;
- Аудитор текширув давомида аниқлаган молиявий инструментлар фаолиятига тегишли ички назорат ёки рискни бошқариш тизимларининг ишлаб чиқиш ёки ишлашдаги муҳим камчиликлар[43];
- Раҳбарият ёки раҳбарият эксперти томонидан амалга оширилган баҳолашларга тегишли етарли ва муносиб аудит далилларини олишда учрайдиган жиддий қийинчиликлар, масалан, раҳбарият баҳолаш услубияти, тахминлар ва раҳбарият эксперти томонидан фойдаланилган маълумотларни тушуниш имконига эга бўлмаган тақдирда ва бундай маълумотлар раҳбарият мутахассиси томонидан аудиторга тақдим этилмаганда.
- Баҳолашлар бўйича аудитор ва раҳбарият ёки раҳбарият эксперти фикрлари ўртасидаги жиддий фарқлар;
- Молиявий ҳисоботда ёритиб берилиши лозим бўлган мухим рисклар ва таъсирлар натижасида ташкилотнинг молиявий ҳисоботига бўлиши мумкин бўлган таъсирлар, шу жумладан молиявий инструментлар билан боғлиқ баҳолаш ноаниқлиги;
- Аудиторнинг ҳисоб сиёсатини танлаш ва молиявий ҳисоботда молиявий инструментлар операцияларини тақдим этишнинг мувофиқлиги ҳақидаги фикрлари;
- Аудиторнинг ташкилотнинг бухгалтерия амалиёти ва молиявий инструментлар бўйича молиявий ҳисоботининг сифат жиҳатлари ҳақидаги фикрлари; ёки
- Молиявий инструментларни харид қилиш, сотиш ва сақлаш бўйича тўлиқ ва аниқ баён қилинган сиёсатнинг етишмаслиги, шу жумладан операцияларни назорат қилиш, молиявий инструментларни ҳимоя сифатида белгилаш тартиблари ва рискларни кузатиш.

Мулоқот учун мос вақт жалб этиш шароитларига қараб ўзгариши мумкин; аммо, агар бошқарув учун масъул шахслар аудиторга қийинчиликни енгиб ўтишда ёрдам беришлари мумкин бўлса ёки бу ўзгартирилган фикрга олиб келиши эҳтимоли бўлса, аудиторлик текшируви давомида учраган жиддий қийинчиликларни имкон қадар тезроқ етказиш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин.

Регуляторлар ва бошқалар билан мулоқот

145. Баъзи ҳолатларда аудиторлардан бошқарув учун масъул шахслардан ташқари, молиявий инструментларга оид масалалар бўйича тўғридан-тўғри регуляторлар ёки пруденциал назоратчилар билан мулоқот қилиш талаб қилиниши мумкин ёки улар бундай мулоқотни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблашлари мумкин[44]. Бундай мулоқот аудит давомида фойдали бўлиши мумкин. Масалан, айрим юрисдикцияларда банк назоратчилари аудиторлар билан ҳамкорлик қилишга интилиб, молиявий инструментлар фаолияти устидан назорат қилиш ва қўллаш, фаол бўлмаган бозорларда молиявий инструментларни баҳолашдаги қийинчиликлар ва қоидаларга риоя қилиш ҳақида маълумот алмашадилар. Бу мувофиқлаштириш аудиторга мухим бузиб кўрсатиш рискини аниқлашда ёрдам бериши мумкин.

[43] 265-сон АХС, Ички назоратдаги камчиликларни бошқарув учун масъул бўлган шахслар ва раҳбариятга етказиш, ички назоратдаги камчиликларни раҳбариятга етказиш ва ички назоратдаги аҳамиятли камчиликларни бошқарув учун масъул бўлган шахсларга етказиш бўйича талабларни белгилайди ва кўрсатмалар беради. У ички назоратдаги камчиликлар аудиторнинг 315-сон АХС (2019 йилда қайта таҳрирланган)га мувофиқ рискни баҳолаш тартиб-таомиллари давомида ёки аудитнинг бошқа ҳар қандай босқичида аниқланиши мумкинлигини тушунтиради.

[44] Масалан, 250-сон АХС (Қайта таҳрирланган), Молиявий ҳисобот аудитида қонун ва қоидаларни ҳисобга олиш, аудиторлардан қонун ва қоидаларга аниқланган ёки шубҳа қилинган риоя қилмасликни ташкилотдан ташқаридаги тарафларга хабар бериш мажбурияти мавжудлигини аниқлашни талаб қилади. Бундан ташқари, аудиторнинг банк назоратчилари ва бошқаларга мулоқоти бўйича талаблар кўплаб мамлакатларда қонун, назорат талаби ёки расмий келишув ёхуд протокол орқали белгиланиши мумкин.

Илова

(А14 бандга қаранг)

Молиявий инструментларга оид назорат мисоллари

1. Қуйида молиявий инструментлар билан юқори ҳажмдаги операцияларни амалга оширадиган ташкилотда мавжуд бўлиши мумкин бўлган назорат чоралари ва уларнинг мисоллари ҳақида маълумот берилади, бу савдо ёки инвестиция мақсадларида бўлиши мумкин. Мисоллар тўлиқ бўлиш учун мўлжалланмаган ва ташкилотлар ўзларининг ўлчами, фаолият юритаётган сохаси ва молиявий инструментлар бўйича операцияларининг кўламига қараб турли назорат муҳитлари ва жараёнларини ўрнатишлари мумкин. Савдо тасдиқлашлари ва клирингдан фойдаланиш тўғрисидаги қўшимча маълумот 25–26-бандларда келтирилган.

2. Ҳар қандай назорат тизимида бўлгани каби, баъзан мухим бузиб кўрсатиш рискини олдини олиш учун турли назорат даражасида (масалан, олдини олувчи, аниқловчи ва кузатувчи) назорат воситаларини дубликат қилиш зарур бўлади.

Ташкилотнинг назорат муҳити

Молиявий инструментларни малакали қўллашга содиқлик

3. Айрим молиявий инструментлар фаолиятининг мураккаблик даражаси шундай бўлиши мумкинки, фақатгина ташкилот ичидаги бир нечта шахсларгина ушбу фаолиятларни тўлиқ тушунишлари ёки инструментларни доимий равишда баҳолаш учун зарур бўлган малакага эга бўлишлари мумкин. Молиявий инструментлардан тегишли мутахассисликсиз фойдаланиш ташкилот ичида мухим бузиб кўрсатишлар рискини оширади.

Бошқарув учун масъул бўлган шахсларнинг иштирок этиши

4. Бошқарув учун масъул бўлган шахслар ташкилотнинг умумий рискга мойиллигини белгилашда раҳбарият билан ҳамкорлик қиладилар ва ташкилотнинг молиявий инструментлар фаолиятини назорат қиладилар. Ташкилотнинг молиявий инструментларни сотиб олиш, сотиш ва сақлаш бўйича сиёсати унинг рискка бўлган муносабати ва молиявий инструментлар фаолиятида иштирок этувчиларнинг малакасига мос келади. Бундан ташқари, бир ташкилот қуйидаги мақсадларда бошқарув тузилмалари ва назорат жараёнларини ўрнатиши мумкин:

   (a) Инвестиция қарорлари ва барча муҳим баҳолаш ноаниқликларини баҳолашни бошқарув учун масъул бўлган шахсларга етказиш; ва

   (b) Молиявий инструментлар билан операциялар ўтказишда ташкилотнинг умумий рискга мойиллигини баҳолаш.

Ташкилий тузилма

5. Молиявий инструмент фаолияти марказлашган ёки марказлашмаган асосда амалга оширилиши мумкин. Бундай фаолиятлар ва уларга боғлиқ қарор қабул қилиш аниқ, ишончли ва ўз вақтида келадиган бошқарув маълумотларининг оқимига катта даражада боғлиқ. Бундай маълумотларни йиғиш ва умумлаштириш қийинчилиги ташкилот иштирок этаётган жойлар ва бизнеслар сони ортиши билан ошади. Молиявий инструментлар фаолияти билан боғлиқ мухим бузиб кўрсатиш риски назорат фаолиятларининг кўпроқ децентрализацияси билан ортиши мумкин. Бу айниқса, бир ташкилот турли жойларда, баъзилари эҳтимол бошқа мамлакатларда жойлашган бўлса, тўғри бўлиши мумкин.

Ваколат ва жавобгарликни топшириш

Инвестиция ва баҳолаш сиёсати

6. Молиявий инструментларни сотиб олиш, сотиш ва сақлаб туриш бўйича бошқарув учун масъул бўлган шахслар томонидан маъқулланган аниқ баён қилинган сиёсат орқали йўналиш бериш, бошқарувга бизнес рискларини қабул қилиш ва бошқариш учун самарали ёндашувни ўрнатиш имконини беради. Ушбу сиёсат, агар улар ташкилотнинг рискни бошқариш фаолиятлари бўйича мақсадларини, ушбу мақсадларга эришиш учун мавжуд инвестиция ва ҳимоя қилиш муқобиллари билан бирга баён этганда ва қуйидагиларни акс эттирганда аниқ бўлади:

   (a) Раҳбариятнинг малака даражаси;

(b) Ташкилотнинг ички назорат ва мониторинг тизимларининг мураккаблиги;

(c) Ташкилотнинг актив/мажбурият тузилмаси;

(d) Ташкилотнинг ликвидликни сақлаш ва капитал йўқотишларини қоплаш қобилияти;

(e) Раҳбарият ўз мақсадларига эришиш учун мос келади деб ҳисоблайдиган молиявий инструментлар турлари; ва

(f) Молиявий инструментлардан фойдаланиш, бошқарув уларнинг мақсадларига мос келади деб ҳисоблайди, масалан, деривативлар фақат ҳимоя мақсадларида ёки спекулятив мақсадларда фойдаланилиши мумкин.

7. Раҳбарият ўзининг баҳолаш қобилиятларига мос келадиган сиёсатни ишлаб чиқиши ва ушбу сиёсатга ташкилотнинг баҳолаш учун масъул бўлган ходимлари томонидан риоя қилинишига ишонч ҳосил қилиш учун назорат механизмларини ўрнатиши мумкин. Булар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

(a) Баҳолашни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун қўлланиладиган услубиятнинг ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш жараёнлари, шу жумладан баҳолаш ноаниқлиги қандай ҳал қилинишини ўз ичига олади; ва

(b) Кузатиладиган манба маълумотларининг фойдаланишини максималлаштириш ва молиявий инструментларни баҳолашни қўллаб-қувватлаш учун йиғилиши лозим бўлган ахборот турлари бўйича сиёсатлар.

8. Кичик ташкилотларда молиявий инструментлар билан ишлаш кам учрайди ва раҳбариятнинг билими ва тажрибаси чекланган бўлиши мумкин. Шу билан бирга, молиявий инструментлар бўйича сиёсатни ўрнатиш ташкилотга ўзининг рискга мойиллигини аниқлашга ва муайян молиявий инструментларга сармоя киритиш орқали белгиланган мақсадга эришиш мумкинлигини кўриб чиқишга ёрдам беради.

Кадрлар сиёсати ва амалиёти

9. Ташкилотлар асосий ходимлардан, ҳам олдинги офисда, ҳам орқа офисда, ўз вазифаларидан мажбурий таътил олишни талаб қилувчи сиёсатни ўрнатишлари мумкин. Ушбу турдаги назорат сохта савдолар яратиш ёки операцияларни нотўғри қайд этиш билан шуғулланувчи савдо фаолияти иштирокчиларини олдини олиш ва аниқлаш воситаси сифатида қўлланилади.

Хизмат кўрсатувчи ташкилотлардан фойдаланиш

10. Ташкилотлар молиявий инструментларни сотиб олиш ёки сотишни бошлаш, ташкилот учун операциялар ҳисобини юритиш ёки молиявий инструментларни баҳолаш учун хизмат кўрсатувчи ташкилотлардан (масалан, активлар бошқарувчилари) ҳам фойдаланишлари мумкин. Баъзи ташкилотлар ушбу хизмат ташкилотларига молиявий инструментлар бўйича ҳисобот бериш асосини таъминлаш учун боғлиқ бўлиши мумкин. Бироқ, агар раҳбарият хизмат кўрсатувчи ташкилотдаги назорат чоралари ҳақида тушунчага эга бўлмаса, аудитор ушбу хизмат кўрсатувчи ташкилотдаги назорат чораларига таяниш учун етарли ва муносиб аудит далилларини олиш имконига эга бўлмаслиги мумкин. 402-сон АХС, бир ёки бир нечта хизмат кўрсатувчи[45] ташкилотларнинг хизматларидан фойдаланадиган ташкилот учун аудиторга етарли ва муносиб аудит далилларини олиш талабларини белгилайди.

11. Хизмат ташкилотларидан фойдаланиш молиявий инструментлар учун назорат муҳитини кучайтириши ёки заифлаштириши мумкин. Масалан, хизмат кўрсатиш ташкилотининг ходимлари молиявий инструментлар бўйича ташкилот раҳбариятидан кўра кўпроқ тажрибага эга бўлиши мумкин ёки молиявий ҳисобот бериш бўйича ички назорат воситаларии мустаҳкамроқ бўлиши мумкин. Хизмат кўрсатувчи ташкилотдан фойдаланиш ҳам вазифаларни кўпроқ ажратиш имконини бериши мумкин. Бошқа томондан, хизмат кўрсатувчи ташкилотда назорат муҳити ёмон бўлиши мумкин.

Ташкилотнинг рискларни баҳолаш жараёни

12. Ташкилотнинг рискларни баҳолаш жараёни, молиявий инструментлардан фойдаланиш натижасида юзага келадиган бизнес рискларини қандай аниқлашини белгилаш учун мавжуд бўлиб, унда бошқарув рискларнинг аҳамиятини қандай

[45] 402-сон АХС, Хизмат кўрсатувчи ташкилотдан фойдаланувчи ташкилотга оид аудит масалалари
1000-сон ХААИ

баҳолаши, уларнинг юзага келиш эҳтимолини баҳолаши ва уларни бошқариш учун қандай чоралар кўришини аниқлайди.

13. Ташкилотнинг рискларни баҳолаш жараёни бошқарув қандай рискларни бошқариш лозимлигини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Рискни баҳолаш жараёнлари раҳбариятни қуйидагилар бўйича таъминлаш мақсадида мавжуд:

    (a) Молиявий инструментга киришишдан олдин унинг рсикларини тушуниш, шу жумладан, операцияга киришиш мақсади ва унинг тузилиши (масалан, ташкилотнинг молиявий инструмент фаолиятининг иқтисодиёти ва бизнес мақсади);

    (b) Махсус молиявий инструментлар билан боғлиқ рискларга мос равишда етарли даражада ўринли текширувларни амалга оширади;

    (c) Ташкилотнинг очиқ позицияларини кузатиб боради, бозор шароитлари ташкилотнинг рискларига қандай таъсир қилаётганини тушуниш учун;

    (d) Зарур бўлганда рискга дучор бўлишни камайтириш ёки ўзгартириш учун тартиб-таомилларга эга ва обрў-эътибор рискини бошқариш учун; ва

    (e) Бу жараёнларни қатъий назорат ва кўриб чиқишга дучор қилади.

14. Рискларга дучор бўлишни назорат қилиш ва бошқариш учун жорий қилинган тузилма қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

    (a) Бошқарув учун масъул бўлган шахслар томонидан белгиланган рискка нисбатан муносабатга мувофиқ ва барқарор бўлиш;

    (b) Турли хил молиявий инструментлар ва операциялар учун рухсат бериш даражаларини ва улар қандай мақсадларда киритилиши мумкинлигини аниқлаш. Рухсат этилган инструментлар ва тасдиқлаш даражалари молиявий инструментлар фаолиятида иштирок этувчиларнинг малакасини акс эттириши лозим, бу эса бошқарувнинг компетентликка бўлган садоқатини намоён этади;

    (c) Ҳар бир турдаги рискга (тасдиқланган контрагентларни қўшган ҳолда) рухсат этилган энг юқори таъсир даражаси учун мос чекловларни ўрнатиш. Рухсат этилган таъсир даражалари риск турига ёки қаршилик кўрсатувчи тарафга қараб ўзгариши мумкин;

    (d) Молиявий рисклар ва назорат фаолиятларини мақсадли ва ўз вақтида мониторинг қилишни таъминлаш;

    (e) Рискларни бошқаришда молиявий инструментлар фаолиятининг таъсирлари, рисклари ва натижаларини холис ва ўз вақтида ҳисобот беришни таъминлаш; ва

    (f) Молиявий инструментларнинг муайян рискларини баҳолашда раҳбариятнинг фаолиятини баҳолаш.

15. Ташкилот дуч келадиган риск турлари ва даражалари унинг молиявий инструментлар турлари билан бевосита боғлиқ бўлиб, бу инструментларнинг мураккаблиги ва амалга оширилган молиявий инструментлар ҳажмини ўз ичига олади.

Рискни бошқариш функцияси

16. Айрим ташкилотлар, масалан, молиявий инструментлар билан юқори ҳажмдаги операцияларни амалга оширадиган йирик молиявий институтлар, қонун ёки регламент талабига кўра ёки ўз хоҳишига кўра, расмий рискни бошқариш функциясини ташкил этишлари мумкин. Ушбу функция молиявий инструментлар бўйича битимларни амалга ошириш ва бошқариш учун масъул бўлган шахслардан ажратилган. Функция молиявий инструментлар фаолиятини ҳисобот бериш ва мониторинг қилиш учун жавобгар бўлиб, бошқарув учун масъул бўлган шахслар томонидан ташкил этилган расмий риск қўмитасини ўз ичига олиши мумкин. Ушбу соҳадаги асосий жавобгарликни қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

    (a) Бошқарув учун масъул бўлган шахслар томонидан белгиланган рискни бошқариш сиёсатини амалга ошириш (шу жумладан, ташкилот дуч келиши мумкин бўлган рискларни таҳлил қилиш);

(b) Риск чегаралари тузилмаларини ишлаб чиқиш ва ушбу риск чегараларининг амалда жорий этилишини таъминлаш;

(c) Стресс сценарийларни ишлаб чиқиш ва очиқ позиция портфелларини сезгирлик таҳлилига дучор қилиш, шу жумладан позициялардаги ғайриоддий ҳаракатларни кўриб чиқиш; ва

(d) Янги молиявий инструмент маҳсулотларини кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш.

17. Молиявий инструментлар билан боғлиқ риск шундаки, йўқотиш баланс варақасида тан олинган молиявий инструмент қийматидан, агар бўлса, ортиқ бўлиши мумкин. Масалан, товарнинг бозор нархининг кутилмаган тушиши, гаров ёки маржа талаблари туфайли, бирор ташкилотни ўша товардаги форвард позициясини ёпиш учун зарарларни амалга оширишга мажбур қилиши мумкин. Баъзи ҳолларда, эҳтимолий йўқотишлар ташкилотнинг фаолиятни давом эттириш қобилиятига жиддий шубҳа туғдириши мумкин. Ташкилот бозор рискларига дуч келадиган молиявий инструментларга бўлган келажакдаги гипотетик таъсирларни баҳолаш учун сезгирлик таҳлиллари ёки риск остидаги қиймат таҳлилларини ўтказиши мумкин. Шу билан бирга, рискларнинг қийматдаги таҳлили ташкилотга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган рискларнинг тўлиқ даражасини акс эттирмайди; сезгирлик ва сценарий таҳлиллари ҳам чекловларга дуч келиши мумкин.

18. Молиявий инструментлар фаолиятининг ҳажми ва мураккаблиги ҳамда тегишли меъёрий талаблар ташкилотнинг расмий рискни бошқариш функциясини ташкил этиш ёки қилмаслик ҳақидаги қарашини ва бу функция қандай тузилиши мумкинлигини таъсир қилади. Алоҳида рискни бошқариш функциясини ташкил этмаган ташкилотларда, масалан, нисбатан кам молиявий инструментларга ёки камроқ мураккаб молиявий инструментларга эга ташкилотларда, молиявий инструмент фаолиятлари бўйича ҳисобот бериш ва кузатиш бухгалтерия ёки молия функциясининг масъулияти ёки бошқарувнинг умумий масъулиятининг бир қисми бўлиши мумкин ва бу бошқарув учун масъул бўлган шахслар томонидан ташкил этилган расмий риск қўмитасини ўз ичига олиши мумкин.

Ташкилотнинг ахборот тизимлари

19. Ташкилотнинг ахборот тизимининг асосий мақсади барча операцияларни аниқ қайд этиш ва ёзиш, уларни ҳал қилиш, баҳолаш ва молиявий инструментларнинг рискини бошқариш ва назорат қилиш учун маълумотларни ишлаб чиқариш қобилиятига эга бўлишдир. Қийинчиликлар молиявий инструментлар билан юқори ҳажмда ишлайдиган ташкилотларда, айниқса, агар бир нечта тизимлар етарли даражада интеграция қилинмаган ва қўлда бошқариладиган интерфейсларга эга бўлса юзага келиши мумкин.

20. Айрим молиявий инструментлар кўплаб бухгалтерия ёзувларини талаб қилиши мумкин. Молиявий инструментлар фаолиятининг мураккаблиги ёки даражаси ошган сари, ахборот тизимининг мураккаблиги ҳам ошиши зарур. Молиявий инструментлар билан боғлиқ аниқ муаммолар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

(a) Ахборот тизимлари, айниқса кичик ташкилотлар учун, молиявий инструментлар бўйича операцияларни қайта ишлаш имкониятига эга бўлмаслиги ёки тўғри конфигурация қилинмаган бўлиши мумкин, айниқса ташкилот молиявий инструментлар билан ишлаш бўйича олдинги тажрибага эга бўлмаса. Бу қўлда амалга ошириладиган операциялар сонининг ошишига олиб келиши мумкин, бу эса хатолик рискини янада ошириши мумкин;

(b) Мураккаброқ операцияларни қайта ишлаш учун зарур бўлган тизимларнинг потенциал хилма-хиллиги ва улар ўртасида мунтазам солиштириш зарурати, айниқса, тизимлар ўзаро боғланмаган ёки қўлда аралашувга дуч келиши мумкин бўлганда;

(c) Агар мураккаброқ операциялар фақат оз сонли шахслар томонидан савдо қилинса, улар асосий ишлов бериш тизимларида эмас, балки электрон жадвалларда баҳоланиши ёки рискни бошқариши мумкинлиги эҳтимоли бор ва бу электрон жадваллар атрофидаги жисмоний ва мантиқий парол хавфсизлиги осонроқ бузилиши мумкин;

(d) Тизимлар томонидан яратилган ёзувларни тасдиқлаш учун тизимлар истисно журналларини, ташқи тасдиқларни ва брокер котировкаларини текширишнинг етишмаслиги;

(e) Молиявий инструментларни баҳолаш тизимларига асосий манба маълумотларини назорат қилиш ва баҳолашдаги қийинчиликлар, айниқса, ушбу тизимлар олдинги офис деб аталадиган савдогарлар гуруҳи ёки учинчи томон хизмат кўрсатувчи томонидан қўллаб-қувватланганда ва/ёки савдолар ноодатий ёки кам савдоланганда;

(f) Ушбу операцияларни қайта ишлаш учун қўлланиладиган мураккаб моделларнинг дизайн ва калибровкасини дастлабки ва даврий асосда баҳолашдаги муваффақиятсизлик;

(g) Раҳбарият моделлар кутубхонасини ташкил этмаган бўлиши мумкин, бу эса моделларнинг аккредитацияланган версияларининг кучли аудит изини сақлаш ва ушбу моделларга рухсатсиз кириш ёки ўзгартиришларнинг олдини олиш учун кириш, ўзгартириш ва алоҳида моделларнинг техник хизмат кўрсатишини назорат қилишни ўз ичига олади.

(h) Рискни бошқариш ва назорат тизимларига талаб қилинадиган номутаносиб сармоя, агар ташкилот фақат чекланган миқдорда молиявий инструментлар билан операциялар ўтказса, ва агар раҳбарият бу турдаги операцияларга ўрганмаган бўлса, натижаларни нотўғри тушуниш эҳтимоли;

(i) Учинчи томон тизимларини таъминлаш эҳтимоли, масалан, хизмат кўрсатувчи ташкилотдан, молиявий инструментлар операцияларини тўғри ёзиш, қайта ишлаш, ҳисобга олиш ёки рискни бошқариш учун, ва ушбу провайдерлардан олинган натижаларни тўғри мувофиқлаштириш ва текшириш зарурати; ва

(j) Электрон тижоратдан молиявий инструментлар операциялари учун фойдаланганда электрон тармоқдан фойдаланишга оид қўшимча хавфсизлик ва назорат масалалари.

21. Молиявий ҳисоботга тегишли ахборот тизимлари молиявий ҳисоботдаги миқдорий изоҳлар учун муҳим ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга, ташкилотлар ички ҳисобот бериш учун ва рисклар ва ноаниқликлар ёки сезгирлик таҳлиллари ҳақидаги сифатий изоҳларда киритилган маълумотларни яратиш учун но-молиявий тизимларни ҳам ишлаб чиқиши ва сақлаши мумкин.

Ташкилотнинг назорат фаолиятлари

22. Молиявий инструментлар бўйича операцияларни назорат қилиш фаолиятлари ташкилотнинг мақсадларига эришишига тўсқинлик қилувчи муаммоларни олдини олиш ёки аниқлаш учун мўлжалланган. Ушбу мақсадлар операциявий, молиявий ҳисобот бериш ёки мувофиқлик хусусиятига эга бўлиши мумкин. Молиявий инструментлар устидан назорат фаолиятлари молиявий инструментлар операцияларининг мураккаблиги ва ҳажмига нисбатан ишлаб чиқилган бўлиб, одатда тегишли авторизация жараёни, вазифаларнинг етарли даражада ажратилиши ва ташкилотнинг назорат мақсадларига эришилишини таъминлашга қаратилган бошқа сиёсат ва тартибларни ўз ичига олади. Жараён оқим диаграммалари ташкилотнинг назорат воситаларини ва назорат воситалари етишмаслигини аниқлашда ёрдам бериши мумкин. Ушбу ХААИ тўлиқлик, аниқлик ва мавжудлик, баҳолаш, тақдимот ва ёритиб бериш билан боғлиқ назорат фаолиятларига қаратилган.

23. Авторизация молиявий ҳисобот баёнотларига тўғридан-тўғри ва билвосита таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, агар битим ташкилот сиёсатидан ташқарида амалга оширилса ҳам, у барибир тўғри қайд этилиши ва ҳисобга олиниши мумкин. Шу билан бирга, рухсатсиз операциялар ташкилот учун рискни сезиларли даражада ошириши мумкин, шунинг учун улар ички назорат тизимидан ташқарида амалга оширилганлиги сабабли мухим бузиб кўрсатиш рискини сезиларли даражада оширади. Ушбу рискни камайтириш учун, ташкилот кўпинча ким томонидан қандай операциялар амалга оширилиши мумкинлиги ҳақида аниқ сиёсат ўрнатади ва бу сиёсатга риоя қилиш ташкилотнинг орқа офиси томонидан назорат қилинади. Шахсларнинг савдо фаолиятларини кузатиш, масалан, ғайриоддий юқори ҳажмлар ёки катта фойда ёки йўқотишларни кўриб чиқиш орқали, бошқарувга ташкилот сиёсатига риоя қилишни таъминлашда, янги турдаги операцияларнинг тасдиқланишида ва фирибгарлик содир бўлганлигини баҳолашда ёрдам беради.

24. Ташкилотнинг битимни бошлаш ёзувларининг вазифаси алоҳида операцияларнинг характери ва мақсадини аниқлаш, ҳар бир молиявий инструмент шартномаси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни, шу жумладан шартномаларнинг ижро этилиши мумкинлигини аниқлашдан иборат. Асосий молиявий маълумотлардан ташқари, масалан, шартли сумма, тўлиқ ва аниқ ёзувлар одатда қуйидагиларни ўз ичига олади:

(a) Дилернинг шахси;

(b) Агар битимни дилер эмас, бошқа шахс қайд этган бўлса, унинг шахси, битим қачон бошлангани (шу жумладан, битим санаси ва вақти), ва у ташкилотнинг ахборот тизимларида қандай қайд этилгани; ва

(c) Операциянинг характери ва мақсади, шу жумладан у асосий тижорат рискини хежлаш учун мўлжалланганлигини ўз ичига олади.

Вазифаларни ажратиш

25. Вазифаларни ажратиш ва ходимларни тайинлаш молиявий инструментларга дуч келганда муҳим назорат фаолияти ҳисобланади. Молиявий инструмент фаолиятлари қуйидаги бир қатор функцияларга ажратилиши мумкин:

    (a) Операцияни (муомалани) амалга ошириш. Молиявий инструментлар билан юқори ҳажмдаги операцияларга эга бўлган ташкилотларда бу олдинги офис томонидан амалга оширилиши мумкин;

    (b) Нақд тўловларни бошлаш ва нақд тушумларни қабул қилиш (ҳисоб-китоблар);

    (c) Савдо тасдиқлашларини юбориш ва агар мавжуд бўлса, ташкилотнинг ёзувлари ва қарши томонлардан олинган жавоблар ўртасидаги фарқларни мувофиқлаштириш;

    (d) Барча операцияларни тўғри ҳисобот дафтарларига ёзиш;

    (e) Риск чегараларини кузатиш. Молиявий инструментлар билан юқори ҳажмдаги операцияларга эга ташкилотларда бу рискни бошқариш функцияси томонидан амалга оширилиши мумкин; ва

    (f) Позицияларни кузатиш ва молиявий инструментларни баҳолаш.

26. Кўплаб ташкилотлар молиявий инструментларга сармоя киритувчилар, молиявий инструментларни баҳоловчилар, молиявий инструментларни ҳисоб-китоб қилувчилар ва молиявий инструментларни ҳисобга олувчиларнинг вазифаларини ажратишни танлайдилар.

27. Агар бирор ташкилот вазифаларни тўғри ажратиш учун жуда кичик бўлса, молиявий инструментлар фаолиятини назорат қилишда раҳбарият ва бошқарув учун масъул бўлган шахсларнинг роли алоҳида аҳамиятга эга.

28. Баъзи ташкилотларнинг ички назоратининг хусусияти мустақил нархни тасдиқлаш (IPV) функциясидир. Ушбу бўлим айрим молиявий инструментларнинг нархини алоҳида текшириш учун жавобгардир ва алтернатив маълумот манбалари, услубиятлар ва тахминлардан фойдаланиши мумкин. IPV ташкилотнинг бошқа қисмида ишлаб чиқилган нархларни объектив кўриб чиқишни таъминлайди.

29. Оддий ҳолатда, ўрта ёки орқа офис баҳолаш сиёсатига оид қоидаларни ўрнатиш ва ушбу қоидаларга риоя қилишни таъминлаш учун жавобгардир. Молиявий инструментлардан кўпроқ фойдаланадиган ташкилотлар ўз молиявий инструментлар портфелини кундалик баҳолашлари ва алоҳида молиявий инструментлар баҳолашининг фойда ёки зарарга қўшган ҳиссасини баҳолашлари мумкин, бу баҳолашларнинг асослилигини текшириш учун.

Тўлиқлик, аниқлик ва мавжудлик

30. Ташкилотнинг ҳужжатларини ташқи банклар ва сақловчилар ҳужжатлари билан мунтазам таққослаш ташкилотга операцияларни тўғри қайд этилганлигини таъминлаш имконини беради. Савдоларни амалга ошираётганлар ва уларни мувофиқлаштираётганлар ўртасида мос равишда вазифаларни ажратиш муҳим, шунингдек, мувофиқлаштиришларни кўриб чиқиш ва мувофиқлаштириш элементларини тозалаш учун қатъий жараён ҳам муҳимдир.

31. Савдогарлардан мураккаб молиявий инструментнинг ўзига хос хусусиятларга, масалан, ичига киритилган деривативларга эга бўлиши мумкинлигини аниқлашни талаб қиладиган назорат чоралари ҳам ўрнатилиши мумкин. Бундай шароитларда, ҳисоб сиёсати гуруҳи билан биргаликда ишлаб, операциянинг тўғри ёзиб олинишини таъминлаш учун мураккаб молиявий инструментлар операцияларини уларнинг бошланишида баҳолайдиган алоҳида функция бўлиши мумкин (бу маҳсулот назорати гуруҳи деб аталиши мумкин). Кичик ташкилотларда маҳсулот назорати гуруҳлари бўлмаслиги мумкин, аммо ташкилотда мураккаб молиявий инструментлар шартномаларини келиб чиқиш нуқтасида кўриб чиқишга оид жараён, уларнинг тегишли молиявий ҳисобот тайёрлаш асосига мувофиқ тўғри ҳисобга олинишини таъминлаш учун мавжуд бўлиши мумкин.

Назорат воситаларини кузатиш

32. Ташкилотнинг доимий мониторинг фаолиятлари молиявий инструментлар ва уларнинг баҳоланиши бўйича операциялар устидан назорат самарадорлигидаги ҳар қандай камчиликларни аниқлаш ва тузатиш учун мўлжалланган.

Ташкилот ичида молиявий инструментлар фаолиятининг етарли даражада назорат қилиниши ва кўриб чиқилиши муҳимдир. Бу қуйидагиларни ўз ичига олади:

(a) Барча назорат воситалари кўриб чиқилиши лозим, масалан, солиштириш бўйича элементлар сони ёки ички нархлаш ва ташқи нархлаш манбалари ўртасидаги фарқ каби операция статистикаларини кузатиш;

(b) Кучли ахборот технологиялари (АТ) назорат воситаларии ва уларнинг қўлланилишини мониторинг қилиш ва тасдиқлаш зарурати; ва

(c) Турли хил жараёнлар ва тизимлар натижасида олинган маълумотларни етарли ва муносиблаштириш зарурати. Масалан, баҳолаш жараёнидан олинган натижалар умумий бухгалтерия дафтарига тўғри киритилмаса, ундан олинган фойда жуда кам бўлади.

33. Катта ташкилотларда мураккаб компьютер ахборот тизимлари одатда молиявий инструментлар фаолиятини кузатиб боради ва ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш учун мўлжалланган. Кўпроқ мураккаб компьютер тизимлари пул маблағлари ҳаракатларини кузатиш учун клиринг ҳисобларига автоматик ёзувлар яратиши мумкин ва ишлов бериш устидан назорат воситалари молиявий инструментлар фаолияти тўғри акс эттирилишини таъминлаш мақсадида жорий қилинади. Компьютер тизимлари истисно ҳисоботларини яратиш учун мўлжалланган бўлиши мумкин, бу орқали молиявий инструментлар рухсат этилган чегаралар доирасида фойдаланилмаган ёки амалга оширилган операциялар танланган контрагентлар учун белгиланган чегаралар доирасида бўлмаган ҳолатларда раҳбариятни огоҳлантириши мумкин. Шу билан бирга, ҳатто мураккаб компьютер тизими ҳам молиявий инструментлар бўйича операцияларнинг тўлиқ ёзилишини таъминламаслиги мумкин. Шунингдек, раҳбарият кўпинча барча операциялар қайд этилиш эҳтимолини ошириш учун қўшимча тартиб таомилларни жорий қилади.